Биз томондан ўтказилган таҳлилларнинг кўрсатишича, республикада ҳозирги кунгача юқоридисперсли томчиларни шакллантирадиган тўзиткични ишлаб чиқиш, уларда бажариладиган технологик жараёнларни ўрганиш, тўзиткич параметрларини назарий ва амалий асослаш бўйича етарли даражада тадқиқотлар ўтказилмаган. Ушбу таъкидланганлардан келиб чиққан ҳолда мазкур иш республика шароитида ўсимлик зараркунанда ва касалликларига, бегона ўтларга қарши кураш, ўсимликларни озиқлантириш, ғўзаларни дефолиация қилишда кимёвий ишлов берадиган юқори дисперсли томчиларни шакллантирадиган тўзиткичларни ишлаб чиқиш ва кам энергия сарфлаган ҳолда юқоридисперсли томчиларни ҳосил қилиш ҳисобига ишчи суюқлик сарфини камайтириш ҳамда таклиф этилаётган уюрмали-турбулизаторли тўзиткичнинг конструктив параметрларини асослаш ишлари асосий илмий муаммо этиб танланди.

Қуйида таклиф этилаётган уюрмали-турбулизаторли тўзиткичда [9,10,11,12] локал турбулизацион ва асосий аэродинамик оқимлар таъсирида кечиш жараёни тадқиқ қилинган (1-расм).

Бунда тўзиткичда ҳосил бўладиган томчиларни парчалаш жараёни кўп босқичли тарзда кечиши таъминланди.

Масаланинг қўйилиши. Юқоридисперсли томчиларни ҳосил қилиш ва ишчи суюқлик сарфини меъёрлаш мақсадида янги тўзиткич конструкцияси яратилди [12,13]. Тадқиқот объекти шароитида турли хил режимларда уюр-



1- ғилоф; 2- халқасимон суюқлик узатиш тирқиши; 3- марказий найча; 4- кўюналаткич; 5- нишабли ариқча; 6- конуссимон оқим кенгайтиргич; 7- конуссимон ғалвирли турбулизатор 8- ҳаво дарчаси; 9- ростлаш ариқчаси (α_x – узатилаётган ишчи суюқлик сарфи, l/min ; α , β ва λ – оқим кенгайтиргич, халқасимон тирқиш ва турбулизаторнинг кенгайиш бурчаклари; h – халқасимон тирқиш кенглиги, mm ; Δp – ишчи суюқлик босими, MPa).

1-расм. Уюрмали-турбулизаторли тўзиткичнинг умумий ва халқасимон ростлагич томонидан А-А кесим бўйича кўриниши

мали-турбулизаторли тўзиткичлардан чиқаётган ишчи суюқлик сарфи аниқланди ва мақбули танланди.

Материаллар ва услублар. Таклиф этилаётган уюрмали-турбулизаторли тўзиткичнинг анъанавийлардан фарқи, юқоридисперсли томчиларни ҳосил қилиш мақсадида у ғалвирли турбулизатор билан, унинг карнай қисми эса конуссимон оқим кенгайтиргич билан жиҳозланган. Гидротизмдан узатилаётган ишчи суюқлиги тўзиткич ичкарисиди дастлаб кучли уюрмавий ҳаракатга келтирилади, сўнгра эса ҳосил бўлган оқим халқасимон карнай томонда кескин торайтирилиб, ичкарисиди бўш юққа конуссимон факелни ҳосил қилади. Юқоридисперсли томчиларни шакллантиришда локал ва асосий ҳаво оқимидан фойдаланилди [14,15].

Тадқиқотлар Ўзбекистон давлат қишлоқ хўжалик техника ва технологияларини синаш ва сертификатлаш маркази томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзстандарт агентлигининг 25.08.2017 йилда №6257 сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти O‘z DSt 3202:2017 асосида ва олинган тадқиқот натижаларини таҳлил қилишга қаратилган ишлар ва илмий-техник тавсияларга оид тадқиқотларни ўтказиш услубияти асосида ўтказилди [16,17]. Уюрмали-турбулизаторли мақбул тўзиткичнинг ишчи параметрларини танлаш мақсадида Агрегат заводи АЖ томонидан ишлаб чиқилган махсус синаш дастгоҳида ўзаро илмий ҳамкорлик асосида бир неча намунадаги уюрмали-турбулизаторли тўзиткичлар синовлардан ўтказилди (2-расм).

Дастлаб синаш дастгоҳи қувват олиш валидан карданли валга узатилаётган айланишлар сони аниқланди, унинг қиймати 540 айл/минутни ташкил этди.

Уюрмали-турбулизаторли тўзиткични мақбуллашти-



2-расм. OBX-600T русумли экспериментал пуркаш агрегатини синаш дастгоҳининг умумий кўриниши ва уюрмали-турбулизаторли тўзиткичларнинг намуналари

риш мақсадида экспериментал пуркагич гидравлик тизимидаги ҳар хил ишчи суюқлик босимлари ($\Delta p=0,1-0,8$ MPa) да, тўзиткичларнинг ҳар хил халқасимон тирқишлари ($h=0,2-1,0$ mm)да тўзиткичлардан чиқаётган суюқлик сарфида (l/min) синовлар ўтказилди. Синаш пайтида такрорланишлар сони 3 мартага тенг бўлди. Ҳар бир ўлчашлар 1 минут давомида олиб борилди.


Битта ёки учликлар гуруҳидан чиқаётган суюқлик 1 минут давомида идишларга уч марта такрорланишларда 1 фозидан кўп бўлмаган хатоликларда йиғиб олинади (1-жадвал).

Тажриба натижаларига ишлов беришда ҳар бир тажриба варианты учун идишнинг ҳар бир бўшаш вақтида суюқликни узатиш нотекислиги ҳам аниқланди.

Кам ҳажмли пуркаш режимларини таъминлаш мақсадида тўзиткичда созланувчан халқасимон тирқиш қабул қилинган. Конуссимон ростлагични вертикал текисликда тўзиткич ғилофига бураб киритиш орқали тирқиш кенглиги кенг чегараларда ўзгартирилиши кўзда тутилган. Халқасимон тирқишнинг кенглиги $h=0,2-1,0$ mm оралиғида кенг чегараларда ростланиши маълум.

Экспериментал пуркаш агрегатидан пуркалаётган томчиларнинг тадқиқот объектига қоплаш зичлигини ва тўзитиш дисперслигини аниқлаш учун оддий сув билан махсус штаивга қистирилган ўлчами 26x76 mm ли ишлов берилмаган суюқликни сезувчи 9950–0028 рақамли карточкалар (Water Sensitive Paper) дан фойдаланиб аниқланади (3-расм).

Махсус штаивга (3-расм) қистирилган карточкалар тартиб билан рақамланди. Томчиларнинг тадқиқот объектига қоплаш зичлигини ва дисперслигини аниқлаш учун



3-расм. Тўзиткичдан сепилаётган майда томчиларнинг диаметрини аниқлаш учун махсус штаив ва ўлчами 26x76 mm ли ишлов берилмаган ҳамда ишлов берилган суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли карточкалари (Water Sensitive Paper).

ҳар бир рақамланган карточкалар пуркаш жараёнининг турли режимлари учун алоҳида-алоҳида ишлатилди ва қуригандан кейин алмаштириб турилди. Тадқиқот объектидаги махсус суюқликни сезувчи 9950–0028 рақамли карточкалар (Water Sensitive Paper) нинг 1 cm^2 юзасига ўтирадиган томчиларнинг индивидуал ўлчамлари, уларнинг тақсимланиши, томчиларнинг умумий сони, томчилар зичлиги DepositScan дастури ёрдамида аниқланди [18].


USDA-ARS амалий технологияларни тадқиқ қилиш бўлими (Wooster, Ogayo shtati, AQSh) томонидан ишлаб чиқилган тизимли махсус "DepositScan" дастури сувга сезгир қоғоз ёки Kromekote® картасида кичик зарра ёки томчиларнинг индивидуал ўлчамлари, уларнинг тақсимланиши, томчиларнинг умумий сони, томчилар зичлигини тезда баҳолаш учун мўлжалланган. Тизим қўл телефонларида ишлайдиган сканер, компьютер ва "DepositScan"

Уюрмали-турбулизаторли тўзиткичидан чиқаётган ишчи суюқлик сарфини, суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли карточкалар (Water Sensitive Paper) га тушган томчиларнинг сонини ва ўлчамларини аниқлаш натижалари

Т/р	Суюқлик босими, МПа (kgf/cm ²)	Тўзиткичлар сони, дона	Тўзиткич тирқишининг кенглиги, h, mm	Синов вақти, min	Тўзиткичлардан чиқаётган ишчи суюқлик сарфи, q, l/min				Умумий сарф, q, l/min	Карточкадаги жами томчилар сони, дона	Юза бирликдаги томчилар сони, дона/cm ²	Карточкаларга ўтирган томчи ўлчамларининг ўзгариш кенглиги, мкм
					Такролланишлар							
					1	2	3	ўртача				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
1	0,1 (1)	4	0,2	1	4,8	5,2	4,8	4,9	14,8	63	6,4	52,8-295,7
2	0,2 (2)	4	0,2	1	7,2	7,6	6,8	7,2	21,6	91	9,2	52,8-223,1
3	0,3 (3)	4	0,2	1	8,4	8,8	8,8	8,7	26	134	13,6	52,8-170,2
4	0,4 (4)	4	0,2	1	10	10	10,4	10,1	30,4	190	19,2	52,8-133,2
5	0,5 (5)	4	0,2	1	10,8	11,6	11,2	11,2	33,6	239	24,2	52,8-110,8
6	0,6 (6)	4	0,2	1	12	12,4	12,8	12,4	37,2	324	32,8	52,8-95,3
7	0,7 (7)	4	0,2	1	13,6	13,2	13,2	13,3	40	393	39,8	52,8-89,5
8	0,8 (8)	4	0,2	1	14	14,4	14,4	14,3	42,8	620	62,8	52,8-84,4
9	0,1 (1)	4	0,4	1	9,6	10	10,4	10,0	30	200	20,2	52,8-309,7
10	0,2 (2)	4	0,4	1	14	14,4	14	14,1	42,4	281	28,4	52,8-245,9
11	0,3 (3)	4	0,4	1	16,8	17,6	17,2	17,2	51,6	387	39,2	52,8-186,7
12	0,4 (4)	4	0,4	1	20,4	20	19,6	20,0	60	595	60,2	52,8-150,9
13	0,5 (5)	4	0,4	1	22,4	22,8	22	22,4	67,2	826	83,6	52,8-125,6
14	0,6 (6)	4	0,4	1	24	24,4	24,8	24,4	73,2	1134	114,8	52,8-110,8
14	0,7 (7)	4	0,4	1	26,4	26,8	26	26,4	79,2	1636	165,6	52,8-100,2
16	0,8 (8)	4	0,4	1	28,4	28	28	28,1	84,4	2187	221,4	52,8-96,2
17	0,1 (1)	4	0,6	1	14,4	14,8	15,2	14,8	44,4	674	68,2	52,8-390,5
18	0,2 (2)	4	0,6	1	20,8	20,8	21,2	20,9	62,8	1312	132,8	52,8-304,1
19	0,3 (3)	4	0,6	1	25,6	26	25,2	25,6	76,8	1859	188,2	52,8-225,2
20	0,4 (4)	4	0,6	1	30	29,2	29,6	29,6	88,8	2429	245,9	52,8-176,9
21	0,5 (5)	4	0,6	1	33,2	32,8	33,2	33,1	99,2	3017	305,4	52,8-145,9
22	0,6 (6)	4	0,6	1	36	36,4	36	36,1	108,4	3737	378,2	52,8-120,2
23	0,7 (7)	4	0,6	1	39,2	38,8	39,2	39,1	117,2	4472	452,6	52,8-109,8
24	0,8 (8)	4	0,6	1	42	41,6	42	41,9	125,6	5268	533,2	52,8-105,6
25	0,1 (1)	4	0,8	1	19,2	18,8	19,2	19,1	57,2	644	65,2	52,8-459,4
26	0,2 (2)	4	0,8	1	27,6	27,2	27,6	27,5	82,4	1024	103,6	52,8-365,2
27	0,3 (3)	4	0,8	1	34	33,6	33,6	33,7	101,2	1395	141,2	52,8-290,8
28	0,4 (4)	4	0,8	1	38,8	39,2	38,8	38,9	116,8	1747	176,8	52,8-231,3
29	0,5 (5)	4	0,8	1	43,6	43,2	43,6	43,5	130,4	2162	218,8	52,8-181,1
30	0,6 (6)	4	0,8	1	48,8	48,4	46	47,7	143,2	2664	269,6	52,8-147
31	0,7 (7)	4	0,8	1	51,6	52	51,2	51,6	154,8	3219	325,8	52,8-120,1
32	0,8 (8)	4	0,8	1	55,2	55,6	54,4	55,1	165,2	4053	410,2	52,8-115,6
33	0,1 (1)	4	1,0	1	24	23,2	24,8	24,0	72	314	31,8	52,8-542,6
34	0,2 (2)	4	1,0	1	34,4	33,2	34	33,9	101,6	571	57,8	52,8-445,6
35	0,3 (3)	4	1,0	1	41,6	40,8	42,4	41,6	124,8	940	95,1	52,8-372,5
36	0,4 (4)	4	1,0	1	48,8	48	47,2	48,0	144	1284	130,0	52,8-310,8
37	0,5 (5)	4	1,0	1	53,2	54	54	53,7	161,2	1707	172,8	52,8-263,7
38	0,6 (6)	4	1,0	1	58,8	58,4	59,2	58,8	176,4	2106	213,2	52,8-227,2
39	0,7 (7)	4	1,0	1	63,6	60,4	62,8	62,3	186,8	2510	254,0	52,8-207,7
40	0,8 (8)	4	1,0	1	68	68	67,6	67,9	203,6	3073	311,0	52,8-197,9

деб номланган махсус мўлжалланган дастурий таъминот тўплами билан бирлаштирилган [18, 19, 20]. Дастурий таъминот пуркалишлар тарқалишини тавсифлаш учун мос келадиган бир қатор ўлчовларни ишлаб чиқариш учун тасвирни қайта ишлаш дастури (ImageJ) томонидан ишлатиладиган махсус жамланган дастур модулидан иборат. Махсус суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли карточкалар сканердан ўтказилгандан сўнг томчиларнинг индивидуал ўлчамлари, уларнинг тақсимланиши, томчиларнинг умумий сони, томчилар зичлиги компьютер экранда акс эттирилади ва электрон жадвалда сақланди (4-расм).

DepositScan дастури ёрдамида уюрмали-турбулизаторли тўзиткичлар томонидан шакллантирилаётган томчиларнинг индивидуал ўлчамлари, уларнинг тақсимланиши, том-



4-расм. Махсус суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли карточкалар ёрдамида томчиларнинг медиан-массавий диаметри, томчиларнинг сони, уларнинг тақсимланиши ва қопланиш зичлигини компьютер "DepositScan" дастури билан аниқлаш жараёни

чиларнинг умумий сони, томчиларнинг қопланиш зичлиги бўйича таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.


Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Тадқиқот жараёнида қуйидаги бошланғич конструктив параметрлар олинди:

- марказий найчада уюрма ҳосил қилувчи ариқчанинг оғиш бурчаги 45° ;
- ҳалқасимон тирқишнинг кенглиги $h=0,2-1,0 \text{ mm}$;
- оқим кенгайтиргичнинг кенгайиш бурчаги $\alpha=60^{\circ}$;
- конуссимон ғалвирли турбулизаторнинг кенгайиш бурчаги $\lambda=90^{\circ}$;
- ғалвирли турбулизатордаги тешикларнинг турбулизатор ўқиға нистабан қиялик бурчаги $\gamma=15^{\circ}$;
- турбулизаторда диаметри 4 mm га тенг икки қаторли концентрик тарздаги тешикчалар сони 16 та.

Уюрмали-турбулизаторли тўзиткичлар билан жиҳозланган ОВХ-600Т экспериментал пуркаш агрегатига оид назарий тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тўзиткичнинг уюрма камерасидан ташқарига пуркалаётган ҳар хил ишчи суюқлик сарфида ва ўқий таъсир этувчи асосий ҳаво оқимининг бир қисмини ҳаво турбулизатор ичкарасига локал ҳаво оқимчаларини узатиш орқали юқори дисперсли томчилар олиш мумкинлиги аниқланди.



Олинган тадқиқот натижалариға (1-жадвал) кўра, пуркаш агрегатининг гидравлик тизимидаги суюқлик босими Δp ва тўзиткич ҳалқасимон тирқиш кенглиги h нинг ортиб бориши билан унга пропорционал тарзда ишчи суюқлик сарфининг ҳам ортиб бориши кузатилди (5-расм).

Ўтказилган тадқиқотларда гидравлик тизимидаги роторли-роликли насосдан узатилаётган ишчи суюқлик босими Δp 1 дан 8 kgf/cm² (0,1 дан 0,8 МПа)гача ошириб борилди. Тўзиткич ҳалқасимон тирқиш кенглиги $h=0,2-1,0 \text{ mm}$ ўлчамлари учун суюқликни сезувчи 9950-0028 рақамли



5-расм. Уюрмали-турбулизаторли тўзиткичдан чиқаётган ишчи суюқлик сарфини аниқлаш натижалари (тўзиткичлар сони $n=4$ дона)

карточкалар (Water Sensitive Paper) нинг юза бирлигига тушган томчилар сони (дона/ cm^2) ва карточкаларга ўтирган ўртача томчилар ўлчамининг ўзгариш кенглиги (mkm) аниқланди. Бунга кўра $h=0,2$ mm учун томчилар сони 6,4–62,8 дона/ cm^2 , томчиларнинг ўлчами ўртача 68,6–174,3 mkm; $h=0,4$ mm учун томчилар сони 20,2–221,4 дона/ cm^2 , томчиларнинг ўлчами ўртача 74,5–181,3 mkm; $h=0,6$ mm учун томчилар сони 68,2–533,2 дона/ cm^2 , томчиларнинг ўлчами ўртача 29,2–221,7 mkm; $h=0,8$ mm учун томчилар сони 65,2–410,2 дона/ cm^2 , томчиларнинг ўлчами ўртача 68,6–174,3 mkm; $h=1,0$ mm учун томчилар сони 31,8–311,0 дона/ cm^2 , томчиларнинг ўлчами ўртача 125,6–297,7 mkm эканлигини кўриш мумкин (6-расм).



6-расм. Уюрмали-турбулизаторли тўзиткичдан парчаланётган томчиларнинг юза бирлигига тушаётган сонини (дона/ cm^2) ва карточкаларга ўтирган ўртача томчилар ўлчамининг ўзгариш кенглиги (mkm) ни аниқлаш натижалари (тўзиткичлар сони $n=4$ дона)

Экспериментал пуркаш агрегати вентилятор карнайига ўрнатилган тўзитиш блокадаги уюрмали-турбулизаторли тўзиткичлар сони 4 дона, гидравлик тизимидаги ишчи суюқлик босими $\Delta p=0,5$ MPa; уюрмали-турбулизаторли тўзиткич ҳалқасимон тирқишининг кенглиги $h=0,6$ mm, тўзиткичдан пуркалаётган ишчи суюқлик сарфи $q_c=33,1$ l/min га тенг бўлганда томчиларнинг парчаланиш жараёни жадал кечиши кузатилди. Бунда суюқликни сезувчи 9950–0028 рақамли карточкалар (Water Sensitive Paper) га тушган томчиларнинг сони жами 3017 дона, $1\ cm^2$ юза бирлигидаги томчилар сони 305,4 дона, тўзиткич томонидан ҳосил қилинаётган томчиларнинг медиан-массавий диаметри 52,8–145,4 mkm ни ташкил этди. Бу эса ўз навбатида тўзиткичларга қўйиладиган агротехник талабларга (50–150 mkm) жавоб беради. Шунингдек, ушбу усулда пуркаш жараёнида кимёвий ишлов бериладиган қишлоқ хўжалиги экинлари баргининг пастки томонида ривожланадиган зараркунандаларга қарши курашишда техник самарали эканлигини кўрсатди.

Хулоса. Тошкент Агрегат заводининг пуркаш агрегатларини синаш бўлимида ОВХ-600Т русумли экспериментал пуркаш агрегатининг гидравлик ҳар хил ишчи босимлари Δp да уюрмали-турбулизаторли тўзиткич ҳалқасимон тирқиши h дан чиқаётган юққа пардасимон ишчи суюқлигининг сарфини, суюқликни сезувчи 9950–0028 рақамли карточкалар (Water Sensitive Paper) га тушган томчиларнинг сонини ва ўлчамларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижаларига асосан қуйидаги хулоса ва тавсияларни келтириш мумкин:

1. Анъанавий ОВХ-600, ОШ-600 русумли пуркаш агрегатлари таркибидаги тўзиткичлар томонидан чиқаётган ишчи суюқлик сарфи 26,46–52,92 l/min, ҳосил қилинаётган томчилар полидисперсли бўлиб, уларнинг ўртача медиан-массавий диаметрлари 100–400 mkm ни ташкил этиши боис, улар юқоридисперсли ишлов бериш талабларига (50–150 mkm) мос келмайди.

2. Таклиф этилаётган уюрмали-турбулизаторли тўзиткич тирқишидан ташқарига отилиб чиқаётган юққа суюқлик пардасидан юқоридисперсли томчиларни шакллантиришга имкон берди. Бунда қуйидаги конструктив ўлчамлар мақбул эканлиги аниқланди: тўзиткичнинг ҳалқасимон тирқиш кенглиги $h=0,6$ mm; оқим кенгайтиргичнинг кенгайиш бурчаги $\alpha=600$; турбулизатордаги тешикчалар сони $n_m=16$ дона; тизимдаги ишчи суюқлик босими $\Delta p=0,5$ MPa; тўзиткичдан пуркалаётган ишчи суюқлик сарфи $q_c=33,1$ l/min га тенг бўлганда томчиларнинг парчаланиш жараёни жадал кечиши кузатилди. Бунда суюқликни сезувчи 9950–0028 рақамли карточкалар (Water Sensitive Paper) га тушган томчиларнинг сони жами 3017 дона, $1\ cm^2$ юза бирлигидаги томчилар сони 305,4 дона, тўзиткич томонидан ҳосил қилинаётган томчиларнинг медиан-массавий диаметри 52,8–145,4 mkm ни ташкил этди.

3. Ушбу режимларда экспериментал уюрмали-турбулизаторли тўзиткичлардан ҳосил бўлаётган юқоридисперсли томчилар ғўза пайкалларига, қолаверса кимёвий ишлов бериладиган бошқа қишлоқ хўжалик экинлари барглари пастки томонида ривожланган зараркунандаларга қарши курашишда техник самарали эканлигини кўрсатди.

№	Адабиётлар	References
1	Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2016. – 56 б.	Sh.M.Mirziyoev. <i>Erkin va farovon, demokratik Uzbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz</i> [Together we will build a free and prosperous, democratic Uzbekistan]. Tashkent: Uzbekistan, 2016. 56 p. (in Uzbek)
2	Клёнин Н.И., Сакун В.А. Сельскохозяйственные и мелиоративные машины. – Москва: Агропромиздат, 1980. – 443 с.	Klyonin N.I., Sakun V.A. <i>Selskokhozyaystvennyye i meliorativnyye mashiny</i> [Agricultural and reclamation machines]. Moscow: Agropromizdat, 1980. 443 p. (in Russian)

3	Ревякин Е.Л., Краховецкий Н.Н. Машины для химической защиты растений в инновационных технологиях: науч. анализ. обзор. – Москва: ФГНУ «Росинформагротех», 2010. – 124 с.	Revyakin E.L., Krakhovetskiy N.N. <i>Mashiny dlya khimicheskoy zashiti rasteniy v innovatsionnykh tekhnologiyakh: nauch. analit. obzor</i> [Machines for chemical plant protection in innovative technologies: scientific. analyte. Overview]. Moscow: Federal State Institution "Rosinformagroteh", 2010. 124 p. (in Russian)
4	Ҳасанов Б.О. Ғўзани зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. – Тошкент, 2002. – 376 б.	Hasanov B.O. <i>Guzani zararkunanda, kasallik va begona utlardan khimoya kilish</i> [Protection of cotton from pests, diseases and weeds]. Tashkent, 2002. 376 p. (in Uzbek)
5	Матчанов Р., Юлдашев А., Воинов С. Универсальный опрыскиватель VP-11B // Журнал "Agroteхника dunyosi". – Ташкент, 2018. № 02(03). – С. 42–43.	Matchanov R., Yuldashev A., Voinov S. <i>Universalniy opriskivatel VP-11B</i> [Universal sprayer VP-11B]. Magazine "World of Agrotechnics". Tashkent, 2018. no. 02 (03). Pp. 42-43. (in Russian)
6	Кимсанбоев Х., Аширбеков И., Ирисов Х. Ғўзаларни кимёвий ҳимоялаш ва дефолиациялашда кавитациялаш туркаш технологиясига ўтишнинг афзалликлари // Халқаро илмий-техник анжуман. – Тошкент, 2008. – Б. 240–243.	Kimsanboev Kh., Ashirbekov I., Irisov Kh. <i>Guzalarni kimyoviy khimoyalash va defoliatsiyalashda kavitatsion purkash tekhnologiyasiga utishning afzalliklari</i> [Advantages of switching to cavitation spraying technology on chemical protection and defoliation of cotton]. International Scientific and Technical Conference. Tashkent, 2008. Pp. 240-243. (in Uzbek)
7	Mireia Altimira, Alejandro Rivas, Gorka S. Larraona, Raul Anton, Juan Carlos Ramos. Characterization of fan spray atomizers through numerical simulation. International Journal of Heat and Fluid Flow. Volume 30, Issue 2, April 2009. Pp. 339-355.	Mireia Altimira, Alejandro Rivas, Gorka S. Larraona, Raul Anton, Juan Carlos Ramos. Characterization of fan spray atomizers through numerical simulation. International Journal of Heat and Fluid Flow. Volume 30, Issue 2, April 2009. Pp. 339-355.
8	Gary J.Dorr, Andrew J.Hewitt, Steve W.Adkins, Jim Hanan, Huichun Zhang, Barry Noller. A comparison of initial spray characteristics produced by agricultural nozzles. CropProtection, Volume 53, November 2013. Pp. 109-117.	Gary J.Dorr, Andrew J.Hewitt, Steve W.Adkins, Jim Hanan, Huichun Zhang, Barry Noller (Australia). A comparison of initial spray characteristics produced by agricultural nozzles. CropProtection, Volume 53, November 2013. Pp. 109-117.
9	Волынский М.С. Необыкновенная жизнь обыкновенной капли. – Москва: 1986. – С. 32–71.	Volynskiy M.S. <i>Neobyknovennaya zhizn obyknovennoy kapli</i> [The extraordinary life of an ordinary drop]. Moscow, 1986. Pp. 32-71. (in Russian)
10	Витман Л.А., Кацнельсон Б.Д., Палеев И.И. Распыливание жидкости форсунками // Под ред. С.С. Кутателадзе. – Москва: Государственное энергетическое издательство, 1962. – 258 с.	Vitman L.A., Katsnelson B.D., Paleev I.I. <i>Raspylivanie zhidkosti forsunkami</i> [Spraying liquid with nozzles] Ed. S.S. Kutateladze. Moscow, State Energy Publishing House, 1962. 258 p. (in Russian)
11	Аширбеков И.А., Ирисов Х.Д. Турбулизаторли гидравлик – уюрмали тўзтиқичдан узатилаётган ишчи сууюкли сарфини аниқлаш // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2018. – № 3(13). – Б. 57–60.	Ashirbekov I.A., Irisov Kh.D. <i>Turbulizatorli gidravlik – uyurmali tuztikichdan uzatilayotgan ishchi suyuklik sarfini aniklash</i> [Determination of flow rate of working fluid from turbulent hydraulic drifter]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya". Tashkent, 2018. No3(13). Pp. 57-60. (in Uzbek)
12	Патент Руз № IAP 04168. Распылитель. Кимсанбоев Х.Х., Аширбеков И.А., Ирисов Х.Д. – Ташкент, 30.06.2010, Бюл., №6.	Patent RUZ № IAP 04168. <i>Raspylitel</i> [Spray]. Kimsanboev Kh.Kh., Ashirbekov I.A., Irisov Kh.D. Tashkent, 06/30/2010, Bul., No 6. (in Russian)
13	Талабнома № FAP 20180036. Юқори дисперсли томчиларни парчалаш қурилмаси. Аширбеков И.А., Ирисов Х.Д., Ибрагимов Ф.Ф., Хужаев Ж.И. – Тошкент, 2018.	<i>Talabnoma №FAP20180036</i> [Application no FAP 20180036]. High drop dispersion device. Ashirbekov I.A., Irisov Kh.D., Ibragimov F.F., Khodzhaev J.I. Tashkent, 2018. (in Uzbek)
14	Ирисов Х. Д., Аширбеков И. А., Имомов Ш. И. Теоретические аспекты процесса формирования монодисперсных капель в зоне перфорированного турбулизатора // Бюллетень науки и практики. 2018. Т. 4. №12. С. 338-348. Режим доступа: http://www.bulletennauki.com/12-28 (дата обращения 15.12.2018).	Irisov, Kh., Ashirbekov, I., Imomov, Sh. <i>Teoreticheskie aspekty protsessa formirovaniya monodispersnykh kapel v zone perforirovannogo turbulizatora</i> [Theoretical aspects of the process of the formation of monodisperse drops in the area of perforated turbulizer]. Bulletin of Science and Practice, 4(12), (2018). Pp. 338-348. (in Russian).
15	Аширбеков И.А., Ирисов Х.Д. Анализ формирования монодисперсных капель рабочей жидкости в зоне локальной турбулизации в процессе распыления через гидравлический распылитель // Журнал «Вестник ТГТУ». – Ташкент, 2018. – №3(104). – С. 127–132.	Ashirbekov I.A., Irisov Kh.D. <i>Analiz formirovaniya monodispersnykh kapel rabochey zhidkosti v zone lokalnoy turbulizatsii v protsesse raspilyeniya cherez gidravlicheskiy raspylitel</i> [Analysis of the formation of monodispersed drops of the working fluid in the area of local turbulization during spraying through a hydraulic spray]. The journal "Bulletin of TSTU." Toshkent: 3(104), 2018. Pp.127-132. (in Russian)
16	О'zDst 3202:2017. Метод испытания сельскохозяйственной техники (Опрыскиватели и опылыватели) УзАСМ и С. – Ташкент, 2017.	<i>UzDst 3202:2017. Metod ispytaniya selskokhozyaystvennoy tekhniki</i> [O'zDst 3202: 2017. Testing method for agricultural machinery] (Sprayers and dusters) UzASM and S, Tashkent, 2017. (in Russian)
17	Аширбеков И.А. Исследование и совершенствование технологического процесса дозирования рабочей жидкости хлопкового гербицидного приспособления. Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. к.т.н., – Ташкент, 1982. – С. 9–10.	Ashirbekov I.A. <i>Issledovanie i sovershinstvovanie tekhnologicheskogo protsessa dozirovaniya rabochey zhidkosti khlopkovogo gerbitsidnogo prispособleniya</i> [Research and improvement of the technological process of dispensing the working fluid of a cotton herbicide device]. Abstract of diss. for a job. scientist step Ph.D., Tashkent, 1982. Pp. 9-10. (in Russian)
18	Heping Zhua, Masoud Salyani, Robert D. Fox. A portable scanning system for evaluation of spray deposit distribution. Journal of Computers and Electronics in Agriculture 76 (2011). Pp. 38-43.	Heping Zhua, Masoud Salyani, Robert D. Fokh. A portable scanning system for evaluation of spray deposit distribution. Journal of Computers and Electronics in Agriculture 76 (2011). Pp. 38-43.
19	Salyani, M., Fox, R.D., 1999. Evaluation of spray quality by oil and water-sensitive papers. Trans. ASAE 42 (1), Pp. 37-43.	Salyani, M., Fokh, R.D., 1999. Evaluation of spray quality by oil and water-sensitive papers. Trans. ASAE 42 (1), Pp. 37-43.
20	Sundaram, K.M.S., Groot, P.D., Sundaram, A., 1987. Permethrin deposits and airborne concentrations downwind from a single swath application using a back pack mist blower. J. Environ. Sci. Health Part B 22 (2), Pp. 171-193.	Sundaram, K.M.S., Groot, P.D., Sundaram, A., 1987. Permethrin deposits and airborne concentrations downwind from a single swath application using a back pack mist blower. J. Environ. Sci. Health Part B 22 (2), Pp. 171-193.

УЎТ: 528.089.6

ЎЗБЕКИСТОНДА СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛИ ТИЗИМНИ МЕТРОЛОГИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭТАЛОН ГЕОДЕЗИК ТАРМОҚНИ ЯРАТИШ ТАМОИЛЛАРИ

*А.А.Мирзаев - катта ўқитувчи, М.С.Хамдамов - ўқитувчи, Д.О. Михеев - магистрант
Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти*

Аннотация

Мақолада метрологик сертификатлаштиришни яратиш, сунъий йўлдош воситаларини сертификатлаш ёки текшириш ҳақида сўз боради. Сунъий йўлдошли эталон геодезик тармоғини яратишда шароитнинг иложи борича ишлаш жараёнига яқин бўлиши зарур. Сунъий йўлдош геодезик тармоғи (ЭСГС) турли мақсадлар ва конфигурация, шу жумладан дастурий таъминотни ўз ичига олган сунъий йўлдош радионавигация тизимларининг (GPS, ГЛОНАСС ва шунга ўхшаш) жойини аниқлаш ва аппарат-дастурий тизимларни сертификатлаш учун мўлжалланган. Координаталар ва уларнинг ортималарини аниқлаш учун фойдаланиладиган сунъий йўлдош ўлчовларини қайта ишлаш учун мўлжалланган.

Таянч сўзлар: эталон геодезик тармоғи, чизикли базис, полигон, геодезик пунктлари, метрологик сертификатлаш.

ПРИНЦИПЫ СОЗДАНИЯ ЭТАЛОННОЙ ГЕОДЕЗИЧЕСКОЙ СЕТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ СПУТНИКОВОЙ МЕТРОЛОГИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

*А.А.Мирзаев - старший преподаватель, М.С.Хамдамов - преподаватель, Д.О.Михеев - магистрант
Самаркандский архитектурно-строительный институт*

Аннотация

В статье рассмотрено создание метрологической аттестации, сертификации или проверок спутниковых приборов. При создании эталонной спутниковой геодезической сети должно быть максимально приближено к условиям эксплуатации. Эталонная спутниковая геодезическая сеть (ЭСГС) предназначена для аттестации программно-аппаратных комплексов определения местоположения спутниковых радионавигационных систем (GPS, ГЛОНАСС и аналогичных) различного назначения и комплектации, включая встроенное программное обеспечение для обработки спутниковых измерений, которое используется для определения координат и их приращений.

Ключевые слова: Эталонная геодезическая сеть, линейный базис, полигон, геодезические пункты, метрологическая сертификация.

THE PRINCIPLES OF CREATING A REFERENCE GEODETIC NETWORK IN PROVIDING SATELLITE METROLOG IN UZBEKISTAN

*A.A. Mirzaev - senior teacher, M.S. Khamdamov - teacher, D.O. Mikheev - magistrate
Samarkand Institute of Architecture and Civil Engineering*

Abstract

The article describes the creation of metrological certification, certification or verification of satellite instruments. The condition for the creation of a reference satellite geodetic network should be as close as possible to the operating conditions. The reference satellite geodetic network is intended for certification of hardware and software systems for determining the location for satellite radio navigation systems (GPS, GLONASS and similar) for various purposes and configuration, including firmware for processing satellite measurements, which is used to determine coordinates and their increments.

Key words: Geodetic reference network, linear basis, landfill, survey points, metrological certification.

Кириш. Ўтган аср 90-йилларнинг охирида топографик ва геодезик ишлаб чиқаришда сунъий йўлдошли геодезик асбоблари кенг фойдаланила бошланди. Шунга кўра, асбобларни метрологик текшириш учун Сунъий йўлдошли тизим эталон геодезик тармоқ (СЙТЭГТ) яратиш зарурати туғилди [1].

Сунъий йўлдошли тизим эталон геодезик тармоқни яратиш тамойиллари. Сунъий йўлдошли тизим эталон геодезик тармоқ дастурли – комплекс аппаратларнинг жойлашув нуқтасини аниқлаш ва аттестация ўтказиш учун мўлжалланган [2, 3]. Жойлашув нуқтанинг координатасини аниқловчи дастурли – комплекс аппаратлар дейилганда сунъий йўлдошлардан радиосигналларни қабул қилув-

чи тизим (GPS NAVSTAR (США), ГЛОНАСС (Россия) ва шунга тенг) дан иборат геодезик асбоблар.

СЙТЭГТ жойда ўрнатилган махсус пунктлардан иборат ва уларнинг координаталари белгиланган аниқликда маълум мажмуадир. СЙТЭГТ полигонини лойиҳалашда қуйидаги геометрик талабларга жавоб бериши керак:

1. сунъий йўлдош тизимли эталон геодезик тармоғининг геометрик схемаси геодезик тўртбурчак ёки учбурчак шаклида намунали базис томон ўз ичига олиши керак унинг схемаси 1 расмда келтирилган. СЙТЭГТ схемасига алоҳида белгиланган ортиқ масофали вектор (20–30 км) қўллаш рухсат этилади.

2. сунъий йўлдош тизимли эталон геодезик тармоғи-

нинг томон узунлиги аттестация қилиниши керак бўлган асбоб-ускуна ва дастур таъминотининг техник тавсифо-масига боғлиқ. СИТЭГТ томонининг узунлик диапазони 0,5–1 км, 3–5 км, 10 км, 15 км, 20 км ва 20 км. дан ортиқ масофани ташкил этади. Томон узунлигининг белгиланган қийматдан оғиши 20 фоиздан ошмаслиги лозим. СИТЭГТ томонларининг умумий сони 12 дан кам бўлмаслиги керак, лекин тахминан бир хил узунликка эга бўлган векторлар сони 2 дан кам бўлмаслиги керак [4, 5, 6].

3. СИТЭГТ пунктлари баландлигининг фарқи жойлашган жойда максимал қийматга лекин 300 м. дан кам бўлмаслиги керак.


4. СИТЭГТ пунктлари томонларининг горизонтал бурчаги 30° дан кам ва 120° дан катта бўлмаслиги керак [7, 8, 9].

5. СИТЭГТ пунктларининг бирида атрофида 5–10 қўшимча нукталар Real-Time Kinematic (RTK) усулида (режим) ўлчаш ишларини бажарувчи приёмниклар учун ўрнатилиши лозим. Қўшимча пунктлар ва СИТЭГТ пунктлари орасидаги масофа аттестациядан ўтказилувчи приёмникларнинг ишчи диапазони чегарасида бўлиши керак [10, 11, 12].

6. Зарурият туғилганда СИТЭГТ пунктлари приёмник антенналарининг фазали эксцентриситетини аниқлаш учун қўллаш кўзда тутилиши керак.

7. Зарурият туғилганда СИТЭГТ га қўшимча (ёрдамчи) пунктларни турли хил махсус масалаларни ечиш учун ўрнатиш рухсат этилади [13, 14, 15].

Сунъий йўлдошли тизим эталон геодезик тармоғининг пунктлари жойда 187 ва 191 типли марказлар ўрнатилиши зарур ва у давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқ вазифасини ҳам бажариши керак. СГТ-0 шунга мос ҳолда “Сунъий йўлдошли геодезик тармоқ пунктларини ўрнатиш қоидалари”га асосида ўрнатилиши керак. Қўшимча пунктлар 6 г. р.




1-расм. Эталон геодезик тармоғи

типли марказлар билан мустақамланиши мумкин [2].

СИТЭГТни аттестациясидан ўтказиш учун махсус “Choke Ring” типли антенна, дастур таъминоти ва максимал аниқ ўлчаш ишларини бажарувчи геодезик приём-

никлар қўлланилиши керак. Сунъий йўлдошли тизим ўлчов ишларини қайта ишлаш ва тенглаштириш учун махсус Bernese (версия 5.0 ва юқори), GAMIT/GLOBK (версия 10.0 ва юқори), GIPSY-OASIS II га ўхшаш дастур таъминотлари ёрдамида бажарилади. СИТЭГТ пунктларини аттестация қилишда, яъни вектор ва координаталарни аниқлашда текширилаётган приёмникнинг ўртача квадратик хатолиги ишчи диапазон чегарасида бўлиши зарур (2-расм).

Сунъий йўлдош тизимли эталон геодезик тармоғи пунктларининг координаталари ўлчов ишларини тенглаштириш натижасида олинади. Координаталар куйидаги координаталар тизимида ҳисобланади: WGS 84 (International GPS Service for Geodynamics –ITRF), давлат координаталар тизимида ва маҳаллий. Координаталар сферик (геодезик) ва тўғри бурчакли (фазовий) координа-



2-расм. 187 типли марказ қўриниши

талар қўринишида кўрсатилади [16, 17, 18].

Сунъий йўлдош тизимли эталон геодезик тармоғи пунктларининг баландлиги II синф нивелирлашдан кам бўлмаган аниқликда аниқланиши ва қабул қилинган баландлик тизимида аниқланади [19, 20].

Хулоса. Илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши учун катта имкониятлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда замонавий текшириш усулларини такомиллаштириш таълаб қилинади. Хулоса қилиб айтиш лозимки Сунъий йўлдошли тизим эталон геодезик тармоқни яритиш натижасида GPS приёмникларини геодезия соҳасида юқори аниқликдаги натижаларга эришиш имкониятини беради.

№	References	References
1	Ўзбекистон Республикаси “Метрология тўғрисида”ги қонуни. Тошкент.	Law of the Republic of Uzbekistan <i>Metodologiya</i> [On Metrology]. Tashkent, (in Uzbek)
2	Правила закрепления пунктов государственной спутниковой геодезической сети (ГККИНП-01-070-03). – Ташкент: Узгеодез-кадастр, 2003.	<i>Pravila zakrepleniya punktov gosudarstvennoy sputnikovoy geodezicheskoy seti (GKKINP-01-070-03)</i> [Rules for fixing points of the state satellite geodetic network (GKKINP-01-070-03)]. Tashkent: Uzgeodezkadastr. 2003. (in Russian)
3	РТМ “Общие технические требования к образцовым базисам для контроля геодезических дальномеров” (РТМ 68-8.12-85). – Москва: ГУГК. 1985.	<i>RTM Obchshie tekhnicheskie trebovaniya k obraztsovym bazisam dlya kontrilya geodezicheskikh dal'номерov</i> [RTM “General technical requirements for exemplary bases for monitoring geodetic rangefinders”] (RTM 68-8.12-85). Moscow: GUGK. 1985. (in Russian)
4	Общие технические требования к геодезическим полигонам для метрологической аттестации геодезических приборов. ГККИНП-19-078-03. – Ташкент, 2003.	<i>Obchshie tekhnicheskie trebovaniya k geodezicheskim poligonam dlya metrologicheskoy attestatsii geodezicheskikh priborov</i> [General technical requirements for geodetic ranges for metrological certification of geodetic instruments]. GKKINP-19-078-03. Tashkent, 2003. (in Russian)
5	Суюнов А.С., Суюнов Ш.А. О точности геодезического измерения в условиях Республики Узбекистан (Монография). – Ташкент: “ILM NUR-FAYZ”. 2017. – 160 с.	<i>Suyunov A.S., Suyunov Sh.A. O tochnosti geodezicheskogo izmereniya v usloviyakh Respubliki Uzbekistan</i> [On the accuracy of geodesic measurements in the conditions of the Republic of Uzbekistan] (Monograph). Tashkent, ILM NUR-FAYZ, 2017. 160 p. (in Russian)

6	Салахиддинов А.А., Суюнов Ш.А., Джаватов С.С., Характер и степень влияния атмосферы на точность GPS измерений // Вестник Госкомитета Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру. – Ташкент, 2016. – № 4. – С. 58–59.	Salakhiddinov AA, Suyunov Sh.A., Javatov SS, <i>Karakter i stepen' vliyaniya atmosferi na tochnost' GPS izmereniy</i> [Nature and degree of influence of the atmosphere on the accuracy of GPS measurements] // Bulletin of the State Committee of the Republic of Uzbekistan on Land Resources, Geodesy, Cartography and State Cadastre. Tashkent, 2016. No 4. Pp. 58-59. (in Russian)
7	А.С. Суюнов, Ш.А. Суюнов, У.А. Бердикулов Ўзбекистон шароитида тригонометрик нивелирлашда рефракцияни ҳисобга олишнинг янги йўли // «Irrigatsiya va Melioratsiya» журналы. – Тошкент, 2018. – №2(12). – Б. 65–67.	A.S. Suyunov, Sh.A. Suyunov, U.A. Berdiculov. <i>Uzbekiston sharoitida trigonometrik nivelirashda refraktsiyani hisobga olishning yangicha yuli</i> [New methods of accounting for vertical refraction with trigonometric leveling in the conditions of the republic of Uzbekistan] //Journal of «Irrigatsiya va Melioratsiya». Tashkent, 2018. №2(12). Pp. 65-67. (in Uzbek)
8	Суёнов Ш.А. Зенит масофаларини кеча-кундуз кузатув натижаларини статистик тадқиқ қилиш // "Меъморчилик ва қурилиш муаммолари" журналы. – Самарқанд, 2017. – № 4. – Б. 84–89.	Suyunov Sh.A. <i>Zenit masofalarini kech-kunduz kuzatuv natijalarini statistik tadqiq qilish</i> [Statistical survey of night and day observation results of Zenit distances]. Journal of Me'morchilik va qurilish muammolari. Samarkand, 2017. No.4. Pp.84-89. (in Uzbek)
9	Суёнов Ш.А., Мусаев И.М., Каримова У.Э. Атмосферанинг ерга яқин қатламининг иккала ҳолатида қиялик бурчагини назарий қийматларини геодезик ва метеорологик ўлчаш натижалари асосида аниқлаш // «Irrigatsiya va Melioratsiya» журналы. – Ташкент, 2017. – № 4(10). – Б. 32–37.	Suyunov Sh.A., Musaev I.M., Karimova U.E. <i>Atmosferaning erga yaqin katlamining ikkala kholatida kiyalik burchagini nazariy qiymatlarini geodezik va meteorologik ulchash natijalari asosida aniklash</i> [To determine the theoretical values of the slope of the slope of both sides of the atmospheric surface, based on the results of geodetic and meteorological measurements]. Journal of «Irrigatsiya va Melioratsiya», Tashkent, 2017, No.4(10). Pp.32-37. (in Uzbek)
10	Коптев А.В., Пластинин Л.А. Методика создания системы полевых эталонов среднего приангарья в целях дешифрирования таежных ландшафтов на аэрокосмических снимках // ГЕО-Сибирь-2011. VII Междунар. науч. конгр. : сб. материалов в 6 т. (Новосибирск, 19–29 апреля 2011 г.). – Новосибирск: СГГА, 2011. Т. 1, ч. 2. – С. 17–21.	Koptev A.V., Plastinin L.A. <i>Metodika sozdaniya sistem polevykh etalonov srednego priangar'ya v tselyakh deshifirovaniya taezhnykh landshaftov na aerokosmicheskikh snimkakh</i> [The technique of creating a system of field standards of the Middle Angara region in order to decipher taiga landscapes in aerospace images] // GEO-Siberia-2011. VII International scientific Congr. Sat 6 tons of materials (Novosibirsk, April 19–29, 2011). Novosibirsk: SSGA, 2011.Vol. 1, part 2. Pp. 17-21. (in Russian)
11	Гопп Н.В. Использование спутниковых, наземных и аналитических данных в картографии почв // ГЕО-Сибирь-2010. VI Междунар. науч. конгр. : сб. материалов в 6 т.	Gopp N.V. <i>Ispol'zovaniye sputnikovoykh, nazemnykh i analiticheskikh dannykh v kartografiy pochv</i> [The use of satellite, ground-based and analytical data in soil mapping] // GEO-Siberia-2010. VI International scientific Congr. Sat 6 tons of materials. (in Russian)
12	www.gov.uz/ Ergeodezkadastr - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси.	www.gov.uz/ <i>Ergodezkadastr</i> [Ergeodezkadastr] - State Committee on Land Resources, Geodesy, Cartography and State Cadastre of the Republic of Uzbekistan. (in Uzbek)
13	Антонович, К.М. Особенности метрологической аттестации геодезических пространственных эталонных базисов и полигонов [текст] / К.М. Антонович, Л.Г. Куликова, В.Д. Лизунов, Ю.В. Сурнин, О.П. Сучков // Законодательная метрология, № 4, 1998. – С. 21–23.	Antonovich, K.M. <i>Osobennosti metrologicheskoy attestatsii geodezicheskikh prostanstvennykh etalonnykh bazisov i poligonov</i> [Features of metrological certification of geodetic spatial reference bases and polygons]. [text] / K.M. Antonovich, L.G. Kulikova, V.D. Lizunov, Yu.V. Surmin, O.P. Suchkov // Legal Metrology, No 4, 1998. Pp. 21-23. (in Russian)
14	Антонович К.М. Первые результаты реализации проекта эталонного калибровочного полигона для метрологической аттестации спутниковой аппаратуры [Текст] / К.М. Антонович, Ю.В. Сурнин, В.А. Середович и др. // Сферы применения GPS технологий. Межд. науч.-техн. конф. Тезисы докладов. Новосибирск: СГГА, 21-23 ноября 1995. – С. 99–100.	Antonovich K.M. <i>Pervye rezul'taty realizatsii proekta etalonnogo kalibrovochnogo poligona dlya metrologicheskoy attestatsii sputnikovoy apparatury</i> [The first results of the implementation of a standard calibration ground for metrological certification of satellite equipment]. [Text] / K.M. Antonovich, Yu.V. Surmin, V.A. Seredovich et al. Spheres of GPS technologies. Int. scientific and technical conf. Abstracts of reports. Novosibirsk: SSGA, November 21-23, 1995.Pp. 99-100. (in Russian)
15	Антонович, К.М. Пространственный эталонный полигон для метрологической аттестации GPS-аппаратуры (опыт создания) [Текст] / К.М. Антонович, В.А. Ащеулов, Ю.В. Сурнин, В.А. Скрипников // Вестник СГГА, вып. 4, Новосибирск: СГГА, 1999. - С. 8 – 13. Антонович, К.М. Эталонный пространственный полигон СГГА: аттестация 2004.	Antonovich, K.M. <i>Prostranstvennyy etalonnyy poligon dlya metrologicheskoy attestatsii GPS-apparatury</i> [Spatial reference range for metrological certification of GPS equipment] (creation experience) [Text] / K.M. Antonovich, V.A. Ascheulov, Yu.V. Surmin, V.A. Skripnikov // Bulletin of the SSGA, No. 4, Novosibirsk: SSGA, 1999. Pp. 8-13. Antonovich, K.M. SSSA reference spatial testing ground: certification 2004. (in Russian)
16	Спирidonов, А.И. Основы геодезической метрологии: произв. – практ./ А.И. Спирidonов. – Москва: Картгеоцентр-Геодезиздат, 2003. – 248 с.	Spiridonov, A.I. <i>Osnovy geodezicheskoy metrologii</i> : [Fundamentals of geodetic metrology:] production-practical / A.I. Spiridonov. Moscow: Kartgeotsentr-Geodezizdat, 2003. 248 p. (in Russian)
17	Михеечев, В.С. Геодезические светодальномеры / В.С. Михеечев. – Москва: Недра, 1979.	Mikheechev, V.S. <i>Geodezicheskie svetodal'nomery</i> [Geodetic light-range finders] / V.S. Mikheechev. Moscow: Nedra, 1979. (in Russian)
18	Генике, А.А. Глобальная спутниковая система определения местоположения GPS и ее применение в геодезии / А.А. Генике, Г.Г. Побединский. – Москва: Геодезиздат, 1999. – 272 с.	Genike, A.A. <i>Global'naya sputnikovaya sistema opredeleniya mestopolozheniya GPS i ee primenenie v geodezii</i> [Global satellite GPS positioning system and its application in geodesy] / A.A. Genique G.G. Pobedinsky. Moscow: Geodesizdat, 1999. 272 p. (in Russian)
19	Середович, В.А. Некоторые проблемы метрологического обеспечения геодезического производства / В.А. Середович, О.П. Сучков. // Тез. докл. междунар. научн.-техн. конф., посвящ. 220-летию со дня основания Московского гос. унив. геодезии и картографии (МИИГАиК) "220 лет геодез. образованию в России" (МИИГАиК, 24-29 мая 1999). – Москва: МИИГА и К, 1999. – С. 48–49	Seredovich, V.A. <i>Nekotorye problemy metrologicheskogo obespecheniya geodezicheskogo proizvodstva</i> [Some problems of metrological support of geodetic production] / V.A. Seredovich, O.P. Bitches. // Thesis. doc. Int. scientific and technical Conf. The 220th anniversary of the founding of the Moscow State. univ. of geodesy and cartography (MIIGAik) "220 years of geodesy. education in Russia" (MIIGAik, May 24-29, 1999). Moscow: MIIGAik, 1999. Pp. 48-49. (in Russian)
20	Исследование принципов создания пространственных эталонных базисов для метрологической аттестации и исследований современных электронных геодезических приборов и систем: отчет по НИР / СГГА; рук. О.П. Сучков; Отв. исполн. В.А. Середович – Новосибирск, 1999. – 24с. № ГР 0199.0004271; инв. № 0220.0103116	<i>Issledovanie printsipov sozdaniya prostranstvennykh etalonnykh bazisov dlya metrologicheskoy attestatsii i issledovaniy sovremennykh elektronnykh geodezicheskikh priborov i sistem</i> [The study of the principles of creating spatial reference bases for metrological certification and research of modern electronic geodetic instruments and systems]: report on research / SSGA; hands. O.P. Suchkov; Repl. execution V.A. Seredovich. Novosibirsk, 1999. 24 p. No. GR 0199.0004271; inv. No. 0220.0103116.

УЎТ: 631.348.46.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЎСИМЛИКЛАРИГА ОЛТИНГУГУРТ БИЛАН КИМЁВИЙ ИШЛОВ БЕРАДИГАН ЧАНГЛАТГИЧНИ ЛОЙИХАЛАШ

*Д. Джуреев - т.ф.н., мустақил тадқиқотчи, И.Ж.Тоиров - т.ф.н, доцент, А.З. Қиямов - ассистент
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, А.Э.Уришев - ассистент
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
Н.С.Файзуллаева - п.ф.н., доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

Аннотация

Мақолада муаллифлар томонидан қишлоқ хўжалик ўсимликларига олтингугурт препаратини чанглатишнинг янги технологияси яратилганлиги, унга асосан қишлоқ хўжалик ўсимликларининг геометрик ва технологик ўлчамлари асосида ва уни аниқ бажарадиган олтингугурт универсал осма чанглатгичини технологик схемаси ишлаб чиқилган. Чанглатгичга ҳар бир гуруҳ учун алмаштириб ўрнатиладиган иш қисмлари лойиҳаланган. Универсал осма чанглатгичнинг технологик схемаси ҳар бир гуруҳ учун алоҳида ишлаб чиқилган ва уларнинг ишлаш жараёни келтирилган. Олтингугурт кимёвий препаратини физикавий хоссалари келтирилган. Олтингугурт ва шу турдаги кимёвий препаратларни чанглатадиган универсал осма чанглатгични намунаси ишлаб чиқилган ва уни дастлабки хўжалик синовлари ўтказилганлиги, унда асосан 8 соатлик иш вақтида 25–30 гектар узумзорларга ишлов бергани келтирилган. Яратилган янги технологияга ва универсал осма чанглатгичига ЎзР. Интеллектуал мулк агентлигини фойдали моделга патенти UZ FAP 00875 олинган.

Таянч сўзлар: иш қисм, чанглатгич, иш унуми, олтингугурт талқони, зараркунандалар, касаллик, боғ, ўсимликлар, редуктор, шкив, тасма.

РАЗРАБОТКА ОПЫЛИТЕЛЯ ДЛЯ ХИМИЧЕСКОЙ ОБРАБОТКИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР СЕРОЙ

*Д. Джуреев - к.т.н., самостоятельный соискатель, И.Ж. Тоиров - к.т.н., доцент, А.З.Қиямов - ассистент
Каршинский инженерно-экономический институт, А.Э. Уришев - ассистент
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства
Н.С.Файзуллаева - к.п.н., доцент, Ташкентский государственный экономический университет*

Аннотация

В статье приведена разработанная авторами новая технология опыления серой сельскохозяйственных культур, на основе которой сельскохозяйственные культуры по геометрическим и технологическим параметрами разделены на две группы, каждая обрабатывается в отдельности. На основе приведенной технологии и с учетом точно выполненных требований разработана технологическая схема универсального навесного опылителя. Разработаны для каждой группы в отдельности заменяемые рабочие органы, технологическая схема универсального навесного опылителя и приведен их технологический процесс работы. Приведены физические свойства химического препарата (сера). Для опыления серой и такого типа химических препаратов изготовлен образец универсального навесного опылителя, проведены предварительные хозяйственные испытания, в результате которых было определено, что в течении 8 часового рабочего дня опылитель обработал 25–30 гектар виноградника. На разработанную новую технологию и универсальный навесной опылитель получен патент полезной модели UZ FAP 00875 интеллектуальной собственности РУз.

Ключевые слова: рабочий орган, опылитель, производительность, порошок серы, вредители, болезни, сады, растения, редуктор, шкив, ремень.

DEVELOPMENT OF A SPRAYER FOR CHEMICAL PROCESSING OF AGRICULTURAL CROPS GRAY

*D.Dzhuraev - c.t.s., self seeker, I.Zh.Toirov - c.t.s., assistant professor, A.Z. Kiyamov - assistant
Karshi Engineering and Economics Institute, A.E.Urishev - assistant
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers
N.S.Fayzullaeva - c.p.s., assistant professor*

Abstract

In the article, the authors cited the developed new technology for sulfur pollination of agricultural crops, on the basis of which agricultural crops are divided into two groups according to geometric and technological parameters, each is processed separately. Based on the above technology and taking into account precisely fulfilled requirements, a technological scheme of a universal mounted pollinator has been developed. Designed for the pollinator for each group replaceable installed working bodies. The technological scheme of a universal mounted pollinator for each group separately is developed and their technological process is given. The physical properties of the chemical preparation (sulfur) are given. For sulfur pollination and this type of chemical preparation, a universal mounted pollinator sample was made, preliminary household tests were carried out, as a result of which it was determined that within 8 hours of working day the pollinator cultivated 25-30 hectares of vineyard. The patent of utility model UZ FAP 00875 intellectual property of the Republic of Uzbekistan was received for the developed new technology and universal mounted pollinator.

Key words: working body, pollinator, productivity, sulfur powder, pests, diseases, gardens, plants, gearbox, pulley, belt.

Кириш. Қишлоқ хўжалик экинларига, мевали ва мевасиз боғларнинг зараркунанда ва касалликларига қарши ўз вақтида кимёвий ишловлар берилмаса, масалан, олма дарахтларидан олинадиган ҳосилнинг 40–50 фоизгача қисми ва узумзорлардан олинадиган ҳосилнинг 35–45 фоизгача нобуд бўлиши мутахассислар томонидан исботланган [1, 2].

Республикамиз бўйича ўртача ҳосилдорлик бир гектаридан олма дарахтлари учун 60–70 центнерни ва узумзорлар учун 55–60 центнер эканлигини ҳисобга олганда, юқорида келтирилган фоизларга асосан деҳқонларимизнинг сермеҳнат хизматлари эвазига етиштирилган ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлиб кетиши аниқ кўриниб турибди.

Республикамиз қишлоқ хўжалик экинлари ва ўсимликларининг ривожланишини жадаллаштириш, ҳосилдорлигини ошириш ва улардан олинадиган маҳсулотни сифат кўрсаткичларини яхшилаш бугунги куннинг асосий муаммоларидан биридир. Республикада ишлаб чиқарилаётган пахта, дон маҳсулотлари, полиз экинлари, картошка, ҳар хил мевалар ва пилла маҳсулотлари жаҳон бозорига кириб бормоқда ва уларга бўлган талаб ички ва ташқи бозорда йил сайин ошмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни юқори даражада қаноатлантириш учун ҳар бир гектар экин майдонидан олинадиган ҳосилдорликни ошириш лозим. Бунинг учун қишлоқ хўжалик экинлари ва ўсимликларига кимёвий ишлов беришда сифатли чанглатадиган юқори самарали янги технологияларни, уни аниқ бажарадиган универсал осма чанглатгичларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш зарур бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалик ўсимликларига кимёвий ишлов бериш чанглатгичини лойиҳалашда кимёвий препаратларнинг физикавий хоссалари муҳим аҳамиятга эгадир.

Олтингургуртни физикавий хоссалари, сарғиш кулранг кукундан иборат, сувда эримайди, ичидаги соф олтингургурти 95–99% . Бу дорининг сифати ундаги заррачаларнинг катта-кичиклигига боғлиқ, заррачалар қанча майда бўлса, дори шунчалик кучли таъсир этади. Олтингургурт заррачаларининг диаметри 0,001–0,003 мм атрофида бўлади [3].

Олтингургуртни чанглаш олтидан яхшилаб қуритиш зарур, уни қуёш тушадиган жойга юпқа қилиб ёйиб, 2–3 соат қуритиш керак. Олтингургуртни чанглашда унга янги очилтирилган оҳак кукуни қўшиб олинади. Масалан, олтингургурт ерда юритиладиган аппаратлардан чангланганда 1 ҳисса олтингургуртга 1 ҳисса оҳак қўшилади. Олтингургуртга оҳакни аралаштиришдан олдин, буларнинг ҳар иккисини алоҳида-алоҳида равишда майда кўзли элакдан элаш, улар аралаштирилгандан кейин яна бир марта элакдан ўтказиш керак. Аралаштириш учун оҳак бўлмаганда, унинг ўрнига қуруқ ўтин кули олиш мумкин, кул ҳам юқорида кўрсатилган миқдорда аралаштирилади .

Ҳозирги пайтда ғўза, узумзор, мевали боғлар ва бошқа ўсимликларни зараркунанда ва касалликларига қарши кимёвий ишлов беришда олтингургурт препаратлари яхши натижалар бермоқда. Буларга коллоид (газли) олтингургурт, оҳак-олтингургурт қайнатмаси (ООҚ) ва олтингургурт талқони киради. Юқорида келтирилган кимёвий препаратларнинг республикамизда катта захираси мавжуд бўлиб, улар ўзимизда ишлаб чиқарилади ва нархи четдан келтириладигандан бир неча марта арзон бўлиб, таъсир самараси жуда юқоридир [3].

Бу препаратлар ғўзадаги ўргимчакканага, бедадаги ун-шудринг касаллигига қарши курашда, шунингдек, пахта далаларининг айлана атрофидаги ёввойи ўт, тут дарахтларига чанглатиш ҳамда чанглаш учун ишлатилади. Ўргимчаккана ҳамда замбуруғ касалликларини кўзғовчи бак-

териялар учун зарарли бўлган олтингургуртли препаратлар ўсимликларга зиён қилмайди, баъзи маълумотларга кўра, бу препаратлар пахта ҳосилига яхши таъсир этади [3].

Чанглатиш технологик жараёни – бунда талқонсимон (кукунли) кимёвий препаратларни қуруқ ёки намланган ҳолатда қишлоқ хўжалиги ўсимликлари, мевали ва мевасиз боғлари ва узумзорларни барглари, шохлари ва тана қисмларига чанглатиш технологик жараёни билан тўлиқ қамровли ҳажмий кимёвий ишлов берилади.

Ҳозирги пайтда хўжаликларда кимёвий препаратларни, айнан олтингургуртни чанглаш учун ОШУ-50А ва Uch-150, 200 чанглатгичлари қўлланилмоқда. Қуйида уларнинг технологик ишлаш жараёнининг таҳлили келтирилади.

ОШУ-50 А чанглатгич [4] рамасига талқонланган кимёвий препаратни солиш учун сиғим, ҳаво оқимини ҳосил қилувчи вентилятор, ҳаракат бериш учун редуктор ва ҳаракат узатувчи қисмлар ўрнатилган. Вентилятор тик ҳолатда ўрнатилган, унинг кожухи ғилдирак айланиш ўқиға нисбатан ўзгармас радиусда тайёрланган бўлиб, фақат юқори қисми узайтириб тайёрланган. Кожухнинг юқори узайтириб тайёрланган қисмида ҳаво оқимини йўналтириш учун дарча бўлиб, унга иш қисми ўрнатилган. Сиғимнинг остки қисмида ўрнатилган шнек перолари яхлит қилиб тайёрланган, у сиғимнинг ярим цилиндрсимон қисми охиридан вентилятор кожухининг ҳаво оладиган қисмига препаратни маълум меъёрда узатиб туради. Иш жараёнида сиғим ичидаги препаратни кўзғаб турувчи ускуна ўрнатилган.

ОШУ-50А чанглатгичининг асосий камчиликлари шундан иборатки, сиғим ичида жойлаштирилган шнек ва кўзғовчи ускунаниннг ишлаш жараёнида конструктив ва технологик камчиликлар бўлгани учун талқонланган препаратларни зичлаши натижасида технологик жараённинг бир маромда ишламаслигидан чанглатгичининг иш унуми 30–40 фоизга пасайиши кузатилди. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган ишчи қисмларни такомиллаштириш зарур.

Uch-150 ва Uch-200 чанглатгичлар рамасига талқонланган кимёвий препаратни солиш учун сиғим, ҳаво оқимини ҳосил қилувчи вентилятор, ҳаракат бериш учун редуктор ва ҳаракат узатувчи қисмлар ўрнатилган [5]. Сиғимнинг пастки қисмида препарат тўкилиши ва вентилятор парраги ўқи ўтиши учун айлана тешиклар бор. Сиғимнинг пастки қисмида ўқ ўтказилиб, унинг учига планка маҳкамланган. Вентилятор ётиқ ҳолатда ўрнатилган бўлиб, унинг кожухидаги икки ён қарама-қарши томонларига ҳаво оқимини йўналтириш учун дарчалар очилган ва уларга кўзғалмас қилиб мосламалар ўрнатилган.

Uch-150 ва Uch-200 чанглатгичларини ёппасига экилган ўсимликларга ишлов беришга мослаштирилмаган. Чанглатгични иш жараёнида сиғим ичидаги препаратнинг осилиб қолиши (свод) кузатилди, меъёрни ростлаш лойиҳада этиборга олинмаган. Бу чанглатгич ўсимликларни устки томонидан кимёвий ишлов бераолмайди, сабаби бундай ишни бажарувчи иш қисм ишлаб чиқилмаган.


Юқорида келтирилган олтингургурт ва шу турдаги кимёвий препаратларни чанглатадиган чанглатгичларнинг технологик ишлаш жараёнини тақризий таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу келтирилган техник воситалар билан қишлоқ хўжалик ўсимликларини бир-бирдан геометрик ўлчамлари катта фарқ қилувчи ҳамма турларига ишлов бериш имкониятига эга эмас, яъни ҳозирги пайтда уларнинг ҳамма турларига ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилмаганини кўрсатади. Республикамизда агротехник талабларга тўлиқ жабов берадиган юқори самарали технологияларни ва шу асосида ҳамма турдаги ўсимликларга ишлов берадиган чанглатгични яратиш бугунги куннинг долзаб муаммоларидан биридир.

Масаланинг қўйилиши. Қишлоқ хўжалик ўсимликларига олтингургурт ва шу турдаги кимёвий препаратни чанглатишда уни сарфини камайтирадиган ва таъсир самарасини оширадиган тўлиқ қамровли кимёвий ишлов бериш асосида сифатли чанглатадиган юқори самарали янги технологиясини, уни аниқ бажарадиган универсал осма чанглатгичини ва унга технология асосида иш қисмларни яратишдан иборатдир.

Ечиш усули. Илмий тадқиқотлар ва синовлар О'з DSt 3111:2016 Испытания сельскохозяйственной техники. Методы контроля технических параметров [6], О'з DSt 3202:2016 Испытания сельскохозяйственной техники. Опрыскиватели и опылители. Методы испытаний [7], ГОСТ 24055-88 – Методы эксплуатационно-технологической оценки [8], ГОСТ 53053-2008- Машины для защиты растений. Опрыскиватели. Методы испытаний [9], Протокол испытаний №03-32-03 (4140162) Опрыскиватель ОП-2000М 2003.ФГУ “Владимирская государственная зональная машиноиспытательная станция” [10] асосида ўтказилди.

Натижалар ва намуналар. Асосий мақсад ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик ўсимликларига сифатли тўлиқ қамровли кимёвий ишлов берадиган, яъни қишлоқ хўжалик ўсимликларига олтингургурт ва шу турдаги кимёвий препаратни чанглатишда уни сарфини камайтирадиган ва таъсир самарасини оширадиган тўлиқ қамровли кимёвий ишлов бериш асосида сифатли чанглатишни юқори самарали янги технологияси яратилди. Яратилган технология асосида, ишлов бериладиган объектларнинг геометрик ва технологик ўлчамлари муҳим аҳамиятга эгаллигига асосланиб ғўза, узумзорлар, мевали боғлар ва бошқа ўсимликларнинг геометрик ва технологик ўлчамлари бир-бирдан жуда катта фарқ қилгани учун ишлов бериладиган объектлар 2 та гуруҳга ажратилди [9]:

- ёппасига экилган экинларга ишлов бериш (пахта, ғала, ўтлар ва бошқалар (1-расм);



1-рама, 2-редуктор, 3-понасимон тасмали узатма, 4-занжирли узатма, 5-вентилятор, 6-кожухдаги ҳаво кириш дарчаси, 7-вентилятор кожухи, 8-вентилятор гилдираги, 9-шнек вали, 10-штифли барабан, 11-сиғим, 12-ёппасига экилган ўсимликларга ишлов берувчи иш қисми, 13-кожухнинг орқа томонида очилган дарчанинг ёпқичи, 14-ўсимликларни устки томонидан пастга йўналтириб ишлов берувчи иш қисми, 15-плантация қилиб экилган боғларга ишлов берувчи иш қисми.

1-расм. Универсал осма чанглатгичга ёппасига экилган экинларга олтингургурт талқони чанглатувчи иш қисми ўрнатилган технологик схемаси

- плантация қилиб экилган боғларга ишлов бериш (узумзорлар, олмазорлар, анорзорлар ва бошқалар (2-расм);

Юқорида келтирилган технология асосида ва уни талабини аниқ бажарадиган универсал осма чанглатгичини яратиш бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар асосида унинг технологик схемаси ишлаб чиқилди. Яратилган универсал осма чанглатгичга ҳар бир гуруҳни ўзига хос ва мос бўлган юқори самарали алоҳида кимёвий ишлов берадиган алмаштириб ўрнатиладиган иш қисмлари лойиҳаланди. Юқори самарали янги технологиялар асосида ҳар бир гуруҳга алоҳида иш қисмлар ишлаб чиқилиб чанглатгичга ўрнатилади ва кимёвий ишлов берилади.

Яратилган универсал осма чанглатгичнинг технологик ишлаш схемаси 1, 2 ва 3-расмларда келтирилган. 1-расмда универсал осма чанглатгичнинг умумий технологик ишлаш жараёни келтирилган, унда ёппасига экилган ўсимликларга ишлов берувчи 12 та ишчи қисмлар ўрнатилган. Бундан ташқари универсал осма чанглатгични технологик схемасини 1-расмда А-А ва Б-Б кесмлари келтирилган. 2-расмда чанглатгичнинг умумий технологик схемасига плантация қилиб экилган боғларга ишлов берувчи 15 та ишчи қисм ва ўсимликларни устки томонидан пастга йўналтириб ишлов берувчи 14 та ишчи қисмлар ўрнатилган ҳолати келтирилган.

Универсал осма чанглатгич сиғимининг юқори қисми тўғри тўртбурчак шаклида тайёрланган бўлиб, унинг икки қарама-қарши ён томонлари маълум вертикал текисликка бир хил бурчак остида бир-бирига қаратиб, унинг пастки қисми (ости) ярим цилиндр шаклига келтириб бир бутун қилиб тайёрланган. Қолган икки қарама-қарши энсиз томонлари тайёрланган қисмининг икки ён томонлари ўлчамларини айнан ўзидек тайёрланиб ўрнатилган. Сиғимнинг ярим цилиндр шаклида тайёрланган қисмининг узунлиги ва ярим айланани тенг ўртасида, унинг пастки қисмида препаратларни вентилятор ҳаво сурувчи қисмига узатиш учун тўғри тўртбурчакли дарча очиб тайёрланган. Сиғимнинг ярим цилиндр қисмида препаратларни дарчадан бир хил меъёрда узатиб туриш учун шнек ўрнатилган. Шнек вали узунлигининг тенг ўртасида сиғим тагида очилган дарчанин узунлигига мос ҳолда меъёрловчи ускуна ўрнатилган. Ускуна олтита металл пластинкалардан иборат бўлиб, уларнинг узунлиги бўйича валга параллел, қалинлиги бўйича валга тик ва вал диаметри бўйича 60 градус қилиб ҳар бири валга пайвандлаб ўрнатилади. Меъёрловчи ускуна сиғим тагида очилган дарчанин устига ўрнатилган.

Шнек валига перолар тўрт бурчакли металл лентани шнекнинг ташқи диаметри бўйича бир хил қадамда ўраб шнек валига маҳкамлаб тайёрланган. Шнек валининг ўртасидаги меъёрловчи ускунага қараб икки учидан чап ва ўнг йўналишда перолар ўралган. Шнекнинг чап ва ўнг йўналишдаги перолари билан меъёрловчи усқунанин ташқи диаметрлари бир хил ўлчамда тайёрланган. Бунда шнек перосини валга метал устунлар ёрдамида пайвандлаб ўрнатилган, шунинг учун улар орасида бўшлиқ ҳосил қилинган. Сиғимнинг ярим цилиндрли қисмини диаметри шнекнинг диаметридан 30–40 мм катта қилиб тайёрланган.

Сиғимнинг ичида, шнекнинг юқори қисмида, унга параллел ва мос ҳолда ишловчи штифли барабан ўрнатилган. Штифли барабанда штифлар ҳар хил узунликда, лекин сиғимнинг ички ўлчамларига мос ҳолда, барабан валининг айланаси бўйича ўзаро 90 градусдан тўрт қатор қилиб, валга нисбатан тик ва валнинг узунлиги бўйича бир неча қатор қилиб ўрнатилган. Шнекли валнинг айланиш сонидан штифли барабанин айланишлар сони 10–15 марта кичик бўлиши лозим.

Яратилган универсал осма чанглатгичга ишлов бериш технологик жараёнини ҳисобга олган ҳолда, яъни суриб олинган ҳаво оқимини қарама-қарши икки томонга йўналтирадиган марказдан қочма вентиляторни ўрнатилган. Марказдан қочма вентиляторлар бўйича олимларимиз назарий ва амалий тадқиқотлар олиб боришган [11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21].

Вентилятор ғилдирагининг диаметри ва баландлиги ўлчамлари асосида вентилятор кожухи тайёрланган. Кожухнинг иккита бир-бирига параллел томонлари ғилдирак диаметри бўйича олинган бўлиб, унинг биринчи томони марказидан ғилдиракнинг вали ўтказилган. Кожухнинг иккинчи томони марказида ҳаво оқими кириши учун диаметри 200–250 мм бўлган дарча очиб тайёрланган. Ҳаво оқими кожухнинг ўзида иккига бўлиб дарчаларга йўналтириш учун ғилдирак баландлигига мос ҳолда иккита бир-бирига қарама-қарши томонларга дарчаларни очиш учун иккита спиралсимон томонлар тайёрланди. Бу томонларни биринчи учлари ғилдирак айланиш йўналишида ўзаро 180 градусда кетма-кет тартибда ғилдиракнинг айланиш радиусига нисбатан 10–20 мм ўлчамда катта қилиб, иккинчи учлари эса лойиҳаланган дарчанинг геометрик ўлчами асосида масофа қолдирилиб кожухнинг параллел бўлган томонларига маҳкамланади. Универсал осма чанглатгичнинг орқа томонига тўғри келувчи спиралсимон томоннинг баландлиги ва узунлигини тенг ўрта қисмида дарча очиб тайёрланган. Универсал осма чанглатгич ёппасига ишлов бериш пайтида бу дарча очилади ва бошқа пайтда ёпиқ ҳолатда туради.


Препаратларни бир гектар майдонга сарфлаш меъёрини шнек валининг айланишлар сонини ўзгартириш билан ростланадиган қилиб тайёрланган. Вентилятор кожухига очилган дарчаларга ишлов бериш технологияси асосида яратилган ишчи қисмлар ўрнатилиб кимёвий ишлов берилади. Бунда кожухнинг икки ён қарама-қарши томонларига ўрнатиладиган иш қисм икки хил кўринишда ва ечиб олиниб алмаштириладиган қилиб тайёрланади. Кожухнинг орқа томонидаги дарчага ишчи қисм доимий маҳкамландиган қилиб ўрнатилади ва ечиб олинмайди, унда ўрнатилган ёпқич очиб ёпиладиган қилиб тайёрланган.

Плантация қилиб экилган боғларга ишлов берувчи ишчи қисми тайёрланган (2-расм). Ишчи қисмнинг асоси тўғри тўртбурчак угольниқдан тайёрланган бўлиб, унда кожухнинг дарчасига болтлар билан ўрнатиш учун айлана тешиклар очилган ва қолган ҳамма ишчи қисмлар учун ҳам айнан шу ўлчамда рамка тайёрланган. Бу рамкага ишчи қисмнинг ён ва устки томонлари маҳкамлаб ўрнатилган. Ишчи қисмнинг чиқиш жойи тўртбурчак шаклида бўлиб, уни эни 10–12 марта баландлигига нисбатан қисқа бўлиб, баландлиги ишлов бериладиган объектнинг баландлигига мос ҳолда тайёрланган, унга йўналтирувчи лопастрлар ўрнатилган. Иш қисмнинг устки қисмида дарча очиб тайёрланган бўлиб, бу дарча иш қисмини букилувчан шланг ёрдамида боғлайди.

Ишчи қисмнинг 14 (2-расм) иккинчи томони букилувчан шланг уланиши учун цилиндр шаклида тайёрланган, уни ишлов бериладиган объектга нисбатан ростланадиган қилиб ўрнатилади. Ёппасига ишлов берувчи ишчи қисмнинг 12 (1-расм) рамкаси айнан юқоридаги ўлчамларда, қолган тўрт томони кесик пирамида шаклида тайёрланган, унинг охирида узунлиги 150–200 мм ва диаметри пирамида ўлчамига мос ҳолда цилиндр тайёрланиб ўрнатилган.

Яратилган универсал осма чанглатгич қуйдагича ишлайди: чанглатгичга ҳаракат берилганда сиғим ичига солинган кимёвий препаратни шнекли вал билан унинг икки четки қисмидан бошлаб сиғим тагининг ўрта қисмида очилган дарчага ва меъёрловчи ускунага йўналтиради.

Шнекли вал препаратни ташиш жараёнида зичланишига йўл қўймасдан бир хил меъёрда олдинга йўналтиради, бунда ошиқча препаратлар перо билан вал орасидаги бўшлиқ орқали ҳаракат йўналишига тескари бўлган кейинги перога ўтади. Препарат меъёрловчи ускунага ўтиб, у орқали бир хил меъёрда сиғим дарчасидан вентиляторнинг ҳаво оқими сурувчи қисмига тўкилади. Вентилятор кожухида препарат ҳаво оқими билан аралаштирилиб кожухнинг ён томонларида очилган иккита дарча орқали унга ўрнатилган ишчи қисмларга йўналтирилади. Сиғим ичидаги препаратларни технологик жараёни узлуксиз ишлашини таъминлаш учун штифли барабан ўрнатилган. Штифлар ишлаш жараёнида шнекнинг ишлашига мос ҳолда препаратларни зичламасдан бир хил меъёрда сиғим ичида осилиб қолишининг олдини олади ва текис тўкилишини таъминлайди.



2-расм. Универсал осма чанглатгичга плантация қилиб экилган боғларга олтингуурт талқони чанглатувчи иш қисми ўрнатилган технологик схемаси

Бунда вентилятор кожухи икки ён томонидаги дарчалардан чиқадиغان ҳаво оқими билан препарат аралашмасини ишчи қисмларга йўналтиради. Янги кимёвий ишлов бериш технологияси асосида ишлов бериладиган гуруҳлар учун тайёрланган ишчи қисмларнинг ўрнатилишини ва уларни ишлашини кўриб чиқамиз:

Плантация қилиб экилган боғларга (узумзорлар, олмазорлар ва бошқалар) кимёвий ишлов беришда 1, 2-расмларда кўрсатилганидек, чанглатгичнинг вентилятор кожухидаги дарчаларга ишчи қисмлар ўрнатилади. Бундан ташқари ўсимликларни устки томонидан пастга йўналтириб ишлов берувчи ишчи қисм ҳам ўрнатилади, кожухдаги дарча ёпқич билан ёпилади. Вентилятор ҳосил қилган ҳаво оқими препарат аралашмаси билан бирга ишчи қисм ва унинг устки томонида очилган дарча орқали ишчи қисмга юборилиб 14 ва 15-ишчи қисмлар бир вақтда ўсимликларга кимёвий ишлов беради. Плантация қилиб экилган ўсимликларга устки томонидан ишлов беришда пуркалган препарат талқонини таъсир самарасини ошириш учун ҳар бир қаторга алоҳида қилиб чанглатгичнинг икки ён томонида ўрнатиладиган 15 та ишчи қисмларга, вентилятор томонидан ҳосил қилинган ҳаво оқимини иккига бўлиш учун дарчалар очилиб тайёрланган. У орқали боғланган ишчи қисм ёрдамида устки қисмидан ишлов берилади ва уни ишлов бериладиган объектга нисбатан ростланадиган қилиб ўрнатилган. Ишчи қисмини ишлов бериладиган ўсимликларга имкон қадар яқинлаштириш натижасида чанглатиладиган препаратни беҳуда исроф бўлишига йўл қўйилмайди. 14 ва 15-ишчи қисмлар ёрдамида плантация қилиб экилган боғларга агротехник талабларга тўлиқ жабов берган ҳолда кимёвий ишлов беради.

Ўсимликларга ёппасига (пахта, ғалла, беда ва бошқалар) ишлов беришда чанглатгичнинг 1-расмда кўрсатилгандек вентилятор кожухидаги дарчаларга 12-ишчи қисмлар ўрнатилади, кожухдаги дарча 13-ёпқич орқали очилади. Чанглатгичнинг ишлаш жараёнида ишчи қисмлар ва дарчалардан препаратлар ҳаво оқими билан чанглатилиб ўсимликларга ёппасига ишлов беради. Бунда ишчи қисмлар икки ёнга маълум масофага ишлов берса ораликда ишлов берилмай қолган қисмига кожухдаги дарчадан чиқадиган препаратлар билан ишлов беради. Яратилган янги технология асосида универсал осма чанглатгични компьютерда AutoCAD дастурида конструкторлик чизмалари ва техник ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва уни тажрибавий намунаси тайёрланди (3-расм). Ишлаб чиқил-



3-расм. Яратилган SNJG-20 универсал осма чанглатгичнинг плантация қилиб экилган боғларга олтингургурт талқони чанглатувчи иш қисми ўрнатилганини умумий кўриниши

ган универсал осма чанглатгични оддий шароитда дастлабки синовлардан ўтказилди, чунки бу чанглатгич янги ва биринчи марта ишлаб чиқарилган. Шунинг учун унинг ҳамма деталлари, узеллари ва механизмларини эътибор билан текшириб чиқилди ва бу механизмларнинг ўзаро тўғри боғланганига ишонч ҳосил қилинди. Ҳаракатланадиган қисмларнинг ҳаммасини қўлда ҳаракатлантириб, уларни эркин ва бирор-бир қисмга тегмасдан ҳаракатланиши текшириб чиқилди. Кейин универсал осма чанглатгични МТЗ-82 тракторига ўрнатиб ва унинг ҳаракатда ишлашини синовлар ўтказилди. Бунда, универсал осма чанглатгичнинг қардан валини тракторнинг орқа қувват олиш (ҚОВ) валига боғланди ва уни 50 айл./мин, 100 айл./мин, 500 айл./мин, 1000 айл./мин ва 1500 айл./мин салт ҳаракатланишида синов ишлари олиб борилди ва кузатилди. Дастлабки синовларда универсал осма чанглатгични текис ва бир маромда

технологик жараёни ишлаганлигини аниқланди. Универсал осма чанглатгични ҳўжалиқда дастлабки синовларини ўтказиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилинди.

Ишлаб чиқилган чанглатгичнинг дастлабки синовлари Тошкент туманидаги “Махаммаджон Фозилов – Нур” агрофирмаси ҳўжалиғи узумзорларида олиб борилди. Дастлабки синов натижаларига асосида чанглатгич 8 соатлик иш кунда иш унуми 25–30 гектар узумзорларга ишлов берди. Яратилган янги юқори самарали технологияга ва универсал осма чанглатгичига ЎзР. Интеллектуал мулк агентлигини фойдали моделга патенти UZ FAP 00875 олинган. Олтингургурт ва шу турдаги кимёвий препаратлар билан қишлоқ ҳўжалиқ ўсимликларига кимёвий ишлов беришни юқори самарали технологиялари ва чанглатгич техник воситаларини яратиш бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин.

Хулоса.

1. Қишлоқ ҳўжалиқ ўсимликларига олтингургурт ва шу турдаги кимёвий препаратни чанглатишда уни сарфини камайтирадиган ва таъсир самарасини оширадиган тўлиқ қамровли кимёвий ишлов бериш асосида сифатли чанглатишни юқори самарали янги технологияси яратилди. Янги технология асосида ғўза, узумзорлар, мевали боғлар ва бошқа ўсимликларнинг геометрик ва технологик ўлчамлари бир-биридан жуда катта фарқ қилгани учун ишлов бериладиган объектлар 2 та гуруҳга ажратилди, яъни плантация қилиб экилган боғларга (узумзорлар, олмасорлар, анорзорлар ва бошқалар) ва ёппасига экилган ўсимликларга (пахта, ғалла, ўтлар ва бошқалар) алоҳида технология асосида тўлиқ қамровли кимёвий ишлов бериш билан кимёвий препаратларни беҳуда исроф бўлишига йўл қўйилмайди ва таъсир самарасини сифати янада оширилди.

2. Юқорида келтирилган технология асосида ва уни аниқ бажарадиган универсал осма чанглатгичини яратиш бўйича олиб борилган назарий ва амалий тадқиқотлар асосида унинг технологик схемаси ишлаб чиқилди. Универсал осма чанглатгичга ҳар бир гуруҳни ўзига хос ва мос бўлган юқори самарали алоҳида кимёвий ишлов берилган алмаштириб ўрнатиладиган иш қисмлари лойиҳаланди. Бунда, универсал осма чанглатгичнинг технологик схемаси асосида конструкторлик йиғма чизмалари компьютерда AutoCAD дастурида ишлаб чиқилди. Олтингургурт ва шу турдаги кимёвий препаратларни чанглатадиган универсал осма чанглатгичнинг намунаси ишлаб чиқилди ва уни дастлабки ҳўжалиқ синовлари ўтказилди, унда асосан 8 соатлик иш вақтида 25–30 гектар узумзорларга олтингургурт кимёвий препаратни чанглатиб ишлов берди.

3. Яратилган янги технологияга ва универсал осма чанглатгичига ЎзР. Интеллектуал мулк агентлигини фойдали моделга патенти UZ FAP 00875 олинган.

№	Адабиётлар	References
1	Очилов Р.О., Бобобеков Қ., Сағдуллаев А., Пулатов З., Учаров А., Раҳматов А., Аброров Ш. Мевали дарахтлар зараркунандалари ва касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чоралари. – Тошкент: Фан, 2010. – 60 б.	Ochilov R.O., Bobobekov.K., Sagdullayev A., Pulatov Z., Ucharov A., Rahmatov A., Abrorov Sh. <i>Mevali darakhtlar zararkunandalari va kasalliklarini aniklash khamda ularga karshi kurash choralari</i> . [Measures to Identify and Fight the Fruit Tree Pests and Diseases.] Tashkent, Publ, 2010. 60 p. (in Uzbek)
2	Хамраев А.Ш., Ҳасанов Б.А. Боғ, токзорларнинг зараркунандалари, касалликлар ва уларга қарши кураш тизими. – Тошкент, 1995. – 125 б.	Xamraev A.SH., Xasanov.B.A. <i>Bog, tokzorlarning zararkunandalari, kasalliklar va ularga karshi kurash tizimi</i> [Garden, vineyards, diseases and the fight against them.]. Tashkent, 1995. 125 p. (in Uzbek)
3	Журавская С.А., Костенко И.Р., Спиридонов Ю.В. Ғўза-беда зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш йўллари. – Тошкент: ЎзССР Давлат нашриёти, 1954. – 196 б.	Juravskaya S.A., Kostenko I.R., Spiridonov Yu.V. <i>Guza-bedada zararkunandalari va kasalliklariga karshi kurash</i> [Ways to fight against cotton and alfalfa pests and diseases] Tashkent, State Publishing House of the UzSSR. 1954. 196 p. (in Uzbek)

4	Шамаев Г.П., Шеруда С.Д. Механизация защиты сельскохозяйственных культур от вредителей и болезней. – Москва: "Колос", 1978. – 256 с.	G.P.Shamaev, S.D.Sheruda. <i>"Mekhanizatsia zashchity sel'skokhozyaystvennykh kul'tur ot vreditel'ey i bolezney"</i> [Mechanization of crop protection from pests and diseases] (Navesnoy opriskibatel OH-400). Moscow. Publ. "Ear" 1978. 256 p. (in Russian).
5	Опылитель широкозахватный универсальный ОШУ-150/200 /Паспорт и руководство по эксплуатации ОШУ.00.000 РЭ // ОАО "БМКВ-AGROMASH", ООО «AGRICHIM». – Ташкент, 2005. – 14 с.	<i>Opylitel' shirokozakhatnyy universal'nyy OSHU-150/200 /Pasport i rukovodstvo po ekspluatatsii OSHU.00.000 RE //OAO "BMKB-AGROMASH"</i> [Universal wide-spread sprayer ОШУ-150/200 / Passport and operation manual ОШУ.00.000 РЭ]// OJSC "BMKB-AGROMASH", AGRICHIM, LLC. Tashkent, 2005. 14 p. (in Russian)
6	О'з DSt 3111:2016 Испытания сельскохозяйственной техники. Методы контроля технических параметров. – Ташкент, 2016. – 16 с.	<i>Uz DSt 3111:2016 Ispytaniya sel'skokhozyaystvennoy tekhniki. Metody kontrolya tekhnicheskikh parametrov</i> [Tests of agricultural machinery. Methods of control of technical parameters] Tashkent, 2016. 16 p. (in Russian)
7	О'з DSt 3202:2016 Испытания сельскохозяйственной техники. Опрыскиватели и опылители. Методы испытаний. – Ташкент, 2016. – 18 с.	<i>O'z DSt 3202:2016 Ispytaniya sel'skokhozyaystvennoy tekhniki. Opryskivateli i opyliteli. Metody ispytaniy</i> [Tests of agricultural machinery. Sprayers and pollinators. Test methods]. Tashkent, 2016. 18 p. (in Russian)
8	ГОСТ 24055-88 – Методы эксплуатационно-технологической оценки. – Москва: Стандартинформ, 1988. – 35 с.	<i>GOST 24055-88 – Metody ekspluatatsionno-tekhnologicheskoy otsenki</i> , [GOST 24055-88 - Methods of operational and technological assessment] Moscow: Standartinform, 1988. 35 p. (in Russian).
9	ГОСТ Р 53053-2008. Машины для защиты растений. Опрыскиватели. Методы испытаний. / Москва. Стандартинформ 2009. 42 с.	<i>GOST R 53053-2008. Mashiny dlya zashchity rasteniy. Opryskivateli. Metody ispytaniy</i> [Plant protection machines. Sprayers. Test methods]. Moscow. Standartinform 2009. 42 p. (in Russian)
10	Протокол испытаний № 03-32-03 (4140162). Опрыскиватель ОП-2000М. Республика Татарстан. с. Высокая Гора. 2003. 5 с.	<i>Protokol ispytaniy № 03-32-03 (4140162). Opryskivatel' OP-2000M. Respublika Tatarstan. s. Vysokaya Gora. 2003. 5 s.</i> [Test report No. 03-32-03 (4140162). Sprayer OP-2000M]. Republic of Tatarstan. from. High mountain. 2003. 5 p. (in Russian)
11	Джураев Д., Халилов М.С., Уришев А.Э. PJG'-10 универсал осма пуркагичи талаб қиладиган қувватини назарий аниқлаш // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2018. Махсус сони. – Б. 97–101.	<i>D.Dzhuraev, M.S.Xalilov, A.E. Urishev. "PJG'-10 universal osma purkagichi talab kiladigan kuvvatini nazariy aniklash"</i> [PJG'-10 universal apocalypse is required to meet the exact strength of the concept] Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya". Tashkent, 2018. Special category. Pp. 97-101. (in Uzbek)
12	Патент UZ FAP 00875 Руз. Опылитель для химической обработки сельскохозяйственных растений. Джураев Д., Эргашев А.Ч. – Ташкент, 2013. – 7 с.	<i>Patent UZ FAP 00875 RUz. Opylitel' dlya khimicheskoy obrabotki sel'skokhozyaystvennykh rasteniy.</i> Dzhurayev D, Ergashev A.Ch. [Pollinator for chemical treatment of agricultural plants]. Dzhuraev D, Ergashev A.Ch. Toshkent. 2013. 7 p. (in Uzbek)
13	Невельсон М.И. Центробежные вентиляторы. – Москва: Госэнергоиздат, 1954. – 314 с.	<i>M.I.Nevel'son. Tsentrobezhnye ventilyatory</i> [Centrifugal fans]. Moscow: Publ. Gosenergoizdat, 1954. 314 p. (in Russian)
14	Шерстюк А.Н. Вентиляторы и дымососы. – Москва: Энергоиздат, 1957. – 184 с.	<i>SHerstyuk A.N. Ventilyatory i dymososy</i> [Fans and smoke exhausters] Moscow., . Publ. Energoizdat, 1957. 184 p. (in Russian)
15	Экк Б. Проектирование и эксплуатация центробежных и осевых вентиляторов. – Москва: Гостехиздат, 1959. – 565 с.	<i>Ekk B. Proyektirovaniye i ekspluatatsiya tsentrobezhnykh i osevykh ventilyatorov</i> [Design and operation of centrifugal and axial fans]. Moscow: Publ.Gostekhizdat, 1959. 565 p. (in Russian)
16	Бычков А. Г. Выбор нормального ряда основных размеров центробежных вентиляторов. В сб. Промышленная аэродинамика. Вып.21. – Москва: Оборонгиз, 1962. – С. 116–150.	<i>Bychkov A. G. Vybór normal'nogo ryada osnovnykh razmerov tsentrobezhnykh ventilyatorov</i> [Selection of a normal number of basic sizes of centrifugal fans. In the collection. Industrial aerodynamics.] Issue 21. Moscow: Oborongiz, 1962. from. Pp. 116-150. (in Russian)
17	Калинушкин М.П. Вентиляторные установки. Из-во "Высшая школа". Москва. 1962. 294 с.	<i>M.P.Kalinushkin "Ventilyatornyye ustanovki"</i> [Fan systems] from Publ. "Higher School". Moscow. 1962. 294 p. (in Russian)
18	Бабак Г. А., Стешенко В.А. Разработка и исследование двустороннего центробежного вентилятора Ц 38-23. – Москва, Горный журнал, 1964. – № 10. – С. 137–141.	<i>Babak G. A., Steshenko V.A. Razrabotka i issledovanie dvustoronnego tsentrobezhnogo ventilyatora</i> Ц38-23. Moscow. Mining Journal, 1964, No. 10, Pp.137 -141. (in Russian).
19	Локшин И. Л. Аэродинамические схемы и характеристики центробежных вентиляторов с кожухами, имеющими два выходных отверстия. В сб. Промышленная аэродинамика. Вып.28. – Москва: Машиностроение, 1966. – С. 206–213.	<i>Lokshin I. L. Aerodinamicheskie skhemy i kharakteristiki tsentrobezhnykh ventilyatorov s kozhukhami, imeyushchimi dva vyhodnykh otverstiya.</i> [Aerodynamic schemes and characteristics of centrifugal fans with shells having two outlets] On Sat Industrial aerodynamics. Issue 28. Moscow: Publ. Mechanical Engineering. 1966. Pp. 206-213. (in Russian)
20	Турбин Б.Г. Вентиляторы сельскохозяйственных машин. – Ленинград: "Машиностроение", 1968. – 159 с.	<i>B.G.Turbin Ventilyatory sel'skokhozyaystvennykh mashin</i> [Fans of agricultural machines], Leningrad: Publ Engineering. 1968. 159 p. (in Russian)
21	Бонч Э.И., Гушин Е.Г. Обоснование параметров воздушного потока вентиляторного хлопкового опрыскивателя. Механизация технологических процессов защиты растений. – Ленинград, 1970. – С. 99–105.	<i>E.I.Bonch, E.G.Gushin, "Obosnovanie paramertov vozdušnovo potoka ventilyatornovo khlopkovogo opryskivatelya"</i> [Justification of the air flow parameters of a fan cotton sprayer] Mechanization of technological plant protection precursors. Leningrad.,1970. Pp .99-105. (in Russian).

УЎТ: 621.36.

СОЯНИ ЙИҒИШТИРИШДА “ДОМИНАТОР-130” ҒАЛЛА КОМБАЙНИ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ АНИҚЛАШ

К.Д. Астанақулов - т.ф.д., катта илмий ходим

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада "Доминатор-130" комбайнининг сояни йиғиштиришдаги иш кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар натижалари келтирилган. Тажрибаларга кўра сояни йиғиштиришда "Доминатор-130" комбайни бункердаги дон тозаллиги 95,9 фоиз, комбайн янчигидаги дон нобудгарчилиги 0,7 фоизни ташкил этиб, белгиланган талабларга жавоб беради, аммо комбайн ўргичидаги дон нобудгарчилиги ва доннинг шикастланиши белгиланган талаблардан юқори бўлди. Шу сабабли сояни йиғиштириш учун комбайн ўргичидаги дон нобудгарчилиги ва янчигидаги дон шикастланишини камайтириш имконини берадиган мақбул технологик параметр ва иш режимларини аниқлаш керак бўлади.

Таянч сўзлар: соя, йиғиштириш, ғалла ўриш комбайни, ўргич, дуккаклар, дон, иш унуми, нобудгарчилик, дон тозаллиги, шикастланиш.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПОКАЗАТЕЛЕЙ РАБОТЫ ЗЕРНОУБОРОЧНОГО КОМБАЙНА "ДОМИНАТОР-130" НА УБОРКЕ СОИ

К.Д. Астанақулов - д.т.н., старший научный сотрудник

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье приведены результаты экспериментальных исследований по определению показателей работы зерноуборочного комбайна "Доминатор-130" при уборке сои. Экспериментами определено, что при уборке сои комбайном "Доминатор-130" чистота зерна в бункере составляет 95,9%, потери зерна молотилкой составляют 0,7%, что отвечает предъявляемым требованиям, однако потери зерна в жатке и их повреждение превышает предъявляемым требованиям. Поэтому будет необходимо определить технологические параметры и режимы работы комбайна, позволяющие уменьшить потери на жатке и повреждение зерна на молотилке при уборке сои.

Ключевые слова: соя, уборка, зерноуборочный комбайн, жатка, бобики, зерна, производительность работы, потери, чистота, повреждение.

DETERMINING WORKING INDICATORS OF "DOMINATOR-130" COMBINE AT HARVESTING THE SOYBEAN

K.D. Astanakulov - d.t.s., scientific senior employe

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

In the article results of experimental researches are presented that are about determining the working indicators of "Dominator-130" combine at harvesting the soybean. According to results of experiments, during the harvesting of soybean the grain cleanness in a tank of the combine harvester "Dominator-130" made up 95,9 per cent, grain loss in a thresher of combine made up 0,7 per cent, these indexes answer to the demands, however in a reaper of combine harvester the grain loss and damaging of grain were higher than demand. Therefore, it is important to define the optimal technological parameters and working regimes that give opportunity to decrease the loss of grain in the reaper of combine and damaging of grain in the thresher of combine for harvesting the soybean.

Key words: soybean, harvesting, cereal harvester combine, reaper, pods, grain, working efficiency, losses, cleanness of grain, damaging.

Кириш. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришни диверсификациялаш орқали мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун пахта ва бошоқли дон экинларининг майдонларини қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот-полиз, озуқа ва тупроқ унумдорлигини яхшилайдиган экинлар, жумладан, соя етиштиришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сояни асосий ва такрорий экин сифатида кенг миқёсда етиштиришни йўлга қўйиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилаяпти, бугунги кунда ушбу экиннинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда уни турли ҳудудлар шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланган талаб даражасида экиш ва йиғиштириш усуллари ва воситаларининг ишлаб чиқилмаганлиги сабабли, ҳозирча мазкур экинни етиштиришда бир қатор қийинчиликларга дуч келинмоқда [1, 2, 3]. Соя

етиштиришда энг муҳим жараёнлардан бири бу уни кўп нобуд қилмасдан ўриб-йиғиштириб олиш ҳисобланади.

Ҳозир сояни йиғиштиришда жойларда "Доминатор-130", Нью-Холланд ТС-5060 ва бошқа комбайнлардан фойдаланилмоқда, аммо энг кўп фойдаланилаётгани "Доминатор-130" комбайни ҳисобланади. Шу сабабли мазкур комбайнни сояни йиғиштиришда тадқиқ этиб, иш кўрсаткичларини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили ва масаланинг қўйилиши. Сояни йиғиштириш бўйича хорижда жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, янги усуллар ва техника воситалари ишлаб чиқилган. Бугунги кунга келиб дунё амалиётида сояни ўришга мўлжалланган жатка билан жиҳозланган комбайнларда, ғалла ўришга мўлжалланган жаткаси сояни йиғиштиришга мослаштирилган ёки сояни йиғиштиришга мослаштирилмаган ғалла жаткаси билан жиҳозланган

ғалла комбайлари билан йиғштириб олинапти. Бундан ташқари, ҳосилни сидириб йиғштириб олишга мўлжалланган жаткалар билан жиҳозланган комбайнлардан ҳам фойдаланилади. Ғалла комбайнининг янчгич ва тозалаш қисмлари эса ўзгаришсиз қолиб, фақатгина уларнинг технологик параметрлари ўзгартирилган ва иш режимлари ростланган ҳолда фойдаланилади [4, 5, 6, 7].

Соя кичик майдонларда етиштириладиган жойларда эса уни йиғштириш учун кичик техника воситалари ҳам ишлаб чиқилган [8, 9, 10]. Соя дуккаклари пишиб етилгани билан унинг поясида намлик юқори бўлиб, комбайндан йиғштиришда бир қатор қийинчиликлар туғдиради. Шу сабабли уни десикация қилиб йиғштириш усули тавсия этилган [11]. Сояни йиғштиришда уни йиғштириш даврига ҳам катта эътибор қаратиш керак бўлиб, тадқиқотларда ўрим-йиғим пайтининг эрта ёки кеч бошланиши дон ва унинг сифатига сезиларли таъсир этиши ҳам аниқланган [12, 13, 14, 15].

Дунё миқёсида соя асосан комбайнларда йиғштирилади ва бунда энг кўп кузатиладиган нобудгарчилик, доннинг тўкилиб нобуд бўлиши ҳисобланади [16, 17, 18, 19]. Дон нобудгарчилиги жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, уни олдини олишнинг энг асосий йўлларида бири бу ҳар бир жойдаги ўрим-йиғим шароити учун уларга мос бўлган йиғштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Шу сабабли АҚШнинг соя етиштирадиган ҳар бир штатида уни йиғштириш бўйича тегишли тавсиялар мавжуд [20, 21, 22, 23, 24].

Дунё миқёсида сояни нобуд қилмасдан сифатли йиғштириб олиш бўйича ишланмалар ва тавсиялар мавжуд бўлсада, аммо Ўзбекистон шароитида сояни сифатли йиғштириш бўйича тадқиқотлар деярли ўтказилмаган.

Тадқиқот услублари. Тажрибалар Тошкент вилояти Янгийўл туманида жойлашган "Агробиохолдинг" МЧЖ далаларида соянинг «Амиго» навини йиғштиришда ўтказилди. Сояни йиғштиришда "Доминатор-130" комбайнининг иш сифат кўрсаткичлари ГОСТ 31345-2007 бўйича, синов ўтказиладиган дала шароити ва агрофон таснифи эса ГОСТ 20915-2011 бўйича аниқланиб, олинган натижаларга амалда қўлланилган математик статистика услублари билан ишлов берилди ва уларнинг статистик тавсифлари аниқланди [25, 26].

Тажрибалар вақтида "Доминатор-130" комбайни жаткасининг қамраш кенглиги 4,2 м. ни, барабан айланишлар частотаси 1200 минг¹ ни, барабан ва унинг декаси орасидаги тирқиш кириш қисмида – 13 мм, чиқиш қисмида – 3 мм. ни, ғалвир жалюзаларининг очиқлик бурчаги 30 градусни, вентилятор айланишлар сони 800 минг¹ ни ташкил этди. Ўриш баланглиги ўрилаётган поя массасига қараб 5-10 см, иш тезлиги эса 4-5 км/соат оралиғида бўлди.

Аниқланадиган иш кўрсаткичлари сифатида комбайнининг асосий вақтдаги иш унуми, дон нобудгарчилиги, бункердаги дон тозаллиги ва шикастланиши олинди. Комбайнининг асосий вақтдаги иш унуми хронометраж йўли билан салт юришлар ва туриб қолишлар вақтини чиқариб ташлаш орқали аниқланди. Дон нобудгарчилиги эса комбайннинг ўргичи ва янчгичи бўйича алоҳида олинди. Дон тозаллиги ва шикастланиши бункердаги дондан намуналар олиниб, улардаги бутун дон ва шикастланган дон ҳамда бегона қўшилмаларни ажратиб, уларнинг ўзаро нисбати бўйича топилди.

Тадқиқот натижалари. Тажрибаларда дастлаб даладаги экиннинг йиғштиришдан олдинги ҳолати, яъни агрофон таснифи аниқланди (1-расм).

Тажрибаларга кўра ўриб-йиғиштириладиган соя пояларнинг баланглиги ўртача 85 см. ни, ўртача квадратик оғиши 13,6 см ни, диаметри эса ўсимликнинг пастки, ўриш баланглиги қисмида ўртача (7,1 0,37) мм. ни, битта ўсимликда ўртача 29,8 дона дуккак борлиги, пастки дуккаклар ердан ўртача 6,2 см балангликда жойлашганлиги, битта



1-расм. Сояни йиғштириш олдида кўриниши

дуккакда ўртача 6,3 грамм оғирликдаги 2-3 дон дон борлиги ва доннинг поя массасига нисбати 1:1,8 ни ташкил этиши маълум бўлди.

Комбайн ишлайдиган даладаги ўрим-йиғим шароити аниқлангандан сўнг, сояни ўриб-йиғиштиришга киришилди (2-расм) ва белгиланган тадқиқот услублари бўйича унинг иш сифат кўрсаткичлари аниқланди.

Тажрибалар натижалари таҳлилига кўра, комбайннинг сояни йиғшти-



2-расм. "Доминатор-130" комбайни билан сояни йиғштириш жараёни

ришдаги иш кўрсаткичлари ғалла ва бошқа экинларни йиғштиришдаги кўрсаткичлардан фарқ қилди (1-жадвал). Тажрибалар натижаларидан маълум бўлдики, сояни йиғштиришда "Доминатор-130" комбайнининг асосий вақтдаги иш унуми 1,1 га/соатни ташкил этади.

1-жадвал

"Доминатор-130" комбайни билан сояни йиғштириш жараёни

№	Иш сифат кўрсаткичлари	Иш кўрсаткичларининг қийматлари
1	Асосий вақтдаги иш унуми, га/соат	1,1
2	Дон нобудгарчилиги, %	5,34
	- комбайн ўргичида - комбайн янчгичида	
3	Бункердаги дон тозаллиги, %	95,9
4	Дон шикастланиши, %	7,8

Дон нобудгарчилиги асосан комбайннинг ўриш қисмида кузатилди ва 5,34 фоизга тенг бўлди. "Доминатор-130" комбайни жаткасидаги дон нобудгарчилиги асосан ўриш баланглигидан пастда қирқилмай қолган дуккаклар (3-расм) кўринишида содир бўлди ва натижада дон нобудгарчилиги бўйича кўрсаткичнинг катта бўлишига олиб келди. Бундан ташқари комбайн ўргичи мотовиласи парракларининг механик таъсирида доннинг тўкилиб, нобуд бўлиши ҳам аниқланди.

Бункердаги дон тозаллиги далада бегона ўт кўп бўлишига қарамасдан нисбатан яхши бўлиб, 95,9 фоиз бўлди. Дон шикастланиши ҳам белгиланган кўрсаткичлардан анча юқори бўлиб, 7,8 фоизни ташкил этди.



3-расм. Қирқилмай қолган дуккак кўринишидаги дон нобудгарчилиги

Хулоса. Тажрибавий тадқиқотлар натижаларига кўра маълум бўлдики, сояни йиғштиришда "Доминатор-130" комбайнининг иш кўрсаткичларидан бункердаги дон тозаллиги 95,9 фоиз ва комбайн янчгичидаги дон нобудгарчилиги 0,7 фоиз бўлиб, белгиланган талабларга жавоб беради. Аммо комбайн ўргичидаги дон нобудгарчилиги 5,34 фоиз ва доннинг шикастланиши 7,8 фоизга тенг бўлиб, белгиланган талаблардан юқоридир. Шу сабабли кейинги тадқиқотларда сояни йиғштириш учун комбайн ўргичи ва янчгичининг дон нобудгарчилиги ва шикастланишини камайтирадиган параметр ва иш режимларини аниқлаш керак бўлади.

№	Адабиётлар	References
1	Астанақулов К. Механик ва пневматик экиш аппаратларини соя уруғини экишда тадқиқ этиш // Irrigatsiya va Melioratsiya журналі. – Тошкент, 2018. – №4(14). – Б.70-74	K.D.Astanakulov. <i>Mekhanik va pnevmatik ekish apparatlarini soya urugini ekishda tadqiq etish</i> [Researching mechanical and pneumatic sowing device as sowing the seed of soybean]. Journal Irrigatsiya va Melioratsiya. Tashkent, 2018. No. 4.Pp.70-74. (in Uzbek)
2	Астанақулов К. Турли шароитларда сояни талаб даражасида экиш ва йиғштириш учун техника воситаларини мослаштириш ва такомиллаштириш // Фан ва таълимни ривожлантиришда ёшларнинг ўрни: Республика миқёсидаги илмий ва илмий-техник конференция материаллари, Тошкент: ЎзФА Навоий бўлими, 20-21 декабр 2018. – Б.132-134.	K.D.Astanakulov. <i>Turli sharoitlarda soyani talab darajasida ekish va yigishtirish uchun texnika vositalarini moslashtirish</i> [Adaptation and development the technical means for sowing and harvesting at the level of demand in different condition] Place of youth at development science and education: Materials of the republican scientific and scientific-technical conference. Tashkent, UzScANavai branch, 20–21 of December, 2018. Pp.132-134. (in Uzbek)
3	Нематов У.М., Исашов А. Такрорий экилган соя ўсимлиги даласининг умумий сув истеъмоли // Irrigatsiya va Melioratsiya журналі. – Тошкент, 2019. Махсус сон. – Б. 33-36.	Nematov U.M., Isashov A. <i>Takroriy ekilgan soya usimligi dalasining umumiy suv iste'moli</i> [Total water consumption of the field of re-sowing]. Journal Irrigatsiya va Melioratsiya. Tashkent, 2019. Special number. Pp.33-36. (in Uzbek)
4	Бумбар И.В. Совершенствование технологического процесса работы зерноуборочного комбайна на уборке сои: Автореф. дис. ... док. тех. наук. – Новосибирск: СибМЭИ, 1992. – 46 с.	Bumbar I.V. <i>Sovershenstvovanie tekhnologicheskogo protsessa raboti zernouborochnogo kombayna na uborke soi</i> [Development technological process of working of the cereal harvester combine at soybean harvesting]: Abstract. Diss. ...DSc. Novosibirsk: SibMEI, 1992. 46 p. (in Russian)
5	Парубенко А.В. Пневматическое приспособление к жатке для снижения потерь сои при уборке: Автореф. дис. ... канд. тех. наук. – Новосибирск: СибМЭИ, 1997. – 20 с.	Parubenko A.B. <i>Pnevmaticheskoye prisposobleniye k zhatke dlya snizheniya poteri soi pri uborke</i> : [Pneumatic adjustment to header for decreasing losses of soybean at harvesting] Abstract. Diss. ... can.tech.sc. Novosibirsk: SibMEI, 1997. 20 p. (in Russian)
6	Ожигова Н.М. Совершенствование теории и методов технологического воздействия при уборке сои в условиях Амурской области: Автореф. дис. ... канд. тех. наук. – Новосибирск: ДальГАУ, 2005. – 24 с.	Ojigova N.M. <i>Sovershenstvovaniye teorii i metodov tekhnologicheskogo vozdeystviya pri uborke soi v usloviyakh Amurskoy oblasti</i> [Development theory and methods technological influence during harvesting of soybean in Amur region]: Abstract. Diss. ... can.tech.sc. Novosibirsk: DalSAU, 2005. 24 p. (in Russian)
7	Вязмин М.И. Повышение эффективности работы жатвенной части зерноуборочного комбайна "JOHNDEER 1048" на уборке сои в условиях Амурской области: Автореф. дис. ... канд. тех. наук. – Новосибирск: ДальГАУ, 2011. – 19 с.	Vyazmin M.I. <i>Povysheniye effektivnosti raboty zhatvenoy chasti zernouborochnogo kombayna "JOHN DEER 1048" na uborke soi v usloviyakh Amurskoy oblasti</i> [Increasing efficiency the working of reaping hook unit of cereal harvesting combine "JOHNDEER 1048" at harvesting soybean in Amur region]: Abstract. Diss. ...can.tech.sc. Novosibirsk: DalSAU, 2011. 19 p. (in Russian)
8	Vejasit A., Salokhe V.M. Studies on Machine-Crop Parameters of an Axial Flow Thresher for Threshing Soybean. TRANSACTIONS of the ASAE. USA, 2004. Vol.31, No. 4. Pp. 40-44.	Vejasit A., Salokhe V.M. Studies on Machine-Crop Parameters of an Axial Flow Thresher for Threshing Soybean. TRANSACTIONS of the ASAE. USA, 2004. Vol.31, No. 4. Pp.40-44.
9	Musoni S., Nazare R.M., Mukosera L. Mechanisation of Soya Bean Harvesting For Small and Medium Scale Farmers in Zimbabwe. IOSR Journal of Agriculture and Veterinary Science. 2013. Vol. 4, Issue 1. Pp. 51-57.	Musoni S., Nazare R.M., Mukosera L. Mechanisation of Soya Bean Harvesting For Small and Medium Scale Farmers in Zimbabwe. IOSR Journal of Agriculture and Veterinary Science. 2013. Vol. 4, Issue 1. Pp. 51-57.
10	Timothy A.A., Osakpamwan A.B., Osaivbie I.E. Evaluation of a soybean threshing machine for small scale farmers. TRANSACTIONS of the ASAE. USA, 2016. Vol.18, No.2. Pp. 426-434.	Timothy A.A., Osakpamwan A.B., Osaivbie I.E. Evaluation of a soybean threshing machine for small scale farmers. TRANSACTIONS of the ASAE. USA, 2016. Vol.18, No.2. Pp. 426-434.
11	Griffin J.L., Jones C.A., Etheredge L.M., Boudreaux J.J., Lanclos D.Y.. Harvest Aids in Soybeans-Application Timing and Value. Louisiana State University Agriculture Research and Extension Center. 2002. 22 p.	Griffin J.L., Jones C.A., Etheredge L.M., Boudreaux J.J., Lanclos D.Y.. Harvest Aids in Soybeans-Application Timing and Value. Louisiana State University Agriculture Research and Extension Center. 2002. 22 p.

12	Santana A.C., Carrão-Panizzi M.C., Mandarino J.G., Leite R.S., da Silva J.B., Ida E.I. Effect of harvest at different times of day on the physical and chemical characteristics of vegetable-type soybean. <i>Ciência e Tecnologia de Alimentos</i> , Campinas. Brasil,2012. vol.32 (2). Pp.351-356.	Santana A.C., Carrão-Panizzi M.C., Mandarino J.G., Leite R.S., da Silva J.B., Ida E.I. Effect of harvest at different times of day on the physical and chemical characteristics of vegetable-type soybean. <i>Ciência e Tecnologia de Alimentos</i> , Campinas. Brasil,2012. vol.32 (2). Pp.351-356.
13	Abbasi Surki A., Sharifzadeh F., Tavakkol Afshari R. Effect of drying conditions and harvest time on soybean seed viability and deterioration under different storage temperature. <i>African Journal of Agricultural Research</i> 18 September, 2012. Vol. 7(36), Pp. 5118-5127.	Abbasi Surki A., Sharifzadeh F., Tavakkol Afshari R. Effect of drying conditions and harvest time on soybean seed viability and deterioration under different storage temperature. <i>African Journal of Agricultural Research</i> 18 September, 2012. Vol. 7(36), Pp. 5118-5127.
14	Gaikwad A.P., Bharud R.W. Effect of Time of Harvesting on Physical and Chemical Properties of Soybean (<i>Glycine max M.</i>) Seed. <i>International Journal of Current Microbiology and Applied Sciences</i> . 2017. Vol.6 (4).Pp. 1092-1097.	Gaikwad A.P., Bharud R.W. Effect of Time of Harvesting on Physical and Chemical Properties of Soybean (<i>Glycine max M.</i>) Seed. <i>International Journal of Current Microbiology and Applied Sciences</i> . 2017. Vol.6(4). Pp. 1092-1097.
15	Philbrook, B.D., Oplinger E.S.. Soybean field losses as influenced by harvest delays. <i>Agronomy Journal</i> . 2014. Vol. 81. Pp.251-258.	Philbrook, B.D., Oplinger E.S.. Soybean field losses as influenced by harvest delays. <i>Agronomy Journal</i> . 2014. Vol. 81. Pp.251-258.
16	S-Series Combine and Front End Equipment Optimization. "Ready To Harvest" for Soybeans and Grain Quality. John Deere Harvester Works. 21 p.	S-Series Combine and Front End Equipment Optimization. "Ready To Harvest" for Soybeans and Grain Quality. John Deere Harvester Works. 21 p.
17	Butzen S. Reducing Harvest Losses in Soybeans. <i>FIELD FACTS</i> . 2015. Vol.9. No.18. 2 p.	Butzen S. Reducing Harvest Losses in Soybeans. <i>FIELD FACTS</i> . 2015. Vol.9. No.18. 2 p.
18	Paixão C.S.S., da Silva R.P., Voltarelli M.A., Cassia M.T., Tavares T.O. Efficiency and losses in mechanical harvesting of soybeans due to the plots format. <i>Australian Journal of Crop Science</i> . 2016.No.10. Pp. 765-770.	Paixão C.S.S., da Silva R.P., Voltarelli M.A., Cassia M.T., Tavares T.O. Efficiency and losses in mechanical harvesting of soybeans due to the plots format. <i>Australian Journal of Crop Science</i> . 2016.No.10. Pp. 765-770.
19	Sharda A., HaagL..Harvesting Soybeans. Soybean Production Handbook. Kansas State University Agricultural Experiment Station and Cooperative Extension Service. 2016. 52 p.	Sharda A., HaagL..Harvesting Soybeans. Soybean Production Handbook. Kansas State University Agricultural Experiment Station and Cooperative Extension Service. 2016. 52 p.
20	Bushchermohle M.J., McNeill. S.G. Drying, Handling and Storing Soybeans in Tennessee. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdf	Bushchermohle M.J., McNeill. S.G. Drying, Handling and Storing Soybeans in Tennessee. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdf
21	Hamilton H.E., Loewer Jr.O.J., Overhults D.G.. Harvesting, Drying and Storing Soybeans. UK CES AEN-25. 1973. http://dept.ca.uky.edu/agc/pub_prefix.asp?series	Hamilton H.E., Loewer Jr.O.J.,Overhults D.G.. Harvesting, Drying and Storing Soybeans. UK CES AEN-25. 1973. http://dept.ca.uky.edu/agc/pub_prefix.asp?series
22	Helsel Z.R., Minor H.C. Soybean Production in Missouri University. Missouri Extension Service. Pub. G4410. 1993. www.extension.missouri.edu/p/G4410 .	Helsel Z.R., Minor H.C. Soybean Production in Missouri University. Missouri Extension Service. Pub. G4410. 1993. www.extension.missouri.edu/p/G4410 .
23	Hurburgh C.R. Soybean Drying and Storage. Iowa State University Extension. PM-1636. 2008. https://store.extension.iastate.edu/Product/Soybean-Drying-and-Storage .	Hurburgh C.R. Soybean Drying and Storage. Iowa State University Extension. PM-1636. 2008. https://store.extension.iastate.edu/Product/Soybean-Drying-and-Storage .
24	Willis J.B. Combining Soybeans Efficiently. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdf	Willis J.B. Combining Soybeans Efficiently. In: Soybean Production in Tennessee. UT Agriculture Extension Service. PB-1608.1997. https://extension.tennessee.edu/publications/Documents/PB1608.pdf
25	Астанакулов К.Д., Расулов А.Д. Мош дони ўлчамларининг корреляциявий боғлиқлиги ва фракциявий таксимотини аниқлаш // <i>Irrigatsiya va Melioratsiya</i> журналі. – Тошкент, 2019. Махсус сон. – Б. 95-99.	Astanakulov K.D., Rasulov A.D. <i>Mosh doni ulchamlarining korrelyatsiyaviy bog'likligi va fraktsiyaviy taksimotini aniklash</i> [Determination of correlationanl dependence and fractional delivery of mung bean grain dimensions]. <i>Journal Irrigatsiya va Melioratsiya</i> . Tashkent, 2019. Special number. Pp.95-99. (in Uzbek)
26	Кобзарь А.И. Прикладная математическая статистика. Для инженеров и научных работников. – Москва: Физматлит, 2006. – 816 с.	Kobzar A.I. <i>Prikladnaya matematicheskaya statistika</i> [Applied mathematical statistics]. For engineers and scientific-employees. Moscow: PhysMathlit, 2006. 816 p. (in Russian)

УЎТ: : 631.3:633.11

ЃЎЗА ҚАТОР ОРЛАРИГА КУЗГИ БЎҒДОЙ ЭКИШНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШНИНГ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ЕЧИМИ

А.К. Игамбердиев - т.ф.д., доцент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада ғўза қатор ораси тупроғига кузги бўғдой экиш олдидан агротехник талаб даражасида ишлов берадиган, яхши уваланган тупроқ қатламини ҳосил қиладиган энергиятежамкор самарали технология ва уни таъминлайдиган техник восита ишлаб чиқилганлиги натижасида кузги бўғдойни экиш олдидан сифатли ишлов берилган тупроққа экиш, униб чиққан бўғдой уруғларининг қаторчаларда ва кўндаланг кесим бўйича бир текис жойлаштириш, бошоқларнинг йирик ва сонининг кўплигига, етиштирилган ҳосилнинг амалдаги усулга нисбатан гектарига 68,2 центнергача юқори ҳосил олишга эришиш мумкинлиги, иш унумини 26 фоизга орттириш, фойдаланиш харажатларини 20,6 фоизга камайтириш имконини бериши бўйича тадқиқот натижалари берилган.

Таянч сўзлар: ғўза, ишлов бериш, ишчи органлар, энергиятежамкор технология, экич, профиль, кўндаланг кесим, қатламлар ишлов бериш, ҳосилдорлик, агротехника, экиш, сеялка, тупроқ, механизациялаш, ишлов бериш жараёни, юмшатиш чуқурлиги, ўткирланиш бурчаги, сирпаниб кесиш.

НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКОЕ РЕШЕНИЕ МЕХАНИЗИРОВАННОГО ПОСЕВА ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В МЕЖДУРЯДЬЯ ХЛОПЧАТНИКА

А.К. Игамбердиев - д.т.н., доцент

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье приведены результаты исследований возможности получения высокой урожайности озимой пшеницы до 68,2 ц/га по сравнению с обычным разбросным способом, благодаря применению разработанной энергосберегающей технологии и технических средств, обеспечивающих качественную предпосевную обработку по агротехническим требованиям, равномерного всхода по продольным и поперечным сечениям междурядий хлопчатника, получения большего количества крупных колосьев, дающих возможность увеличения производительности на 26% и уменьшение эксплуатационных затрат на 20,6%.

Ключевые слова: хлопчатник, обработка, рабочие органы, энергосберегающая технология, сошник, профиль, поперечное сечение, послонная обработка, урожайность, агротехника, посев, сеялка, почва, механизация, обработка, глубина рыхления, угол заострения, резание со скольжением.

SCIENTIFIC AND TECHNICAL DECISION OF THE MECHANIZED SEEDING OF WINTER WHEAT IN THE COTTON BETWEEN

А.К. Igamberdiev - d.t.s., associate professor, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

The article presents the results of studies on the possibility of obtaining high yields of winter wheat up to 68.2 c / ha in comparison with the usual scattering method, due to the use of the developed energy-saving technology and technical means, providing high-quality pre-sowing processing according to agrotechnical requirements, uniform seedling along longitudinal and cross sections cotton aisle, obtaining a larger number of large ears, giving the opportunity to increase productivity by 26% and reduce exploitation national costs by 20.6%.

Key words: cotton, processing, working bodies, energy-saving technology, opener, profile, cross section, layer-by-layer processing, productivity, agricultural machinery, sowing, seeder, soil, mechanization, processing, cultivation depth, angle of sharpening, cutting with sliding.

Кириш. Жаҳонда ғалла ва бошқа донли экинларни экиш технологиялари ва техник воситаларини яратиш асосида ишлаб чиқаришни самарали ўсишини таъминлаш муҳим ўрин эгаллайди. “Ҳозирги кунда дунё миқёсида 215 млн. гектардан ортик майдонга ғалла экилиб, йилига 730 млн. тоннадан кўпроқ дон ҳосили етиштирилмоқда” [1]. Дунё бўйича дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни истеъмол қилиш даражасининг ортиб бориши сабабли ғалладан юқори ҳосил олиш учун тупроққа сифатли ишлов берадиган ва экадиган ресурстежамкор, техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашган техника воситаларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳон амалиётида бўғдой

экиш технологик жараёнларига, экиш олдидан тупроққа сифатли ишлов беришга, бўғдой уруғларини аниқ экишга, уларни тупроқ остида текис тақсимланишини таъминлайдиган техника ва технологияларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишда бўғдой уруғларини тупроққа бир йўла ишлов бериб экиш усули билан энергия тежамкорлигини, сифатли ишлов берилган майдондан самарали фойдаланиш, экиш аппаратларининг барқарор ишлашини таъминлаш ва уруғларни белгиланган меъёрда экиш усуллари билан ресурстежамкорликни таъминлаш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикаларда суғориладиган ерлардан унумли фойдаланишга, қишлоқ хўжалик экинларидан, жумладан, ғалладан юқори ҳосил олишни таъминловчи замонавий юқори самардорликка эга бўлган ресурстежамкор техника ва технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада ғўза қатор ораларига кузги буғдой экадиган агрегатларни ишлаб чиқариш амалга оширилиб, муайян натижаларга, жумладан, 7,5 млн. тоннадан ортиқ буғдой етиштиришга эришилди. Ушбу йўналишда, жумладан, ғўза қатор ораларига мос параметрларда экиш олдидан тупроққа сифатли ишлов берадиган ва кузги буғдой экадиган, параметрлари такомиллаштирилган, энегия-ресурстежамкорликни таъминлайдиган агрегатларни ишлаб чиқиш зарур ҳисобланмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмига икки баробардан зиёд кўпайтириш, ... 2017–2020 йилларга мўлжалланган экин майдонларини оптималлаштириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, замонавий интенсив агротехнологияларни жорий этиш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан тупроққа сифатли ишлов берадиган ва экадиган, техника воситаларини техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳисобига кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш ва унинг таннархини пасайтириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган муаммонинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили. Ғалла ва бошқа донли экинларни экиш технологиялари ва техника воситаларини яратиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Agricultural Research Centre (АҚШ), University Hohenheim (Германия), Латвия қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (Латвия), Natural Resourc Institute (Австралия), Бутунроссия қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, К.А.Тимирязев номидаги Россия Давлат аграр университети, В.П.Горячкин номидаги Москва Давлат агроинженерия университети (Россия), Беларуссия Давлат қишлоқ хўжалиги академияси (Беларуссия), Украина қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (Украина), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ), Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (ҚХМЭИ) (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Ғалла экиш технологиялари ва техника воситаларини яратиш бўйича жаҳонда олиб бориладиган илмий-амалий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: очиқ майдонларга буғдой экадиган сеялкаларнинг пасив бир диски, икки диски, уч диски, анкерли экичларнинг тупроққа таъсир кўрсатадиган параметрларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган (Agricultural Research Centre, АҚШ); донли экинлар уруғларини экишнинг пневмомеханик усули, яъни уруғларни умумий массадан ажратиб олишнинг пневматик, экичларга етказиб беришнинг механик усули ҳамда пасив ишчи қисми, қирқилган, гофрли диски пичоқлар ва икки диски экичлар билан ёпишқоқ, намлиги юқори тупроқларни сифатли майдаланишни таъминлаб экиш усуллари ишлаб чиқилган (National Institute of Agricultural Research, Франция); дон уруғларини тупроқ остига сепадиган ишчи органларнинг параметрларини асослаш, бир йўла ишлов берадиган ва экадиган агрегатларнинг функцияланиш моделлари, уларни ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилган (Бутунроссия қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти, Россия).

Дунёда буғдой экиш технологиялари ва техника воситаларини такомиллаштириш бўйича, қатор устувор йўналиш-

ларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: буғдой уруғларини аниқ экишни таъминлайдиган пневматик экиш аппаратларини уруғларни массадан ажратиб олишни такомиллаштириш; уруғларни тупроқ остига сепадиган ишчи органларнинг автотебраниши ҳисобига донли уруғларни тупроқ остига текис тақсимланиши ва барқарор функцияланишини таъминлайдиган илмий-техник ечимлар ишлаб чиқиш; бир йўла ишлов бериб, пушта юзаси бўйича бир хил чуқурликда экиш сифатини таъминлайдиган, юқори иш унумлилик билан ишлайдиган, замонавий энергия ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш.

Тупроқнинг хоссаларини яхшилаш, ғалла экишнинг энергия ресурстежамкор технологияларини такомиллаштириш, экиш олдидан ишлов берадиган ва экадиган машиналар ишчи органлари тизимининг тупроқ билан ўзаро таъсирлашуви назариясини такомиллаштириш, буғдой уруғларини тупроқ остига сепиш ва экиш чуқурлиги бўйича текис тақсимланишини таъминловчи самарали технологиялар ва ишчи органларнинг конструкцияларини яратиш соҳасида илмий тадқиқотлар бир қатор хорижий ва республикамиз олимлари, жумладан: Ф.М.Ерплин (АҚШ), К.Дирк (Германия), П.Я.Лобачевский, С.Г.Ломакин, А.Б.Лурье, Е.И.Давидсон, В.В.Демчук, И.Д.Комаристов, М.К.Амирханов, А. И.Беднов, Г.М.Бузенков, В.К.Бурлаков, Х.С.Гайнанов, А.П.Глотов, В.Г.Гнизюмов, Г.К.Демидов, С.А.Ивженко, М.Х.Каскулов, А.Я.Карпенко, М.Б.Ероков, А.С.Архипов, Ю.В.Поздняков, Л.М.Максимов, М.А.Адуов, М.М.Земдиханов, А.Н.Смирнов, С.В.Кардашевский, Е.И.Борисенко, А.И.Викторов, В.Г.Демидов, Б.Ломакин, Ю.А.Вейс, Н.А.Набатян (Россия), В.И.Ильин (Беларуссия), С.А.Нукушев, Е.Ж.Каспаков, Ж.Б.Абильденов, Т.К.Тулегенов, К.Г.Исенов, М.Р.Рахимжанов (Қозоғистон), А.Тўхтақўзиев, Т.С.Худойбердиев, И.Т.Эргашев, Н.Ф.Бойбобоев, А.Қорахонов, А.Ибрагимов, М.Мансуров, А.Аманов, А.Жахонгиров, Ж.Мухамедов, Ф.Ўришев, Р.Қамбаров, А.Вахобов, А.Мирзаахмедов, Р.Муродов ва бошқаларнинг назарий ва тажрибавий тадқиқотларида кўриб чиқилган ва муҳим натижаларга эришилган [2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17].

Лекин, амалга оширилган тадқиқотлар шудгорланиб, экишга тайёрланган очиқ майдонлар учун аҳамиятли бўлиб, эгатли майдонлар, жумладан, ғўза қатор оралари тупроқ шароити бўйича экиш олдидан тупроққа мукамал ишлов берадиган ва белгиланган муддат, меъёр ҳамда чуқурликда сифатли экадиган машиналарнинг параметрларини асослаш ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли олиб борилмаган.

Таҳлиллар натижалари ғўза қатор оралари тупроғига кузги буғдой экиш олдидан сифатли ишлов бериш ва экишни тўла таъминлайдиган самарали, энергиятежамкор технологияларнинг республикамиз шароитида тўла жорий этилмаганлиги кузги буғдойдан барқарор юқори ҳосил олиш имконини бераётгани, кузатувлар ва тажрибалар фермерлар томонидан фойдаланиб келинаётган НРУ-0,5 ўғитсочгич, сепиш мосламаси билан жиҳозланган КХУ-4 чопиқ культиватори ва ишлаб чиқилган сеялкалар буғдой уруғларини экиш кўрсаткичлари бўйича агротехника талабларига тўла жавоб берадиганлиги, буғдой уруғларининг тупроққа чуқурроқ тушиш тўлиқлиги қолган жойларда қалин ўсиб чиқиши, тупроқдаги намликнинг етишмаслиги натижасида суст униб чиқиши, яъни 14-16 кунда 85-90 фоизни, 20 кундан кейин 95 фоизни ташкил этиши, бир ва икки марта ишлов берилган қатор оралари профилли ўртасида эгат ва пушта ёнлари бўйича тупроқ нотекислигининг ортиши, шаклининг ўзгариши, кўндаланг ва бўйлама кесимлари бўйича ҳам нотекисликларнинг мавжудлиги уруғларни экиш технологик жараёнига сезиларли таъсир этиши, ишлов берилгандан кейин намликнинг жадал йўқотилишини кўрсатди.

Ечиш услублари. Экиш олдидан тупроққа ишлов берадиган ва кузги буғдойни белгиланган чуқурликда экадиган технологиялар такомиллаштирилган ва уни таъминловчи ишчи органларнинг конструктив параметрлари асосланган, жумладан: экиш олдидан тупроққа қатламлаб ишлов берадиган, кузги буғдой экадиган технологиялар асосида ишчи органларнинг параметрларини тупроққа таъсир этиш жараёни ва экиш сифатига боғлиқлиги асосланган; экиш олдидан тупроққа қатламлаб ишлов бериш ва кузги буғдойни белгиланган чуқурликка экишни таъминлайдиган ишчи органларнинг рационал параметрлари ишлаб чиқилган, уларнинг сифат ва энергия сарфи кўрсаткичлари аниқланган; ғўза қатор ораларига ишлов беришда ва экишда тупроқларни деформацияланиш, уваланиш, эгатчалар ҳосил қилиш, экиш жараёнларини таъминлаш усуллари ишчи органларни қатламлаб ишлов бериш, эгатнинг кўндаланг кесим профили бўйича мослаш усули билан такомиллаштирилган ҳамда уларнинг мақбул параметрлари асосланган; экиш олдидан тупроққа қатламлаб ишлов бериб, унинг юқори уваланиш даражасини таъминлайдиган ва кузги буғдойни белгиланган чуқурликда экиб, текис юзали эгат шакллантирадиган машиналарнинг энергия-ресурстежамкорликни таъминловчи технологик ва конструктив схемалари ишлаб чиқилган.


Натижалар. Униб чиққан буғдой уруғларини қаторчаларда ва кўндаланг кесим бўйича бир текис жойлашишни таъминловчи η коэффициент қабул қилинди. Бу мезон ғўза қатор оралари профили бўйича шакллантирадиган қаторчаларнинг ораси кенг бўлганда экиш меъёрининг кам, тор бўлганда кўп бўлишини, ғўза қатор ораларига тор қаторлаб экиш усули уруғлар унувчанлигининг юқорилиги, бошоқларнинг йирик ва сонининг кўп бўлишини, буғдойларни сочиш усули билан етиштиришга нисбатан деярли 40,4-68,2% оралиғида кўп ҳосил олиш имконини бериши аниқланди. Бундан ташқари, экиш усули ва меъёри бўйича қўйилган тажрибалардан олинган натижалар гектарига 200 кг экиш меъёрида ҳосилдор пояларнинг назоратга нисбатан 23% га, бошоқдаги буғдойлар сонининг 38 фоизга кўп бўлишини кўрсатди. Бир дискли, анкерли, сирпанма эчкичлар билан ғўза қатор ораси профили бўйича эгатчалар ҳосил қилиш ва кўмиш технологик жараёнлари назарий ва тажрибавий жиҳатдан тадқиқ этилганда бир дискли эчкичлар ғўза қатор оралари шакллантирган эгатчалар профилига мос келмаслиги, буғдой уруғларини сифатли экиш имконини тўла бермаслиги, агрегат ҳаракати тезлигининг ўзгариши сифат ва энергия сарфининг ўзгаришига олиб келди. Сирпанма шаклли эчкичлар экишга қўйилган агротехник талабларни сифатли бажаришга яроқлилигини кўрсатди.

Ўза қатор ораларига кузги буғдой экиш олдидан сифатли ишлов беришни таъминловчи самарали технология (1-расм) ва уни амалга оширадиган ишчи органларнинг тупроқ қатлами ва бегона ўтларни сирпаниб кесувчи параметрлари, уларнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарорлик шартлари тадқиқ этилди. Натижада ғўза қатор ораси тупроғига кузги буғдой экиш олдидан агротехник талаб даражасида ишлов берадиган, яхши уваланган тупроқ қатламини ҳосил қиладиган энергиятежамкор самарали технология ва уни таъминлайдиган техник восита ишлаб чиқилди.

Тавсия этилган технологияда қатор ораси тупроғига қатламлаб ишлов бериш кўзда тутилди ва бу технологияда қатламлар бўйича ишлов бериш кенгликлари қуйидаги шартга бўйсинди $b_1 > b_2 > b_3$, (1)

бунда b_1, b_2, b_3 , - мос ҳолда ишчи органларнинг қатор орасига биринчи, иккинчи ва учинчи қатламлар бўйича қатламли ишлов бериш кенгликлари, м.

Шартга кўра ишлов бериш кенгликлари қуйидагича аниқланди. $b_1 = b_2 + 2h_2 \text{ctg} \psi_{\text{ен}}; b_2 = b_3 + 2h_3 \text{ctg} \psi_{\text{ен}}$, (2)
бунда h_2, h_3 - тупроқнинг биринчи, иккинчи ва учинчи



1-расм. Ишлов бериш юзасининг қатламлар бўйича тақсимланиш схемаси

ишлов бериладиган қатламларининг қалинликлари, м; $\psi_{\text{ен}}$ - тупроқнинг ёнга синиш бурчаги, град.


Шартга кўра тупроқнинг биринчи қатламига ишлов беришда тарқаладиган тупроқ деформациясининг кенглиги $A_{\text{дефл}}$ ғўза қатор ораси кенглигидан кичик ёки тенг бўлишига эътибор берилди, яъни

$$A_{\text{дефл}} = b_1 + 2h_1 \text{ctg} \psi_{\text{ен}} \leq A_{\text{ёку}} \quad A_{\text{дефл}} = 2(\Delta z + b_m) + 2h_1 \text{ctg} \psi_{\text{ен}} \quad (3)$$

бунда Δz - биринчи қатламга ишлов бериладиган тишгача бўлган масофа, м; b_m - эгатнинг четки пуштаси тупроғининг биринчи қатламига ишлов берадиган тиш кенглиги, м; b_1 - эгат пуштасининг ўнг ва чап томонларига ишлов бериладиган кенглик, м; h_1 - тупроқнинг биринчи қатламига ишлов бериладиган чуқурлик, м.

Тупроқнинг биринчи қатламига ишлов берадиган чап ва ўнг томонли тишлар қамров кенглигининг 5 см. дан 25 см. гача, юмшатиш α_m бурчагининг 15° дан 35° бўлган оралик қийматларида (3) ифода бўйича тупроқ деформациясининг тарқалиш кенглиги аниқланди (2-расм).

Тасдиқлаш. Тавсия этилган технология агротехник талаб даражасида бажарилиши учун, икки томондан 7-8 см ҳимоя зонасини қолдириш ҳисобига, тупроқнинг биринчи ва иккинчи қатламига ишлов берадиган тишларнинг $b_{m1} = 17 \text{ см}$, $b_{m2} = 17 \text{ см}$, $\alpha_m = 26^{\circ}50'$ қийматлари мақбул параметрлар деб қабул қилинди. Тишларнинг тиғи бўйлаб тупроқ ва ўсимлик



2-расм. Тупроқ деформациясининг тарқалиш кенглигини тишнинг қамров кенглиги b_m ва юмшатиш ат бурчагига боғлиқ равишда ўзгариш графикалари

қолдиқларининг сирпанишига қуйидаги шарт қўйилди:

$$\gamma < 90^{\circ} - \max(\varphi_c, \varphi_y) \quad (4)$$

бунда φ_c - тупроқнинг энг катта ташқи ишқаланиш бурчаги, град; φ_y - ўсимликнинг энг катта ташқи ишқаланиш бурчаги, град.

Ўза қатор ораларига ишлов берадиган уч ёнли тишнинг тупроқ ва бегона ўтларни кесадиган асосий параметрлари ҳисобланган ўткирланиш β ва ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш γ бурчақларининг мақбул $\beta = 30^{\circ}$, $\gamma = 30^{\circ}$ қийматлари аниқланди.

Учинчи тупроқ қатламини юмшатадиган тиш таъсири остида тупроқ палаҳаси силжиш ҳисобига парчланади

деган фараз қабул қилинди ва синиш бурчаги В.П.Горячкин формуласига асосан аниқланди:

$$\psi_{\phi} = 90^{\circ} - 0,5 (\alpha_m + \phi_n + \phi_c), \quad (5)$$

бунда; α_m – тишнинг тупроққа кириш бурчаги, град; ϕ_n , ϕ_c – тупроқнинг ички ва ташқи ишқаланиш бурчаклари, град.

Учинчи қатламни юмшатадиган тишнинг узунлиги тупроқ палахсасини самарали парчаланишини таъминловчи формула ишлаб чиқилди ва тавсия этилди:

$$L_{мин} = n \cdot T_{\phi} \frac{h \cdot (0,5\rho \cdot g \cdot h + C_{\phi} \operatorname{ctg} \varphi_m) \operatorname{tg} \psi_{\phi} \cos \alpha_m \cos \varphi_m}{(q \cdot v \cdot t \cdot \sin \alpha_m \cdot \sin \psi_{\phi} - \rho \cdot g \cdot (2h - h_{\phi}) \cos^2 \varphi_c) \cos \varphi_m}; \quad (6)$$

бунда: n – тишнинг тупроққа таъсир этишдаги иш шароитини белгиловчи кўрсаткич (икки томонлама ёпиқ шароитда $n=2$); T_{ϕ} – тупроқ физик-механик хоссаларининг функцияси; ρ – тупроқ зичлиги, кг/м^3 , h – ишлов бериш чуқурлиги, м; C_{ϕ} – тупроқнинг илашиш коэффициентини, Па ; q – тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициентини, Н/м^3 ; v – тишнинг таъсир тезлиги, м/с ; t – таъсир этиш вақти, с; ψ_{ϕ} – тупроқнинг бўйлама синиш бурчаги, град; h_{ϕ} – тупроқни тишнинг юзи бўйича кутарилиш баландлиги, м.


Экиш олдидан тупроққа сифатли ишлов берадиган, ғўза қатор ораси эгатининг чети ва чуқурлиги бўйича тупроққа ботиб юрадиган, ички ва ташқи диаметрларга эга бўлган, кесакларни увалаш ва таянч ғилдирак функциясини бажарадиган ғалтак тавсия этилди. Бунинг учун ғалтакнинг шакли ғўза қатор ораси эгати профилига мос, тупроқ қатлами ва кесакларни майдалаш шароити бутун кенглиги бўйича бир хил кечадиган, пичоқлари тупроқ зарралари ва кесакларга тик таъсир этадиган шарт бўйича қабул қилинди.

Шартга кўра ғалтакнинг кичик r_{\min} радиуси қуйидаги ифода билан аниқланиши тавсия этилди (3-расм):

$$r_{\min} = r_k \cdot \operatorname{ctg}^2 \left(\frac{\phi_c + \phi_m}{2} \right) + \frac{h_1 - h_2}{1 - \cos(\phi_c + \phi_m)} \quad (7)$$

бунда r_k – кесакнинг радиуси, м; h_1 – ғалтакнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м; h_2 – кесакнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м. $r_k = 0,05 \text{ м}$, $h_1 = 0,03 \text{ м}$, $h_2 = 0,01 \text{ м}$, $\varphi_c = 33,0$, $\varphi_m = 48,0$ қийматларда ғалтакнинг кичик радиуси $r_{\min} = 0,0920 \text{ м}$, катта радиуси $r_{\max} = 0,2395 \text{ м}$ қийматларда қабул қилинди.

Ғалтак кесаклар билан тўқнашганда олдида уюм ҳосил бўлиш эҳтимолининг юқори бўлиши унинг пичоқлар билан жиҳозланишига асос бўлди. Кесакдаги намлик кам бўлганида у кам деформацияланиши, дастлабки контакт босимдан дарз кетиш эҳтимолининг юқори, пичоқ тиғининг кесакка таъсир этиш контакт юзаси катта босим билан дастлабки фазаларда самарали бўлиши, қолган фазаларда тиғ еми-



3-расм. Ғалтакнинг ички радиусининг аниқлаш схемаси

рилган кесакни сирпаниб кесиб кетиш ҳодисаси рўй бериши мумкинлиги асосида пичоқ контакт нуқтадан маълум бурчакка бурилганда, кейинги контакт нуқтага етмасдан кесакда емирилиш ҳодисаси рўй бериши, сирпаниш коэффициентининг камайиши, пичоқ тиғининг самарали узунлигини танлаб олиш имкони борлиги, қаршилиқнинг камайишига олиб келиши очиб берилди [18, 19]. Ишчи органларнинг ишлов бериш чуқурлиги бўйича барқарорлиги, ғалтак ғўза қатор орасининг шакли ва кенлиги бўйича белгиланган талаб асосида ўз функциясини бажариши учун кўшимча пружина кучидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тавсия

этилди. Натижада ғалтакнинг ғўза қатор ораси тупроғига доимий босим кўрсатиши учун пружина ҳосил қилинадиган куч 472 Н дан 1425 Н гача ростланиши тавсия этилди.

Янги конструкциядаги содда, пичоқли сирпанма экиш ишлаб чиқилди ва унинг параметрлари, иш режимлари назарий ҳамда тажрибавий жиҳатдан тадқиқ этилди (4-расм).

Илмий изланишлар ва дала тадқиқотлари натижалари пичоқли сирпанма экишнинг янги конструкциясини яратишга асос бўлди. Техник ечимнинг янгилиги UZ FAP 00721 ва UZ FAP 00722 рақамли патентлар билан ҳимоя қилинди [20, 21]. Бунда ғўза қатор ораси эгати профилига мослаштирилган пичоқли сирпанма экишда технологик жараён қуйидагича кечади [22]. Экишнинг асосларида пичоқлар тупроққа



4-расм. Ғўза қатор ораси тупроғига кузги бугдой экиш олдидан қатламли ва сифатли ишлов берадиган техник восита

ўтмас бурчак билан ботади ва тупроқни сирпаниб кесади. Экиш жараёнида пичоқлар $h_{\text{юм}}$ чуқурликка ботиб тупроқни юмшатиб, h_2 экиш чуқурлигига мос эгатчалар ҳосил қилади. Ҳар бир пичоқнинг орқа томонида жойлаштирилган дон ўтказувчи қувурлар ҳосил қилинган эгатчалар тағини бир оз зичлаб бугдой уруғини ташлаб кетади. Пичоқлар экишнинг ўнг ва чап қанотлари ҳамда асосларига жойлаштирилган, уруғ ўтказувчи қувурлар ёрдамида уруғларнинг эгатчалар тубига оқиб тушиш, тупроқ зарраларининг табиий оғиш бурчак билан уни тўлдириш ва асосларнинг сирпанишидан экиш жараёни амалга оширилади (5-расм).

Экишнинг ўнг ва чап қанотлари қатор ораси эгати рельефини текислаб, кесакларни майдалаб, нотекикликларни суриб, текис профил ҳосил қилиши керак. Бу шарт экиш асосидан кейинги тупроқ зичлиги ρ ёки асосларнинг тупроққа ботиш чуқурлиги h_{ϕ} билан ифодаланади, яъни:

$$\rho = \rho_0 \frac{h_1}{h_1 - h_{\phi}}, \quad h_{\phi} = h_1 \left(\frac{\rho - \rho_0}{\rho} \right) \quad (8)$$



бунда ρ_0 – экиш олдидан ишлов берилган тупроқ зичлиги, кг/м^3 ; h_1 – ишлов берилган тупроқ чуқурлиги, м; h_{ϕ} – экиш асосларининг тупроққа ботиш чуқурлиги, м. $\rho = 1,2-1,3 \text{ г/см}^3$, $\rho_0 = 1,0-1,1 \text{ г/см}^3$ қийматларда экиш асосларининг тупроққа ботиш чуқурлиги 2,0-4,0 см атрофида бўлади.

Экиш қанотларининг баландлиги асосларининг тупроққа ботишида қанотлари устидан тупроқ уюми тошиб кетмаслик шартидан аниқланган, яъни:

$$H_k \geq K_c \left[h_n + h_1 \left(1 - \frac{\rho_0}{\rho} \right) \right], \quad (9)$$

бунда H_k – экиш қанотларининг баландлиги, м; K_c – тупроқ уюлиб қолишини ҳисобга олувчи коэффициент; h_n – тупроқ юзасидаги нотекикликларнинг баландлиги бўйича ўртача қиймати, м. $K_c = 1,8$, $h_n = 6-8 \text{ см}$, $h_1 = 24 \text{ см}$, $\rho_0 = 1,0-1,1 \text{ г/см}^3$, $\rho = 1,2-1,3 \text{ г/см}^3$ қийматларда $H_k \geq 18 \text{ см}$ бўлади.

Экиш қанотлари тупроқ зарралари билан кам ишқаланиш кучи билан сирпаниб ўтиши ва тупроқ уюмини ҳосил



1 - грядил; 2 - калит; 3 - тутқич; 4 - эчкич қаноти; 5 - эчкич асоси; 6 - уруғ туширувчи қувур; 7 - эчкичнинг сирпаниб кесувчи пичоғи. H - эчкич қанотларининг баландлиги; α - эчкич қанотларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатилиш бурчаги; γ - эчкич қанотларининг очилиш бурчаги; B - эчкич асосининг эни; L - эчкич асосининг бўйлама узунлиги; t_c - пичоқлар орасидаги масофаси.

5-расм. Пичоқли сирпанма эчкич схемаси

қилмаслиги учун ҳаракат йўналишига нисбатан α_k бурчакка энгашган бўлиши керак. Бунинг учун қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$\alpha_k = \frac{\pi}{2} - \phi_c, \quad (10)$$

бунда ϕ_c - тупроқнинг ташқи ишқаланиш бурчаги, град. $\phi_c = 43^\circ$ қийматида $\alpha_k = 47^\circ$ тенг бўлади.

Эчкич асосларининг h_0 чуқурликда ботиб ҳаракатланишида ўнг ва чап қанотлари қатор орасининг ўртасидан 2γ очилиш бурчак билан тупроқ зарраларини икки томонга суриб, зичлаб кетиши В.П.Горячкин назариясига асосланган ташқи куч таъсирдан тупроқ зарраларининг деформацияланиш йўлини минимал қийматга етказиш шarti бўйича танланган:

$$tg 2\gamma = tg \alpha g \omega_c, \quad (11)$$

бунда: 2γ - эчкич қанотларининг очилиш бурчаги, град; α_k - қанотларнинг ҳаракат йўналишига нисбатан энгашиш бурчаги, град; ω - эгатнинг нишаблиги, град. $\omega = 22^\circ$, $\alpha_k = 47^\circ$ қийматларда $2\gamma = 69^\circ$ тенг бўлади.

Эчкич пичоғининг тупроққа кириш бурчаги ўсимлик қолдиқлари ва бегона ўтларни кесиш ёки сирпаниб ўтиш шартини бажариши керак. Бу шарт кесиш ёки сирпаниш вақтининг минимал қиймати бўйича танланган.

$$t = \frac{h_2}{v_{mk}(\cos \alpha + \sin \alpha \cdot tg \phi_n) \sin \alpha}, \quad (12)$$

бунда h_2 - эчкич чуқурлиги, м; v_n - пичоқнинг ҳаракат тезлиги, м/с. $h_2 = 0,05$ м; $v_n = 1,5$; $2,0$ ва $2,5$ м/с; $\phi_c = 30^\circ$ қийматларда $\alpha_n = 270-33^\circ$ ораликда қийматларда энг кичик бўлади.


Пичоқ тиғининг чаркланиш бурчаги маълум $90-\alpha_n$ бурчак остида V йўналиш бўйича тупроқни кесиш жараёнида β чаркланиш бурчагининг β' бурчакка трансформацияланиши асосида аниқланган [23, 24]. Шунга қўра пичоқ тиғининг икки томонлама чаркланиш бурчаги 440 қийматда қабул қилинган.

Эчкич пичоғининг судрашга қаршилиги R_n пичоқ R_1 ва унга ўрнатилган дон ўтказувчи қувур R_2 қаршилиқларининг йиғиндисидан ташкил топган (6-расм).

Эчкич пичоғининг судрашга қаршилиги умумий кўринишда қуйидагича аниқланган

$$R_x = \rho_a \cdot h_n + \frac{2(q + C_v \cdot v \cdot l^2 h_n \cdot \sin \beta' tg \phi_c + K_2 \frac{2f_c \cdot l_{muc} \cdot h_n + \sigma_{сук} B h_3 + f_m \sigma_{сук} B h_3 ctg \beta' + f_c \sigma_{сук} (B - 0,5S) h_2 ctg \beta' + 2B h_3 \rho v^2 \sin \beta' tg(\beta' - \phi_c)}{\sin \alpha_n}}{\sin \alpha_n} \quad (13)$$

Пичоқли сирпанма эчкичли агрегатнинг умумий судрашга қаршилиги қуйидагича:




6-расм. Пичоқ ва дон ўтказувчи қувурга таъсир қилувчи кучлар схемаси

$$R_x = n \left[\rho_a \cdot h_n + \frac{2 \cdot (q + C_v \cdot v) l^2 h_n \cdot \sin \beta' tg \phi_c + K_2 \frac{2f_c \cdot l_{muc} \cdot h_n + \sigma_{сук} B h_3 + f_m \sigma_{сук} B h_3 ctg \beta' + f_c \sigma_{сук} (B - \delta) h_2 ctg \beta' + 2B h_3 \rho v^2 \sin \beta' tg(\beta' + \phi_c)}{\sin \alpha_n} \right] + \frac{\rho_a h_0 \cdot K_c + 2(q + C_v) B_a^2 H_k (1 + tg \phi_c) + K_2 f_c L B_a \sin \omega}{\cos \phi_c \sin \alpha} \quad (14)$$

бунда f_c - тупроқнинг ташқи ишқаланиш коэффициенти; f_m - тупроқнинг ички ишқаланиш коэффициенти; ρ_a - тиғининг кесишга солиштирма қаршилиги, Н/м; h_n - пичоқнинг тупроққа ботириш чуқурлиги, м; h_0 - эчкичнинг тупроққа ботиш чуқурлиги, м; δ - пичоқнинг қалинлиги, м; C_v - тупроқнинг ҳажмий эзилиш коэффициентига тезликни таъсир этишини ифодаловчи пропорционаллик коэффициенти; v - пичоқ бўйнининг тупроқни сиқиш тезлиги, м/с; l_{muc} - пичоқ тиғининг узунлиги, м; α_n - пичоқнинг энгашиш бурчаги, град; $R_{сук}$ - уруғ ўтказувчи қувур ҳаракат йўналишига кўндаланг ён томонларининг тупроқ қатламини сиқиш қаршилиги; осик-тупроқнинг сиқилишдаги кучланиши, Па, B - уруғ ўтказувчи қувурнинг кенглиги, м; B_a - эчкич асосининг кенглиги, м; K_2 - пичоқ ён томонига таъсир этувчи солиштирма қаршилиқ, Па; l' - пичоқ тиғи бўйнининг трансформацияланган узунлиги, м; L - эчкич асосининг узунлиги, м. (14) ифоданинг таҳлили эчкичнинг судрашга қаршилигини унинг параметрлари (δ , α , β' , l' , B_a , L , ω), эчкиш чуқурлиги h_2 , майдон юзаси нотекислиги, тупроқ физик-механик хоссалари ва агрегатнинг ҳаракат тезлигига боғлиқлигини кўрсатади.

Назарий тадқиқотларда аниқланган экич параметрлари қийматларини тажриба тадқиқотларида текшириш, олинган тажриба натижаларига аниқликлар киритиш мақсадида экспериментал тадқиқотлар ўтказилди ва ғўза қатор ораси эгатининг профилига мослаштирилган экичлар билан кам энергия сарфи ва агротехник талаблар даражасида кузги буғдой уруғларини экиш асосланди. Экспериментал тадқиқотлар дастурига мувофиқ экич пичоғининг мустаҳкамлигини таъминловчи қалинлигини энергия сарфи бўйича, энгашиш бурчагини экиш чуқурлиги ва судрашга қаршилигига таъсири бўйича, қанотларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш бурчагини сифат ва энергетик кўрсаткичларга таъсири бўйича, қанотларининг очилиш бурчагини сифат ва энергетик кўрсаткичларга таъсири бўйича, асосларининг бўйлама узунлигини уруғларни кўмилиш сифатига таъсири бўйича тажриба тадқиқотлари лаборатория, махсус тупроқ канали ва дала шароитларида ўрта ва оғир механик таркибли бўз тупроқларда ўтказилди. Дала тадқиқотлари учун экспериментал сеялкаларнинг конструкциялари ишлаб чиқилди ва уларнинг тажриба вариантлари тайёрланди. Экич параметрларининг сифат ва энергетик кўрсаткичларига таъсирини тадқиқ этиш мақсадида махсус экич асослари ва пичоқлар тайёрланди. Тажрибаларда ғўза қатор ораси КХУ-4 культиватори билан ишлов берилган ғўза қатор ораси тупроғининг намлик, зичлик ва қаттиқлик кўрсаткичлари натижалари аниқланди. Дала тадқиқотлари стандарт услублар ва меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилди. Экич пичоғининг экиш жараёнида ишончли ва мустаҳкам ишлаши ҳамда судрашга қаршилигини баҳолаш мақсадида 0,3; 0,4; 0,5; 0,6 ва 0,7 см қалинликларда пичоқлар тайёрланиб синовлардан ўтказилди. Тажрибаларда экичнинг экиш чуқурлиги $h_3 = 5$ см, агрегатнинг ҳаракат тезлиги 1,5 м/с дан 2,5 м/с. гача белгиланди (7-расм). Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, пичоқ қалинлигининг ортиши чархланиш бурчагига мос бўйининг кенгайишига, натижада унинг таъсиридан тупроқнинг деформацияланиши ва икки томонга кесилиб сурилиши ҳисобига қаршилиқнинг ортиши аниқланди. Пичоқ уруғ ўтказувчи қувур билан бирга мустаҳкам қотирилганлиги учун қувурнинг қаршилиги барча



7-расм. Пичоқ қалинлигининг унинг судрашга қаршилигига таъсири


ҳолатларда ўзгармас қийматда қабул қилинди. Шунинг учун пичоқ билан уруғ ўтказувчи қувурнинг қаршилиги асосан пичоқнинг тупроққа ботиши, кесиши ва икки томонга ёриши ҳамда қувурнинг ҳаракат йўналишига кўндаланг ўнг ва чап томон юзаларининг тупроқни суриш, инерция кучи бўйича аниқланди. Маълумотлар яна пичоқ қалинлигининг уруғ ўтказувчи қувурнинг кенлигидан кичиклиги, унинг ўнг ва чап томонлари елкалардаги қаршилиқнинг кам, уруғ ўтказувчи қувур елкаларида кўп бўлишини кўрсатди. Тажриба натижалари пичоқ қалинлигининг ва ҳаракат тезлигининг ортиши қаршилиқнинг ортишига олиб келишини кўрсатди (7-расм).

Бунда пичоқ қалинлигининг 3-7 мм оралиқларида тор-

тишга қаршилиқ сезиларли даражада ортиши кузатилмади. Лекин тезликнинг ортиши қаршилиқнинг ўзгаришига таъсир кўрсатди. Олинган маълумотлар ва тажриба синовлари намлиги паст, қаттиқлиги юқори, ўрта ва оғир механик таркибли тупроқларда 5-6 мм қалинликдаги пичоқ пухта ишлашини кўрсатди. Пичоқнинг энгашиш бурчагини иш сифат кўрсаткичларига таъсирини баҳолашда ап бурчакнинг 10° дан 50° гача бўлган қийматларида қалинлиги 5 мм га тенг пичоқлар тайёрланди ва дала тажрибалари ўтказилди. Тажриба натижалари пичоқ энгашиш бурчагининг экиш чуқурли ва тортиш қаршилигига таъсирини баҳолаш имконини берди (8-расм). Келтирилган графиклардан кўришимиз мумкинки, энгашиш бурчаги 10° дан 30° гача бўлган оралиқда тайёрланган пичоқларнинг синов натижалари экиш чуқурлигининг 3,2 см дан 4,1 см. гача ортишини, бурчакнинг 30° дан 50° гача ўзгаришида сезиларли камайишини кўрсатди.

Экиш чуқурлигининг ўрнатилган 5 см чуқурликдан кам бўлиши уруғ ўтказувчи қувурдан тушаётган буғдойларни эгатча тубига тупроқ зарралари билан кўмилиши ҳисобига бўлиши аниқланди. Шу билан бирга уруғларни эгатчалар тубига тупроқ зарраларининг табиий оғиш бурчаги билан тушишидан олдин тушиб кўмилиши пичоқнинг тупроққа сирпаниб ботиш вақтининг камайиши ҳисобига бўлиши аниқланди. Бу жараён пичоқ энгашиш бурчагининг барча қийматларида тортишга бўлган қаршилиқнинг ортиши билан кузатилди (8-расм).




Пичоқ энгашиш бурчагининг $\alpha_n = 30^\circ$ қиймати ўртача квадрат оғишнинг минимал қийматга, экиш чуқурлиги агротехник талаб даражада бўлиши аниқланди. Экич қанотларининг ҳаракат йўналиши бўйича эгат тубига нисбатан ўрнатиш бурчагининг сифат ва энергетик кўрсаткичларга таъсирини тадқиқ этишда тажрибалар экич қанотларининг ўрнатиш бурчагини $\alpha_n = 35^\circ - 55^\circ$ оралиқларида (очилиш бурчагини $2\gamma = 70^\circ$, агрегат ҳаракат тезлигини $v = 2,0$ м/с ўзгармас қийматларида) амалга оширилди. Натижада α_n бурчакнинг барча қийматларида тупроқ таркибидаги 50 мм. дан катта фракцияларнинг бўлмаслигига, 10 мм. дан кичик фракциялар миқдорининг ортишига эришилди. α_n бурчакнинг $35^\circ - 40^\circ$ қийматларида тупроқ уваланиши сифатли бўлди. Бундай натижалар тупроқ фрак-



8-расм. Пичоқнинг энгашиш бурчагини экиш чуқурлиги ва судрашга қаршилигига таъсири


цияларининг қанотлардан асосларга сирпаниб ўтиши, эзилиб уваланиши ҳисобига олинди. α_n бурчакнинг бу қийматларида тортишга қаршилиқнинг юқори бўлиши кузатилди (8-расм). α_n бурчакнинг 50° гача қийматларида қаршилиқнинг камайиши, кейин экич қанотлари олдида ҳосил бўлган тупроқ уюмининг ортиши ва деформацияланиши ҳисобига сезиларли ортиши аниқланди. Дала тажрибалари режасига мувофиқ қатор ораси профилининг кесимлар бўйича текислик даражаси ҳам (9-расм) тадқиқ этилди. Аниқланган маълумотлар асосида 11-13 фоизига, (б)-(г) кесимларда (а)-(д) кесимларга нисбатан мос ҳолда 2-3 фоизига нотекисликларнинг юқори бўлиши

аниқланди. Таҳлиллар натижаси эчкич қанотларининг ҳаракат йўналишига нисбатан оғиш бурчаги α_κ нинг 35° қийматида қатор орасининг текисланиш даражаси ўртача 84%, 55° қийматда 77 фоизни ташкил этиши аниқланди (9-расм).



9-расм. α_κ бурчакнинг тупроқни уваланиши ва эгатни текисланиш даражаси ҳамда судрашга қаршиликка таъсири

Тадқиқот режасига асосан эчкич қанотларининг очилиш бурчагини сифат ва энергетик кўрсаткичларга таъсири тадқиқ этилди. Тадқиқотларда қанотларнинг очилиш бурчаги $2\gamma=60^\circ-80^\circ$ оралиқда параметрларнинг ($\alpha_\kappa=35^\circ$; $v=2$ м/с) ўзгармас қийматларида тадқиқ этилди. 2γ бурчакнинг ўзгарувчан қийматларида тупроқнинг уваланиш даражаси ва энергия сарфи баҳоланди. Тадқиқот натижалари бўйича қуйидагилар аниқланди ва ўрнатилди: бурчакнинг $2\gamma=60-65^\circ$ қийматларида тупроқ фракцияларининг майдаланмасдан сирпаниб ўтиши кузатилган бўлса, $2\gamma=70^\circ$ қийматида тупроқ уюмининг ортиши кузатилмади ва уваланиш даражасининг сезиларли кўтарилиши кузатилди. $2\gamma=75-80^\circ$ қийматларида тупроқ уюмининг ортиши ва $2\gamma=70^\circ$ қийматдагига нисбатан қаршилиқнинг сезиларли кўтарилиши аниқланди. $2\gamma=60^\circ$ да тортишга қаршилик кичик, $2\gamma=70-80^\circ$ да кўп бўлди (10-расм).



10-расм. 2γ бурчакнинг судрашга қаршилик, уваланиш ва қатор ораси профили текисланиш даражасига таъсири

Эчкич қанотлари очилиш бурчагининг $2\gamma=60-80^\circ$ оралиқ қийматларида тупроқ уваланиш даражаси, судрашга қаршилик, қатор ораси профилининг кесимлар бўйича текислик даражаси тажрибаларда тадқиқ этилди (10-расм). 2γ бурчак 60° дан 70° гача ўзгартирилганда қатор ораси профилининг барча кесимларида текисланиш даражасининг ортиши, 70° дан 80° гача ўзгартирилганда - камайиб бориши аниқланди (10-расм). Дала ва хўжалик синовларида ғўза қатор ораларига кузги буғдой агротехник талаблар даражасида экилди, уруғларни майдон юзасининг кўндаланг ва бўйлама периметрлари бўйича бир хил микдор ҳамда қалинликда ундириб олишга эришилди. Экспериментал ишлов берадиган ва экадиган агрегатларнинг умумий тортишга қаршилиги иш жараёнида, салт юришда аниқланганда судрашга қаршиликлар агрегатланган тракторнинг номинал режимда ишлашини кўрсатди. Кўп йиллик дала синов натижалари умумлаштирилиб, техник ечимлар конструкцияларига аниқликлар киритилди ва ишчи қисмлари такомиллаштирилган маҳаллий шароитга мос вариантдаги техник воситаларнинг янги конструкциялари яратилди. Натижада экилган майдонларда буғдой ниҳолларини бир текис ундириб олишга, кузги буғдойнинг ҳосилдорлигини амалдаги технологияга нисбатан

юқори бўлишига эришилди (11-расм). Мазкур ишлаб чиқилган техник ечим иш унумининг 26 фоизга орттириш, фойдаланиш харажатларини 20,6 фоизга камайтириш ҳисобига кузги буғдой таннархини камайтиришга хизмат қилади.



11-расм. Сифатли экиш олдидан ишлов берилган қатор ораси ва тавсия этилган технологилар асосида этиштирилган кузги буғдой ҳосили

Хулосалар: 1. Фермерлар томонидан фойдаланиб келинаётган мавжуд техник воситалар билан экишга тайёрланган тупроқнинг уваланганлик даражасининг пастиги, намликнинг тез йўқотилиши, эгат профили ва экиш чуқурлигининг нотекислиги бўйича агротехника талабларига тўла жавоб бермаслиги кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш имкониятини чеклаб қўйган.

2. Буғдой уруғларини қаторларда ва кўндаланг кесим бўйича бир текис жойлашиш η коэффициентининг қабул қилиниши кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш имконини беради. Бу коэффициент шакллантириладиган қаторчаларнинг ораси кенг бўлганда экиш меъёрини кам, тор бўлганда кўп белгиланиши аниқлади ва кузги буғдойдан юқори ҳосил олиш имконини беради.

3. Экиш усули ва меъёри бўйича гектарига 200 кг экиш буғдой пояларининг назоратга нисбатан 23 фоизга, бошқадги буғдойлар сонини 38 фоизга кўп бўлишини таъминлайди.

4. Назарий тадқиқотлар ғўза қатор орасига экиш олдидан ишлов бериш ва экишда тупроқларни деформацияланиш, уваланиш ва эгатчалар ҳосил қилиш жараёнларини таъминловчи ишчи органлар параметрларини такомиллаштириш, ғўза қатор ораларида буғдой экилган эгатнинг текис юзали профилини шакллантиришга эришиш имконини берди.

5. Экиш олдидан қатламлаб ишлов бериб тупроқнинг юқори уваланиш даражасини таъминлайдиган, текис юзали эгат шакллантирадиган ишчи органларнинг параметрларини (қамров кенглиги, тишларнинг сони, кенглиги, ўрнатиш, сирпаниш ва ўткирланиш бурчаклари) асослаш усули ишлаб чиқилди.

6. Шакллантирилган эгат профили бўйича ишлайдиган, кузги буғдойни бир хил чуқурликда экишни таъминлайдиган эчкич параметрларини (эчкич асосларининг тупроққа ботиш чуқурлиги, қанотларининг ҳаракат йўналишига нисбатан ўрнатиш ва очилиш бурчаклари, пичоқларининг энгашиш ва ўткирланиш бурчаклари) асослаш усули ишлаб чиқилди.

7. Энергияресурстежамкорликни таъминловчи воситалар билан экиш олдидан тупроққа сифатли ишлов бериш, кузги буғдойни белгиланган чуқурликка экиш, текис юзали эгат шакллантириш ғалладан юқори ҳосил олиш имконини берди.

№	Адабиётлар	References
1	Игамбердиев А.К. Ғўза қатор ораларига кузги буғдой экишни механизациялашнинг илмий-техникавий ечими: Техн. фан. Докт. ... дис. автореф. – Тошкент: ТИҚХММИ, 2018. – 60 б.	Igamberdiyev A.K. <i>Guza kator oralariga kuzgi bugdoy ekishni mexhanizatsiyalashning ilmiy-tehnikaviy echimi</i> [Scientific and technical solution of the mechanized sowing of winter wheat between rows of cotton]. Tech. science. Doc. ... dis. autoref. Tashkent, TIAME, 2018. 60 p. (in Uzbek)
2	Абу Хамес Халед Хассан. Посев зерновых культур гребневой сеялкой для условий Сирии: Дисс. ... канд. техн. наук. – Минск: МСХА, 1990. – 29 с.	Abu Xames Xaled Xassan. <i>Posev zernovikh kultur grebnevoy seyalkoy dlya usloviy Sirii</i> [Sowing cereals with a comb seeder for the conditions of Syria]. Diss. ... kand. texn.nauk. Minsk: MAAA, 1990. 29 p. (in Russian)
3	Зволинский В.Н., Любушко Н.И. Развитие конструкций зерновых сеялок прямого посева // Тракторы и сельскохозяйственные машины. – Москва, 2003. – № 7. – С. 28-29.	Zavolinskiy V.N., Lyubushko N.I. <i>Razvitiye konstruksiy zernovikh seyalkov pryamogo poseva</i> [The development of designs of grain seeders direct sowing]. Tractors and agricultural machines. Moscow, 2003. No.7 Pp. 28-29. (in Russian)
4	Любушко Н.И. Зерновые сеялки на выставке "SIMA-2003"//Тракторы и сельскохозяйственные машины. – Москва, 2003. – №12. – С. 50-53.	Lyubushko N.I. <i>Zernoviye seyalki na vistavke "SIMA-2003"</i> [Grain seeders at the exhibition "SIMA-2003"] Tractors and agricultural machines. Moscow, 2003. no.12. Pp.50-53. (in Russian)
5	Мухамедов Ж., Бойбобоев Н. Ғўза қатор ораларига буғдой экиш технологияси ва техник воситаларини яратишнинг илмий-амалий асослари. – Тошкент: Фан ва технологиялар, 2015. – 152 б.	Muxamedov J., Boyboboyev N. <i>Guza kator oralariga bugdoy ekish texnologiyasi va texnik vositalarini yaratishning ilmiy-amaliy asoslari</i> [Scientific and technical fundamentals of the development of technology and technical means for sowing wheat in the rows of cotton] Tashkent, Science and Technology, 2015. 152 p.(in Uzbek)
6	Мухин С.П. О создании универсальной посевной техники // Техника в сельском хозяйстве. – Москва. 1997. – №3. – С. 22-24.	Muxin S.P. <i>O sozdanii universalnoy posevnoy tekhniki</i> [On the creation of universal sowing equipment] Technique in agriculture. Moscow, 1997. No.3. Pp. 22-24. (in Russian)
7	Писарев О.С. Обоснование параметров и разработка комбинированного сошника для прямого посева зерновых культур. Дисс. на соискание ученой степени к.т.н. – Москва. 2006. – С. 27-33.	Pisarev O.S. <i>Obosnovaniye parametrov i razrabotka kombinirovannogo soshnika dlya pryamogo poseva zernovikh kultur</i> [Justification of parameters and development of a combined opener for direct sowing of grain crops]. Diss. ... kand. texn.nauk. Moscow, 2006. Pp. 27-33. (in Russian)
8	Прокопьев С.Н. Повышение эффективности посева зерновых совершенствованием сошниковой системы сеялки: Дисс. на соискание ученой степени к.т.н.: 05.20.01: – Улан-Удэ., 2004. – С. 11-15. РГБ ОД, 61:05-5/572	Prokopyev S.N. <i>Povysheniye effektivnosti poseva zernovykh sovershenstvovaniyem soshnikovoy sistemy seyalki</i> . Diss. ... kand. texn.nauk [Improving the efficiency of sowing grain by improving the opener system of the seeder]. Ulan-Ude. 2004. Pp. 11-15.
9	Тўхтақўзиев А., Қорахонов А., Ибрагимов А. Ғўза қатор ораларига дон экиш эгатини очувчи комбинациялашган агрегат иш органининг параметрларини асослаш // AGRO ILM журнали. – Тошкент, 2014. – №3. – Б. 61-62.	To'xtaq'uziyev A., Qoraxonov A., Ibragimov A. <i>Guza kator oralariga don ekish egatini ochuvchi kombinatsiyalashgan agregat ish organining pametrlarini asoslash</i> [Justification of the parameters of the working bodies of the combined unit for the formation of the sowing beds of cotton rows]. AGROILM. Tashkent, 2014. No. 3. Pp. 61-62. (in Uzbek)
10	Худойбердиев Т.С., Худоёров А.Н., Абдуллаев Д.А., Хайдарова Ш.З. Ғўза қатор ораларига дон уруғини экиш ва танланган экичнинг параметрларини асослаш // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журнали. – Тошкент, 2018. №4(14). – 52 б.	Hudoyberdiyev TS, Hudoyorov AN, Abdullaev DA, Haydarova Sh.Z. <i>Guza kator oralariga don urug'ini ekish va tanlangan ekkichning parametrlarini asoslash</i> [Sowing of seeds of cotton between rows and substantiation of parameters of selected seed] // Journal of "Irrigatsiya va Melioratsiya". Tashkent: No. 4(14) 2018. 52 p. (in Uzbek)
11	Эргашев И., Нурмухамедов Б., Хайтов Т. Буғдойни ғўза қатор ораларига қаторлаб экиш // AGROILM журнали – Тошкент, 2011. – №4. – Б.28-29.	Ergashev I., Nurmuxamedov B., Xaitov T. <i>Bugdoyni guza kator oralariga katorlab ekish</i> [Ordinary sowing of wheat in the rows of cotton]. AGROILM. Tashkent, 2011. No. 4. Pp. 28-29. (in Uzbek)
12	Great Plains . Air Drills are an all-in-one solution / Power Farming. 2012. Vol. 122, No 6. 31 p.	Great Plains . Air Drills are an all-in-one solution / Power Farming. 2012. Vol. 122, No 6. 31 p.
13	Igamberdiyev A.K. Combined equipment for tillage preparation of cotton inter rows and planting winter wheat 1st International Scientific Conference. Science progress in European countries: new concepts and modern solutions. March 28, 2013. Stuttgart, Germany, 2013. Pp. 66-68.	Igamberdiyev A.K. Combined equipment for tillage preparation of cotton inter rows and planting winter wheat 1st International Scientific Conference. Science progress in European countries: new concepts and modern solutions. March 28, 2013. Stuttgart, Germany, 2013. Pp. 66-68.
14	Manea, D. Straw cereals optimum sowing rate optimizing distribution of centralized metering drills / D. Manea, P. Cardei, M. Eugen//Aktualni zadaci mehanizaci jepoljoprivrede. 2012. Pp. 253-263.	Manea, D. Straw cereals optimum sowing rate optimizing distribution of centralized metering drills / D. Manea, P. Cardei, M. Eugen//Aktualni zadaci mehanizaci jepoljoprivrede. 2012. Pp. 253-263.
15	Morrison J. E., Allen Jr. R. R., Wilkins D. E., Powell G. M., Grisso R. D., Erbach D. C., Herndon P., Murray D. L., Formanek G. E., Pfost D. L., Herron M. M., Baumert D. J. Conservation Planter, Drill and Air-Type Seeder Selection Guideline//Applied engineering in agriculture Vol. 4(4): December, 1988. Pp. 300-309.	Morrison J. E., Allen Jr. R. R., Wilkins D. E., Powell G. M., Grisso R. D., Erbach D. C., Herndon P., Murray D. L., Formanek G. E., Pfost D. L., Herron M. M., Baumert D. J. Conservation Planter, Drill and Air-Type Seeder Selection Guideline//Applied engineering in agriculture Vol. 4(4): December, 1988. Pp. 300-309.

16	Palmer, A.L., Smith, P.A., and Albert, N.A. The trouble with seeders./ Conference of Agricultural Engineering (I.E. Aust.), Hawkesbury, September 25-29, 1988. Pp. 61-63.	Palmer, A.L., Smith, P.A., and Albert, N.A. The trouble with seeders./ Conference of Agricultural Engineering (I.E. Aust.), Hawkesbury, September 25-29, 1988. Pp. 61-63.
17	Quick, G.R. and Brown, G.A. Three seeders for conservation farming./ Conference on Agricultural Engineering, (I.E. Aust.) Bundaberg, August 27-30, 1984. Pp. 93-96.	Quick, G.R. and Brown, G.A. Three seeders for conservation farming./ Conference on Agricultural Engineering, (I.E. Aust.) Bundaberg, August 27-30, 1984. Pp. 93-96.
18	Игамбердиев А.К. Ғўза қатор ораларини кузги бугдой экишга тайёрлайдиган техник воситанинг конструктив схемасини ишлаб чиқиш ва ишчи органларининг параметрларини асослаш. // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналі. – Тошкент: – 2018. №4(14). – 75 б.	Igamberdiyev A.K. <i>Guza kator oralarini kuzgi bug'doy ekishga tayyorlaydigan texnik vositaning konstruktiv sxemasini ishlab chikish va ishchi organlarining parametrlarini asoslash</i> [Development of a constructive scheme of technical means for the winter wheat sowing between rows and justification of the parameters of working bodies]. // Journal of "Irrigatsiya va Melioratsiya". Tashkent: No. 4 (14) 2018. 75 p. (in Uzbek)
19	Пильненко А.К. Кинематическая трансформация угла заточки лезвия дискового ножа/Межвузовский сборник "Наукові нотатки". Луцьк, 2012. Вып. №39. – С.159-162.	Pil'nenko A.K. <i>Kinematicheskaya transformatsiya ugla zatochki lezviya diskovogo nozha</i> [Kinematic transformation of the angle of sharpening the blade of a circular knife]. Intercollegiate collection "Science Notes". Lutsk, 2012. release. No. 39. Pp. 159-162. (in Russian)
20	Патент РУз FAP 00722. Опорно-полозовидный сошник/ Худойбердиев Т, Игамбердиев А. от 12.11.10	Patent UZ FAP 00722. <i>Oporno-polozovidniy soshnik</i> [Skeleton Vomer]. Xudoyberdiyev T., Igamberdiyev A. from 12.11.10. (in Uzbek)
21	Патент РУз FAP 00721. Устройство для посева зерновых культур в междурядья хлопчатника/ Худойбердиев Т, Игамбердиев А. и др от 12.12.11	Patent UZ FAP 00721. <i>Ustroystvo dlya poseva zernovykh kul'tur v mezhduryad'ya khlopchatnika</i> [A device for sowing crops in the rows of cotton]. Xudoyberdiyev T., Igamberdiyev A. from 12.12.11. (in Russian)
22	Игамбердиев А.К., Солижонов С. Тупроқ намлиги сақловчи, суғоришда сув сарфини тежовчи ғўза қатор ораларига мослаштирилган сирпанма экичнинг конструктив параметрларини асослаш // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналі. – Тошкент, – 2015. – № 2. – Б. 49-53.	Igamberdiyev A.K., Solijonov S. <i>Tuproq namligini saklovchi, sugorishda suv sarfini tezhovchi guza kator oralariga moslashtirilgan sirpanma ekkichning konstruktiv parameterlarini asoslash</i> [Justification of the design parameters of moisture-saving and water-saving during irrigation, runner coulter, adapted cotton aisle]. Journal of "Irrigatsiya va Melioratsiya". Tashkent, 2015. No.2. Pp. 49-53. (in Uzbek)
23	Игамбердиев А.К. Обоснование основных параметров сошника для посева семян озимой пшеницы в междурядья растущего хлопчатника/ AGROILM. – Тошкент, 2011. – № 3. – Б. 72-73.	Igamberdiyev A.K. <i>Obosnovaniye osnovnikh parametrov soshnika dlya poseva semyan ozimoy pshenitsy v mehduryad'ya rastushchego khlopchatnika</i> [Substantiation of the main parameters of the opener for sowing winter wheat seeds in the rows of growing cotton]. AGROILM.- Tashkent, 2011. No.3. Pp. 72-73. (in Russian)
24	Пильненко А.К. Кинематическая трансформация угла заточки лезвия дискового ножа/ Межвузовский сборник "Наукові нотатки". – Луцьк, 2012. Вып. №39. – С. 159-162.	Pil'nenko A.K. <i>Kinematicheskaya transformatsiya ugla zatochki lezviya diskovogo nozha</i> [Kinematic transformation of the angle of sharpening the blade of a circular knife]. Intercollegiate collection "Science Notes". Lutsk, 2012. release. No. 39. Pp. 159-162. (in Russian)

УЎТ: 667.7.622.7.017

ЮҚОРИ ҲАРОРАТГА ЧИДАМЛИ ОЛОВБАРДОШ ПЛИТАНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Б.М.Каманов - ассистент

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

М.А.Маматкосимов - т.ф.д. к.и.х., Ўзбекистон Фанлар Академияси "Физика-Қуёш" илмий ишлаб

чиқариш бирлашмаси материалшунослик институти

А.И.Мустафоев - илмий котиб, Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали

Аннотация

Ушбу мақолада Тошкент вилояти Кумушкон тоғларидан топилган керамик серпентинни катта қуёш печида эритилган материалларнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Серпентиннинг келиб чиқиши, миқёси, кимёвий таркиби ва микро тузилишлари келтирилган. Маҳаллий хом-ашё асосида импорт ўрнини босадиган керамикаларни ишлаб чиқариш жараёнини оптималлаштиришга бир нечта мисоллар келтирилган. Заргарлик тошлари ва чинни буюмларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун керамик плиталарни тайёрлаш жараёнлари тасвирланган. Серпентин заргарлик тошларининг ўзига хос хусусиятлари ва эритиш ҳароратини ошириш, серпентиннинг иссиқлик ўтказувчанлигини пасайтириш ва оловга чидамлилигини ошириш имкониятлари кўрсатилган. Заргарлик тошларини ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида катта қуёш печида эритилган керамика серпентиндан ўзига хос фойдаланиш мисоллари келтирилган. Олинган серпентин асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари асосланган.

Таянч сўзлар: серпентин, нодир металл, керамик плита, катта қуёш печи.

ПРОИЗВОДСТВО КЕРАМИЧЕСКИХ ОГНЕУПОРНЫХ ПЛИТ

Б.М. Каманов - ассистент, Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

М.А. Маматкосимов - д.т.н. с.н.с., Институт материаловедения Научно-производственного объединения

«Физика-Солнце» Академии наук Узбекистана

А.И.Мустафоев - ученый секретарь, Джизакский филиал Национального Университета Узбекистана

Аннотация

В статье представлена информация о свойствах материалов, расплавленных в большой солнечной печи на основе керамического серпентина месторождения Кумушкан Ташкентской области. Приводятся происхождение серпентина, область его применения, химический состав, микроструктура, а также несколько примеров оптимизации процесса производства импортозамещающей керамики на основе местного сырья. Описаны процессы изготовления керамических плит для использования в производстве ювелирных камней и фарфоровых изделий. Показаны особенности серпентиновых ювелирных камней и их отличительные черты, и возможности повышения температуры плавления, понижения теплопроводности и огнеупорности серпентина. Приведены примеры конкретного использования расплавленных в большой солнечной печи керамического серпентина в качестве сырья для изготовления ювелирных камней. Обоснованы технико-экономические показатели организации производства изделий на основе полученного серпентина.

Ключевые слова: Серпентин, редкий металл, керамическая плита, большая солнечная печь.

MANUFACTURE OF CERAMIC REFRACTORY PLATES

B.M. Kamanov - assistant, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

M.A. Mamatkosimov - Senior Researcher, Doctor of Technical Sciences. Institute of Materials Science,

Scientific - Production Association "Physics-Sun" of the Academy of Sciences of Uzbekistan

A.I. Mustafоеv - Scientific secretary, National university of Uzbekistan Jizzakh branch

Abstract

This article provides information on the properties of materials fused on a large solar furnace based on ceramic serpentine deposits, Kumushkan, Tashkent region. Namely, the origin of the serpentine, the scope, chemical composition, microstructure. Several examples of optimization of the production process of import-substituting ceramics based on local raw materials are also given. The processes of manufacturing ceramic plates for use in the manufacture of jewelry stones and porcelain are described. The features of serpentine jewelry stones and their distinctive features are shown. The possibilities of increasing the melting temperature, lowering the thermal conductivity and fire resistance of serpentine are shown. Examples of the specific use of ceramic serpentine melted on a large solar furnace as a raw material for the manufacture of jewelry stones are given. The technical and economic indicators of the organization of production of products based on fused serpentine are substantiated.

Key words: Serpentine, rare metal, ceramic plate, large sunflower.

Кириш. Бугунги кунда интенсив ривожланаётган керамика соҳасига истиқболли йўналишлардан бири бўлган юқори ҳароратга чидамли оловбардош плиталарнинг янги турларини барпо қилишга эътибор қаратилмоқда. Бу борада серпентин тошларининг ишлатиш принциплари, уларга қўйилган талабларнинг иссиқликка ташқи таъсир кучи, ҳолатини сақлаб қолишга ва ранг-баранглик даражаларини такомиллаштирган янги турини яратишдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда дунё керамика

соҳасида серпентиннинг физик хусусиятларини шаклланишида уларнинг ролини аниқлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан куйидаги йўналишлардаги илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади ва буларга:

- тадқиқ қилинадиган тузилмаларда содир бўлаётган физик жараёнларни мукамал ўрганиш ва техник таъсирга чидамли ҳолатларининг шаклланиш механизмларини аниқлаш;
- ҳар томонлама қулай, иссиқликка чидамли плиталарни

тайёрлашнинг технологик усуллари мукаммаллаштириш;
- серпентин асосидаги гетеро тизилмали керамик плиталарни спектрал ҳолатларининг гетеро чегарадаги жараёнлар билан боғлиқлигини аниқлаш;

- уларнинг функционал параметрларини оптималлаштириш усуллари излаш ва тайёрланиш технологиясини мукаммаллаштириш вазифалари қўйилади [1].

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва уни аккумуляциялаш масалаларига чет эл олимларидан Андрианов Н.Т. [1], Собко Р.М., Грачека Н.А. [2,3], Смирнова А.В. [4], Ченцова Л.Г. [5], Лайнер А.И., Еремкин Н.Н., Лайнер Ю.А., Певзнер И.З. [6], Будников П.П., Бережной А.С. [7], Сломинская Е.З. [8], Галина И.П. [9], Адлер Ю.П., Маркова М.М., Грановский Ю.В. [10] ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган. Юқориди келтирилган олимлар ишларида асосан юқори ҳароратга чидамли материалларнинг асосини муллит ташкил қилган, муллит Ўзбекистонда табиий ҳолатда учрамайди, тадқиқотлар натижасида олимларнинг тадқиқотларидан керамик плитани синтез қилиш жараёнини ўргандик. Муллитнинг таркибини ташкил этувчи ва муллитнинг вазифасини бажарувчи маҳаллий хомашёлардан бўлган серпентин керамик материалда тадқиқот олиб борилди, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда уни аккумуляциялашнинг техник ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, таҳлили, уларнинг қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар билан ишлашини асослаш масалалари кўриб чиқилди. Керамик плиталарни табиий ресурслардан фойдаланиш масалалари, иссиқликка чидамли керамик плиталарни тайёрлаш иш режимида энергетик сарфларни камайтириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга мўлжалланган техник, технологик ва функционал схемаларини ишлаб чиқиш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг табиий ресурслар билан интеграцияси жараёнида унинг параметрларини аниқлаш ва асослаш услубларини такомиллаштириш масалалари ҳам ўрганилган [11].

Ечиш усули. Тадқиқот ишида маҳаллий хомашёларга асосланган иссиқликка чидамли керамик плиталарни тайёрлаш тизимларида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш ва унинг иш режими параметрларини аниқлашнинг аналитик усуллари, тизимларнинг иш режимида оптималлаштириш ва жараёни бошқариш усуллари; тажрибаларни ўтказиш ва уларнинг натижалари устида ишлаш, лойиҳани молиявий-иқтисодий баҳолаш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- қайта тикланадиган энергия ресурсларидан оқилона эҳтиёжга кўра фойдаланишни таъминлайдиган иссиқликка чидамли керамик плиталарни ишлаб чиқариш технологик жараёнини бошқаришнинг янги тизими ишлаб чиқилган;

- маҳаллий хомашёларга асосланган керамик плиталарни катта Қуёш қурилмасида тайёрлашнинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган ва мазкур конструкциянинг тажрибавий тадқиқотлари асосида чинни буюм тайёрлаш плитаси тайёрланишидаги иш режимида электр энергияси сарфини камайтириш имконияти асосланган;

- илк бор серпентин керамик материалдан катта қуёш қурилмаси асосида чинни буюм тайёрлаш плитаси тайёрланиши аниқланган;

- чинни буюм тайёрлаш плитаситошларини импорт йўли билан келтирилган ҳолати билан катта Қуёш қурилмасида маҳаллий хом-ашёларга асосланиб тайёрланган керамик плиталарни таннархи сифат даражасини ҳисобга олиш тартиби билан фарқ қиладиган ва Қуёш электр станцияларининг параметрларини ҳисоблаш ва асослаш услуби такомиллаштирилган;

- қуёш қурилмаларида керамик плиталарни тайёрлашда жараёнида харажатлар сарфи камайтирилиш параметрла-

рини оптималлаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

- республикада фаолият олиб бораётган барча чинни буюм тайёрлаш ташкилотлари чинни буюм тайёрлаш плитасини импорт йўли билан олиб келиб фойдаланишмоқда. Бу импорт плитанинг асосини карбид кремний ташкил қилади. Республикада карбид кремний табиий ҳолатда учрамаганлиги сабаб, бундай импорт материалнинг ўрнини тўлиқ боса оладиган Кумушкон серпентинга асосланиб тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Фойдаланилган серпентин керамик материаллар ва уларга қўшилган материалларни эритилиши, пиширилиши ва тайёрланиши ЎзФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ Материалшунослик институтида катта Қуёш печидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқарилади (1-расм).

Тайёрланган материаллар юқори ҳароратга чидамли оловбардош ўзида иссиқлик сақлаб қолиш имкониятига эга. Серпентиннинг эриш температураси 650°C унинг таркибини MgO , SiO ва H_2O ташкил қилади. Катта қуёш печида эритилган серпентинга 60% MgO қўшилса ҳосил бўлган аралашманинг эриш температураси 2000°C ни ташкил қилади. Бундай аралашмали керамик материалдан фойдаланиб, юқори ҳароратга чидамли оловбардош керамик ғишлар тайёрланади. Тайёрланган юқори ҳароратга чидамли оловбардош ғишлар чинни буюм тайёрлаш плитасини олишга мўлжалланган. Юқори ҳароратга чидамли оловбардош чин-

Қуёш печи



Параболик кўзгу фокус

гелиостатлар
(буралувчи кўзгу)

1-расм. ЎзФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ Материалшунослик институтидаги катта Қуёш печи конструкцияси

ни буюм тайёрлаш плитаси асосан карбид кремний материалдан тайёрланади (2-расм). Лекин, серпентин материалдан ушбу чинни тайёрлаш плитаси тайёрланганда бир қанча қулайликларга олиб келди. Қуйидаги 1-жадвалда карбид кремний материалли ва серпентин + 60% MgO материалларининг характерловчи хусусиятлари келтирилган [12, 13, 14].

Серпентинни катта Қуёш печида эритилган ҳолати 4-расмда кўрсатилган. Серпентин керамик маҳсулотининг табиий ва катта Қуёш печида эритилган ҳолатларининг кукунлари микроструктураси қуйдагича кўринишни олди: 5-расм.

Катта Қуёш печида эритилган серпентин керамик маҳсулотга 60% MgO қўшилиб, аралашмадан 40%, бундай аралашма материалдан синтез қилиш жараёнида тайёрланган шомотдан 50%, каолиндан 10% олиниб чинни буюм тайёрлаш плитасини ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1700°C ҳароратда ишлайдиган термостатланган электр печини керамик ғишлари тайёрланди. Тайёрланган ке-



2-расм. Карбид кремний асосидаги керамик плита



3-расм. Серпентин асосидаги керамик плита

1-жадвал

Карбид кремний ва серпентин материалларини характерловчи ҳолатлар


№	Материалнинг номи	Материалнинг таркиби	Материалнинг эриш температураси °С	Материалнинг термал айланишлар сони №	Материалнинг таннархи 1 кг (сўм)	Материални тайёрлашда энергия сарфи (кВт)
1	Карбид кремний	SiC	2730	250	4547	12
2	Серпентин	3MgO 2SiO ₂ ·2H ₂ O	650	350	1000	2,5
3	Серпентин +60% MgO	3MgO SiO ₂ ·2H ₂ O+ 3MgO 2SiO ₂ · 2H ₂ O +MgO	2000	400	1500	3

рамик ғиштнинг иссиқлик ўтказувчанлиги 6-расмда келтирилган [15].

Серпентин керамик маҳсулоти ва унга қўшилган керамик материалларнинг химиявий таркиби {(3MgO 2SiO₂·2H₂O-40%, MgO-60%)-40% серпентин}, {1800°С да 144 соат давомида синтез қилинган. (3MgO 2SiO₂·2H₂O-40%, MgO-60%)-50% шамот}, (Al₂O₃ SiO₂-каолин). Серпентин, шамот ва каолин керамик маҳсулотлари-



4-расм. Катта Қуёш печида эритилган серпентин




а) б)

5-расм. Серпентин керамик маҳсулотининг табиий ва катта Қуёш печида эритилган ҳолатларининг кукунлари микроструктураси

нинг аралашмасидан тайёрланган керамик плитани, яъни чинни буюм тайёрлаш плитасини синтез қилиниш жадвали 2-жадвалда келтирилган [16, 17, 18].

Тайёрланган керамик плитанинг мустақамлигини ошириш учун термал айлантириш жадвали 3-жадвалда келтирилган. Бунда чинни буюмларни синтез қилишда чинни буюм тайёрлаш плитасини термал айланишлари сони, яъни юқори ҳароратли печда чинни буюмларни тайёрлаш учун чинни буюм тайёрлаш плитаси бир неча юз бор термал айланишларга дуч келади, бундай термал айланишларга бардош беришлиги учун ушбу 3-жадвалда кўрсатилган тажрибадан ўтишлиги лозим [19, 20]. Термал айлантиришлардан кейин ғишт тайёр ҳолатга келади. Тайёр серпентин асосидаги юқори ҳароратга чидамли оловбардош керамик ғишдан чинни буюм тайёрлаш плитасини тайёрлашга мўлжалланган юқори ҳароратли 1700°С ҳароратли термостатланган электр печи тайёрланади [16, 17, 18, 19, 20].



а) б)

а) табиий серпентин керамик материалдан тайёрланган ғишт б) катта қуёш печида эритилган серпентиндан тайёрланган ғишт

6-расм. Тайёрланган керамик ғиштнинг иссиқлик ўтказувчанлиги

2-жадвал

Серпентин ва унга қўшилган аралашмалардан тайёрланган плитани синтез қилиниши

№	Материалнинг номи	Материалнинг таркиби	Материалнинг эриш температураси °С	Материалнинг термал айланишлар сони №	Материалнинг таннархи 1 кг (сўм)	Материални тайёрлашда энергия сарфи (кВт)
1	Карбид кремний	SiC	2730	250	4547	12
2	Серпентин	3MgO 2SiO ₂ ·2H ₂ O	650	350	1000	2,5
3	Серпентин +60% MgO	3MgO SiO ₂ ·2H ₂ O+ 3MgO 2SiO ₂ · 2H ₂ O +MgO	2000	400	1500	3

3-жадвал

Термал айланишларга бардош бериши

№	Температура °С	Печда туриш вақти (минут)	Термал айланишлар сони	Хона температурасида туриш вақти (минут)
1	1350	10	50	10
2	1450	10	50	10
3	1550	10	50	10

Хулосалар

1. Республика энергетик тизимида хос бўлган заргарлик тошларини ишлаб чиқариш, биринчи навбатда ГЭС ва ГАЭСларнинг етишмаслиги шароитида энергетик тизимнинг ишончлилиги ва мослашувчанлигини оширишнинг энг истиқболли йўналиши сифатида энергия тифизлиги пайтида қувват манбаи ҳамда энергия истеъмоли кам бўлганда истеъмоличи – ростловчи вазифасини бажарувчи катта Қуёш қурилмасидан фойдаланиш тавсия этилди.

2. Энергетик тизим жараёнида қатнашадиган, катта Қуёш станциялар, мавсум давомида ростланадиган катта қувватга эга бўлган автоном режимдаги катта қуёш қурилмаларнинг асосий параметрларини аниқлаш ва асослаш услуби такомиллаштирилди.

3. Катта Қуёш қурилмаси ва ГАЭС, ИЭС орасидаги қувват юкмасининг энг мақбул тақсимоти, тайёрланган маҳсулот унумдорлиги ва қувватининг оптимал нисбати, керамик тошларни максимал ФИКга мос келувчи заргарлик тошлари ва ундаги энергия сарфи параметрларини оптималлаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқилди.

4. Маҳаллий хомашёларга асосланган керамик чинни буюм тайёрлаш плиталарини тайёрлашда қуёш энергетик қурилмаларидан иборат тизимдан фойдаланишнинг

оптималлашган тузилмаси ишлаб чиқилди. Бу тузилма муайян энергия юкламаси қийматлари асосида қурилмаларнинг оптимал иш режимини аниқлаб топади, натижада энергия йўқолиши 50 фоизга камаяди.

5. Маҳаллий хомашёларга асосланган керамик чинни буюм тайёрлаш плитасини тайёрлашда катта Қуёш қурилмаси иншооти конструкцияларидан иборат, чинни буюм тайёрлаш плиталарининг таннари 60-70 фоизга камайтирадиган янги техник ечимлар ишлаб чиқилди. Маҳаллий хомашёларнинг катта Қуёш қурилмасида эритишнинг экспериментал

тадқиқотлари асосида унинг энергетик тавсифлари олинди.

6. Чинни буюм тайёрлаш плиталарини тайёрлашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисобий харажатлар усули аниқлашнинг такомиллашган услуби ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилди. Техник-иқтисодий ҳисоблар асосида олинган натижалар жаҳондаги чинни буюм тайёрлаш плитасининг кўрсаткичлари доирасидан чиқишлигини ва улардан фойдаланиш асосида энергияни тежаш ва экологик харажатларнинг камайиши ҳисобига салмоқли иқтисодий самара олиш мумкинлигини кўрсатди.

№	Адабиётлар	References
1	Андрианов Н. Т., Собко Р. М., Дягилец С. М. Определение термостойкости керамики // Стекло и керамика. – Москва, – 1999. – №7. – С. 24-26.	Andrianov N. T., Sobko R. M., Diaghilets S. M. <i>Opređenje termostoykosti keramik</i> [Determination of the thermal stability of ceramics Glass and Ceramics]. 1999. No7. Pp. 24-26. (in Russian)
2	Собко Р. М., Андрианов Н. Т., Грачева Н. А. Термостойкая керамика для футеровки стоматологических печей // 8 Международная конференция молодых ученых и студентов по химии и химической технологии «МКХТ 8». Тез. докл. Москва. РХТУ. 1994. 11 с.	Sobko R. M., Andrianov N. T., Gracheva N. A. <i>Termostoykaya keramika dlya futerovki stomatologicheskikh pechey</i> [Heat-resistant ceramics for lining of dental furnaces] 8th International Conference of Young Scientists and Students in Chemistry and Chemical Technology "MKHT 8". Thes. doc. Moscow. RKhTU. 1994. 11 p. (in Russian)
3	Собко Р. М., Андрианов Н. Т. Влияние вида глинозема на термостойкость керамики // Всероссийское совещание: Наука и технология силикатных материалов в современных условиях рыночной экономики. Тез. докл. Москва. РХТУ. 1995. 58 с.	Sobko R. M., Andrianov N. T. <i>Vliyanie vida glinozema na termostoykost keramiki</i> [Influence of the type of alumina on the heat resistance of ceramics]. All-Russian meeting: Science and technology of silicate materials in modern market economies. Thes. doc. Moscow. RKhTU. 1995. 58 p. (in Russian)
4	Собко Р. М., Смирнова А. В., Андрианов Н. Т. Термостойкая керамика на основе алюмомagneзиальной шпинели // 9 Международная конференция молодых ученых и студентов по химии и химической технологии «МКХТ 95». Тез. докл., – Москва, РХТУ, 1995. 22 с.	Sobko R. M., Smirnova A. V., Andrianov N. T. <i>Termostoykaya keramika na osnove alyumomagneziyalnoy shpineli</i> [Heat-resistant ceramics based on aluminum-magnesia spinel] 9 th International Conference of Young Scientists and Students in Chemistry and Chemical Technology "MKHT 95". Thes. Dokl., Moscow. RKhTU. 1995. 22 p. (in Russian)
5	Ченцова Л.Г. Труды ин-та крист. АН СССР. Москва, 1953. – №8.	Chentsova L.G. <i>Trudi in-ta kris</i> [Proceedings of the Institute of Christ]. USSR Academy of Sciences. 1953. No. 8. (in Russian)
6	Лайнер А.И., Еремкин Н.Н., Лайнер Ю.А., Певзнер И.З. Производство глинозема. – Москва: Металлургия, 1978. – 344 с.	Liner A.I., Eremkin H.H., Liner Yu.A., Pevzner I.Z. <i>Proizvodstvo glinozema</i> [Alumina production]. Moscow. Metallurgy. 1978. 344 p. (in Russian)
7	Будников П.П., Бережной А.С. Реакции в твердых фазах. Промстройиздат. – Москва: – 1949. – С.47-51.	Budnikov P.P., Berezhnoy A.C. <i>Reaktsii v tverdkh fazakh</i> [Solid phase reactions]. Promstroyizdat. Moscow. 1949. Pp. 47-51. (in Russian)
8	Бережной А.С., Слонимская Е.З. Труды Укр. НИИ огнеупоров и кислотоупоров. Киев, 1939. вып.45. С.17-23.	Berezhnoy A.C., Slonimskaya E.Z. <i>Trudi Ukr. Nil ognouporov i kislotouporov</i> [Proceedings of Ukr. Research Institute of Refractories and Acid Refractories]. Kiev. 1939. issue 45. Pp.17-23. (in Russian)
9	Галкина И.П. Исследование процессов получения и основных свойств высокоогнеупорной керамики в системе MgO-MgAl ₂ O ₄ : Дис. канд. техн. наук. Москва. 1965.	Galkina I.P. <i>Issledovanie protsessov polucheniya i osnovnikh svoystv vysokoogneupornoy keramiki v sisteme MgO-MgAl₂O₄</i> [Investigation of the processes of preparation and basic properties of high refractory ceramics in the MgO-MgAl ₂ O ₄ system]: Dis cand. tech. sciences. Moscow. 1965. (in Russian)
10	Адлер Ю.П., Маркова М.М., Грановский Ю.В. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий. Москва. Наука. 1971. 283 с.	Adler Yu.P., Markova M.M., Granovsky Yu.V. <i>Planirovanie eksperimenta pri poiske optimal'nikh usloviy</i> [Planning an experiment in the search for optimal conditions]. Moscow. Science. 1971. 283 p. (in Russian)
11	Патент РФ № 2116278, C04B 35/10. Состав для изготовления керамических материалов.	In Russian patent No. 2116278, C04B 35/10. <i>Sostav dlya izgotovleniya keramicheskikh materialov</i> [Composition for the manufacture of ceramic materials]. (in Russian)
12	Патент РФ № 2100316, C04B 35/10. Состав для изготовления керамического материала.	In Russian patent No. 2100316, C04B 35/10. <i>Sostav dlya izgotovleniya keramicheskikh materialov</i> [Composition for the manufacture of ceramic material]. (in Russian)
13	Положительное решение о выдаче патента от 11.01.99 по заявке № 97119382/03.	<i>Polozhitelnoe reshenie o vidache patenta ot 11.01.99 po zayavke № 97119382/03</i> [A positive decision on the grant of a patent dated January 11, 1999 by application №. 97119382/03]. (in Russian)
14	Ryshkewitch E. Oxide Ceramics. Academic Press. 1960.	Ryshkewitch E. Oxide Ceramics. Academic Press. 1960. (in Russian)
15	Landolf-Bornstein. Physikalish-Chemische Tabellen. 1923. № 84.	Landolf-Bornstein. Physikalish-Chemische Tabellen. 1923. № 84. (in Russian)
16	Химическая энциклопедия. 1998. 783 с.	<i>Khimicheskaya entsiklopediya</i> [Chemical encyclopedia]. 1998. 783 p. (in Russian)
17	В.В. Налимова. Новые идеи в планировании эксперимента. – Москва: Наука, 1969. – 334 с.	V.V.Nalimov. <i>Novie idei v planirovani eksperimenta</i> [New ideas in experimental design Moscow. Science. 1969. 334 p. (in Russian)
18	Ахназарова С.Л., Кафаров В.В. Методы оптимизации экспериментов в химии и химической технологии. Москва. Высшая школа. 1985. 320 с.	Akhazarova S.L., Kafarov V.V. <i>Metodi optimizatsii eksperimentov v khimii i khimicheskoy tekhnologii</i> [Methods for optimizing experiments in chemistry and chemical technology]. Moscow. Higher school. 1985. 320 p.
19	Справочник по производству строительной керамики. – Москва. Госстройиздат. 1961. 640 с.	<i>Spravochnik po proizvodstvu stroitelnoy keramiki</i> [Handbook for the production of building ceramics]. Moscow. Gosstroyizdat. 1961. 640 p. (in Russian)
20	Гармаш И.И. Тайны бионики. «Радянська школа», 1985, 108 с.	Garmash I.I. <i>Tayni bioniki</i> [Secrets of bionics]. "Radyanska school", 1985, 108 p. (in Russian)

УЎТ: 621.311.13

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСРОФЛАРИНИНГ КАМАЙТИРИШ МУАММОЛАРИ

*А.Ж. Исаков - т.ф.д., доцент, А.Д.Рахматов - т.ф.н., доцент, Д.М.Очилов - магистрант
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*

Аннотация

Мақолада бугунги кунда Жиззах вилояти электр тармоқларида юзага келаётган исрофлар ва уларни бартараф этишдаги муаммолар келтирилган. Вилоятдаги электр энергияси исрофларининг миқдори катта бўлган ҳудудлардаги электр тармоқларини замонавий, такомиллашган қурилмалар билан жиҳозлаш, хатолиги кичик бўлган ўлчов асбоблари орқали маълумотлар олиб, тармоқ режимлари ва жараёнларни чуқур таҳлил қилинди. Олинган маълумотларга асосланиб ечимлар ва хулосалар баён этилди. Агар электр энергияси исрофлари миқдори 10 фоиздан 15 фоизгача бўлса, тижорат исрофлари талаб даражасида ва қониқарли деб қабул қилиниши мумкин, лекин корхонанинг исрофлар миқдори бошқариш ва назорат қилиш структурасини такомиллаштириш тавсия қилинади. Агар электрэнергияси исрофлари миқдори 15 фоиздан 20 фоизгача бўлса, тижорат исрофлари юқори деб баҳоланади.

Таянч сўзлар: электр энергияси исрофлари, техник исрофлар, инструментал хатоликлар, хусусий истеъмоллар, тепловизорлар, оператив ҳисоблар, техник ва ҳисобий электр энергияси исрофлари.

ПРОБЛЕМЫ СНИЖЕНИЯ ПОТЕРЬ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ

*А.Ж. Исаков - д.т.н., доцент, А.Д. Рахматов - к.т.н., доцент, Д.М. Очилов - магистрант
Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства*

Аннотация

В статье приведены потери в электрических сетях Джизакской области и анализированы пути их снижения определены основные факторы потерь энергии. Определены очаги потерь электрической энергии, предложены пути их снижения путем замены устаревшего оборудования современными, совершенствованием системы учета потребления электрической энергии, анализа режимов и процессов электрических сетей. По результатам обследований предложены рекомендации по снижению потерь электрической энергии. Потери электрической энергии в размере 10-15% считаются удовлетворительными и однако рекомендуется совершенствование системы контроля и управления потерями. Потери электрической энергии от 15% до 20% считаются высокими.

Ключевые слова: потери электрической энергии, технические потери, инструментальные ошибки, потребление электрической энергии на собственные нужды, тепловизоры, оперативные расчеты, технические и расчетные потери электрической энергии.

PROBLEMS OF REDUCING THE LOSS OF ELECTRIC ENERGY

*A.J. Isakov - d.t.s., associate professor, A.D.Raxmatov - d.t.s., associate professor, D.M.Ochilov - master student
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers*

Abstract

The article describes the losses in the electric networks of the Dzhizak region and analyzes the ways to reduce them, identifies the main factors of energy loss. Foci of electric energy losses have been identified, ways to reduce them have been proposed by replacing outdated equipment with modern ones, improving the metering system for electric energy consumption, and analyzing the modes and processes of electric networks. Based on the results, recommendations are proposed to reduce the loss of electrical energy. Losses of electric energy in the amount of 10-15% are considered satisfactory and, however, it is recommended to improve the system of control and management of losses. Losses of electrical energy from 15% to 20% are considered high.

Key words: electric energy losses, technical losses, instrumental errors, electric energy consumption for own needs, thermal imagers, operational calculations, technical and design losses of electrical energy.

Кириш. Электр энергетика тизимида электр энергия- си исрофларини камайтириш ҳар бир энергетик корхонанинг энг асосий муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, энерготизимда ишлаб чиқарилган электр энергиянинг қарийб 20 фоизга яқини истеъмолчиларга етиб бормасдан ўтказгичларда исроф бўлмоқда [1, 2, 3, 4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида сўнги йилларда мамлакатда, авваламбор, иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, инвестициявий жозибадорлик ва ишбилармонлик фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини кен-

гайтиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганлиги таъкидланган [5].

Республика ҳукуматининг электр станциялар ва тармоқларини техник қайта жиҳозлаш ва реконструкциялаш яқин ва ўртача қисқа даврлардаги бош стратегик масаласидир. Ҳозирги вақтда электр энергиясини ишлаб чиқариш ва узатиш жараёни, уни тежаш, шунингдек, электр ускуналарининг мустаҳкам ишлаши энергетик тизимларининг энг долзарб вазифаларидан биридир. Электр энергия- сининг узлуксиз таъминоти, шикастланган ҳудудни тезкор тармоқдан ажратиш ва ҳимоя қилиш ишончлилигини ошириш, мавжуд ҳимоя жиҳозларини такомиллаштириш, жумладан, электр энергиясини узатиш тармоқлари ва трансформатор подстанциялардаги асосий ва ёрдамчи қурилмаларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш сифатли

электр энергияси етказиб беришнинг асосий омилларидир. Электр энергиясини тежашнинг асосий тадбирларига куйидагиларни киритиш мумкин:

- электр энергияси оқимини назорат қилиш;
- электр тармоқлари иш режимларини оптималлаштириш;
- корхонанинг электр тармоқларини юқори кучланишга ўтказиш ва тармоқларни қайтадан реконструкциялаш;
- трансформатор подстанциясида автоматик қайта улашни ташкил этишга эътиборни кучайтириш ва захира тармоқ трансформаторларини юклама остида улаш;
- реактив қувватни компенсациялаш;
- ишчи машина ва механизмларнинг салт ишлашини автоматик равишда чеклайдиган қурилмалар билан жиҳозлаш;
- кам юкланган мотор ва трансформаторларни алмаштириш;
- куч трансформаторларининг иқтисодий самарали иш режимларини танлаш;
- ишчи машиналарнинг юкламаларини ошириш;
- кучланиши 1 кВ гача бўлган тармоқларда носимметрияликни камайтириш;
- электр куч ускуналардан самарали фойдаланиш;
- электр тармоқлари ва қурилмаларидан самарали фойдаланиш;
- электр истеъмолчиларнинг юкламалар графикларини ростлаш;
- энерго балансни (кирим ва чиқимлар) тартибга келтириш.
- электр энергияси сарфини ҳисоблаш ва назорат қилиш;

Электр энергияси, электр станция шинасидан то истеъмолчиларгача узатилганда ўтказгич симларни қизишига, электромагнит майдон ҳосил қилишга ва бошқа эффектларга сарфланади. Бу сарфларни электр энергиясини йўқотишлари деб айтилади. «Электр энергиясини йўқотилиш» терминини электрэнергиясини узатишдаги технологик исроф сифатида тушуниш керак. Тармоқнинг бирор-бир элементидаги электрэнергиясини йўқотилиш катталиги юклама характериға, уни кузатилаётган вақт даврида ўзгаришиға ва тармоқ конструкциясига боғлиқдир.

Электр энергияси исрофларининг структураси ва таркибий қисмлари. Назарий жиҳатдан электр энергияси исрофлари тўртта таркибий қисмлардан иборат бўлиши мумкин:

- техник электр энергияси исрофлари,
- ўлчов асбобларининг инструментал хатоликлари натижасида бўладиган исрофлар,
- тижорат электр энергияси исрофлари.
- трансформатор подстанцияларининг хусусий электр энергияси истеъмолининг миқдори,

Ҳисобга олинган электр энергияси исрофлари-тармоққа етказиб берилган электр энергияси билан истеъмолчиларға етказиб берилган ва счетчикларда ҳисобга олинган электр энергияси миқдори орасидаги фарқ [6].

Техник электр энергияси исрофлари-электр энергиясини электр тармоқлар бўйлаб узатишда ўтказгич симлар ва электр қурилмалардаги физик жараёнлар оқибатида юзага келадиган электр энергияси исрофлари, яъни иссиқлик исрофларидир, уларнинг миқдори аналитик ифодалар ёрдамида ҳисоблаб аниқланади.

Ўлчов асбобларининг инструментал хатоликлари натижасида бўладиган исрофлар – электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизимида бўлган ўлчов трансформаторлари ва назорат ўлчов асбобларининг иш режимлари ва мавжуд характеристикаларига мос келувчи инструментал хатоликларининг бўлиши мумкин бўлган қийматларидир.

Тижорат электр энергияси исрофлари – объектда электр энергиясининг узатилган ва етказиб берилган миқдорини ҳисобга олувчи ва ўз ичига ўлчов, ток ва кучланиш

трансформаторлари, счетчиклар, электр энергиясини автоматлаштирилган ўлчов системаси, уловчи сим ва кабелларни олган ўлчов комплекси мажмуи.

Трансформатор подстанцияларининг хусусий электр энергияси истеъмоли – подстанцияларининг хусусий истеъмол трансформаторига ўрнатилган счетчиклар воситасида ҳисобга олинган, подстанциядаги технологик қурилмаларнинг иш фаолиятини ва энергетик ходимларнинг ишлаш ва маиший шароитларини таъминлаш учун керак бўладиган электр энергияси миқдори. Электр энергияси исрофларининг камайтириш резервларини таҳлили энергия сарфини ҳисобга олиш ва техник исрофлар миқдорини аниқлаш методикасини такомиллаштириш кераклигини кўрсатади [7, 8, 9, 10, 11].

Ечиш услуги. Исрофларни аниқлашнинг замонавий усулларида бири инфрақизил термография орқали нурланш энергияси қувватини ўлчаш ва ўрганилаётган жисм сиртининг ёки конструкцияларнинг ҳароратини аниқлаш учун электрон-оптик қурилмалар – тепловизорлардан фойдаланишдир [12,13].

Таҳлил ва натижалар. Электр энергиясини исрофлари электр тармоқлар узунлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Масалан, Жиззах вилояти электр истеъмолчилари асосан қўшни худудлардан электр энергиясини олади, вилоят худудида электр энергияси танқислиги сезиларли даражададир. Жиззах вилояти ХЭТК балансида 01.01.2018 йилға ҳаво электр узатиш йўллари структураси куйидагича[14,15,16,17,18]:

- кучланиши 0,4 кВ - 4664,529 км;
- кучланиши 10 кВ - 6032,526 км;
- кучланиши 35 кВ - 1297,09 км;
- кучланиши 110 кВ - 1037,44 км.


Ҳаво электр узатиш фойдаланиш йўллари муддатининг 25-40 йил ва ундан ортиқ. Электр тармоқлардаги электр энергиясининг технологик исрофлари миқдори электр энергияси исрофларини ҳисоблашнинг регрессион услубларидан фойдаланиб барқарорлашган режимлари учун аниқланган. Бунда электр энергияси исрофи максимал бўлган вақт оралиқлари олинган ва «Электр тармоқлари» АЖда тасдиқланган электр энергияси сарфини ҳисоблаш ва меъёрлашни ташкил этиш бўйича йўриқномаларға кўра бажарилган.

Жиззах вилояти худудий электр тармоқлар корхонаси (ХЭТК) балансида бўлган электр узатиш линияларидаги исрофлар миқдорини камайтириш учун вилоят худудида ҳукуматимиз томонидан йирик электростанция қуриш мўлжалланмоқда. Бу электростанциянинг ишға туширилиши биринчидан электр таъминоти ишончилигини оширади ва иккинчи томонидан олис масофалардан электр энергиясини келтиришдаги исрофлар миқдорини камайтириш имконини беради.

Халқаро экспертлар фикриға кўра, электр энергиясининг нисбий исрофлари миқдори 13-15 фоиздан ошмаса электр энергиясини масофаға узатиш физик нуқтаи назардан қониқарли деб қабул қилиниши мумкин. Бунда электр энергиясининг нисбий исрофлари миқдори 10 фоиздан кам (узатилган электр энергиясига нисбатан) бўлса (П<10%), ХЭТК энергия исрофлари миқдорини камайтириш борасидаги фаолиятини талаб даражасида деб қабул қилинади, энергия исрофлари миқдорини шу даражада ушлаб туриш учун йирик инвестициялар киритиш зарур бўлади. Агар электр энергияси исрофлари миқдори 10 фоиздан 15 фоизгача бўлса, тижорат исрофлари талаб даражасида ва қониқарли деб қабул қилиниши мумкин, лекин корхонанинг исрофлар миқдорини бошқариш ва назорат қилиш структурасини такомиллаштириш тавсия қилинади. Агар электрэнергияси исрофлари миқдори 15 фо-

издан 20 фоизгача бўлса тижорат исрофлари юқори деб баҳоланади. Уларни камайтириш учун корхонада энергия исрофларини бошқариш структураси қисман ўзгартирилиши ва электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва меъёрлаш тизимини янгилаш зарур. Агар электрэнергияси исрофлари миқдори 20 фоиздан ортиқ бўлса тижорат исрофлари рухсат этилган қўйматидан ортиқ деб ҳисобланади. Корхонанинг исрофлар миқдорини бошқариш ва назорат қилиш структурасини тубдан такомиллаштириш тавсия қилинади.

Маълумки, барча истеъмолчилар электр тармоққа фақат электр энергия ҳисоблагичлар орқали уланиши ва энергия истеъмоли назорат қилиб турилиши зарур. Уларнинг кувватларига қараб электр энергия исрофини аниқлаш мумкин. Бугунги кун талабларига жавоб бермайдиган ҳисоблагичларнинг ишлатилиши кўпинча электр энергия исрофларини аниқ назорат қилиб турилишини қийинлаштириб, тармоқларда исрофларнинг ортиб кетишига олиб келади. Ҳақиқий исрофлар миқдори фақат ҳисоблашлар натижасидагина аниқланилиши тўғри бўлади. Одатда ҳар бир энерготизимда унинг катталиклари қараб оптимал электр энергия исрофлари меъёрланган бўлади. Жиззах вилояти ХЭТҚда электр энергия исрофлари ўртача 15-17 фоизни ташкил қилмоқда (1-расм).




1-расм. Жиззах вилояти ХЭТҚ бўйича 2017 йил электр энергияси исрофи тўғрисидаги статистик маълумотлар

Тармоқ йўриқномаларида электр энергия исрофлари миқдори қуйидаги таркибда аниқланади: юклама исрофлари, электр узатиш тармоқларидаги исрофлар, кувват трансформаторларида, ёрдамчи қурилмаларда, куч трансформаторлари ва автотрансформаторларда салт ишлаш исрофлари, ҳаво электр узатиш тармоқларида тож разряди исрофлари, подстанцияларнинг хусусий истеъмолчиларига сарф қилинаётган электр энергияси, компенсацияловчи қурилмаларида сарф бўлаётган электр энергияси, компенсатор режимида ишлаётган синхрон генераторларда, статик тиристорли компенсаторларда, подстанция реакторларидаги исрофлар, ўлчов трансформаторлари ва уларнинг иккиламчи чулғамларида уланган счетчиклар, тури ўлчов асбоблари, автомаллаштириш воситалари, реле ҳимояси воситалари ва бошқа элементлардаги электр энергияси исрофлари [19, 20].

Оператив ҳисоблар жорий электр энергия исрофларини аниқлаш учун ўтказилади. Бунда электр энергия исрофларини вақт бўйича ўзгариши, истеъмоли режимларини назорат қилиб, тўғирланиб, электр энергия исрофларини минимумга келтирилиши, энерготизим бўйича кувватлар оқими балансини тузиб лимитлар назорат қилиниши, ой ёки йилдаги электр энергия исрофининг кутилаётган миқдорини аниқла-

нилиши, электр энергия исрофлари, истеъмолини башорат қилиш мумкин бўлади. Бўлажак электр энергия исрофлари ҳисоби кейинги ой, йилга бўлиши мумкин бўлган электр энергия исрофлари режалаштирилаётган тадбирларнинг самарадорлигини, электр энергия истеъмолининг бўлажак даражасини шакллантириб аниқлаш учун ўтказилади. Ҳисоблар натижасидан фойдаланиб электр тармоқларини реконструкция қилишда бир неча вариантлар қиёсланиши мумкин. Ҳисоблар натижалари маълумотлар банкни ҳосил қилади. У электр энергия исрофлар миқдорининг статистик маълумотлари билан солиштирилади, тегишли чоралар кўриш учун якуний қарорлар қабул қилинади.

Мисол тариқасида электр энергияси исрофларини аниқлаш учун Лалмикор нимстанцияси 1-трансформаторнинг юклама графиги таҳлил қилинди. Бунда тармоқ юкламаси электр энергияси исрофларининг асосий омилларидан бири эканлиги инобатга олинди. Исрофларни ҳисоблашда тармоқ габаритлари ва юклама куввати дастлабки маълумотлар сифатида олинади (2-расм).



2-расм. Лалмикор нимстанцияси 1-трансформаторнинг юклама графиги

Хулоса: Жиззах вилоят ҳудудидаги электр тармоқларида электр энергияси исрофларини камайтириш чора-тадбирларини белгилаш ва уларни амалга ошириш борасида хулосалар қабул қилинди, жумладан:

- агар электр энергияси исрофлари миқдори 10 фоиздан 15 фоизгача бўлса, тижорат исрофлари талаб даражасида ва қониқарли деб қабул қилиниши мумкин, лекин корхонанинг исрофлар миқдорини бошқариш ва назорат қилиш структурасини такомиллаштириш тавсия қилинади.

- агар электрэнергияси исрофлари миқдори 15 фоиздан 20 фоизгача бўлса тижорат исрофлари юқори деб баҳоланади.

- электр энергияси исрофларини камайтириш мақсадида кўшни ҳудудлардан транспортировка қилинаётган электр энергияси миқдорини камайтириш ва ҳудуд имкониятларидан келиб чиқиб электр энергиясини ишлаб чиқувчи корхоналарни ташкил этиш;

- техник исрофларни ҳисоблаш услуб ва дастурлари асосида техник ва ҳисобий электр энергияси исрофларини охириги уч йиллик маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаларни талаб кўрсаткичлари билан солиштириш;

- электр энергияси исрофларининг меъёрий хараكتеристикаларини таҳлил қилиш ёрдамида тижорат электр энергияси исрофларига баҳо бериш, исрофларнинг таъсир этувчи омилларига боғлиқлик хараكتерини кўрсатиш ва ҳисоблаш услубини жорий этиш;

- электр энергияси сарфи ҳисобининг аниқлик даражасини ошириш мақсадида АСКУЭ (Автоматизированная система коммерческого учета электроэнергии) тизимини жорий этишни янада жадаллаштириш ва қўшимча исрофларини камайтиришнинг олдини олиш чора-тадбирларни жорий этиш ҳамда марказий ижро фаолиятини такомиллаштириш.

№	Литература	References
1	Рахматов А. Электр тармоқларда электр энергия исрофларини аниқлаш. // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2016. – №1. – Б. 37-40.	Rakhmatov A. <i>Elektr tarmoklarda elektr energiya isroflarini aniklash</i> [Determination of power losses in electrical networks]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya" Tashkent. 2016. №1. Pp.37-40. (in Uzbek)

2	Рахматов А., Тошпулатов Н. Проблемы энергосбережения в насосных станциях // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2015. – №1. – Б. 55-58.	Rakhmatov A. Toshpulatov N. <i>Problemi energosberezheniya v nasosnikh stantsiyakh</i> [Energy saving problems in pumping stations]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya" Tashkent. 2015. №1. Pp.55-58. (in Russian)
3	Рахматов А. Электр тармоқларда электр энергия исрофларининг таҳлили // "Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари". 2-қисм. – Тошкент: ТИМИ, 2014. – Б. 225-228.	Rakhmatov A. <i>Elektr tarmoklarda elektr energiya isroflarining tahlili</i> [Analysis of electrical losses in electrical networks]. "Modern problems of agriculture and water resources". Part 2. Tashkent: TIIM, 2014. Pp.225-228. (in Uzbek)
4	Исақов А. Агросаноат мажмуи тармоқларида энергетик сервисни ташкил этишининг назарий асослари // ТошДТУ хабарлари. – Тошкент, 2008. №4. – С.73-77.	Isakov A. <i>Agrosanoat mazhmui tarmoklarida energetik servisni tashkil etishning nazariy asoslari</i> [Theoretical Foundations of energy services in the branches of the Agro-Industrial Complex] Journal "TashSTU Habarlari". Tashkent, 2008. No4. Pp. 73-77. (in Uzbek)
5	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ-3384-сонли қарори. – Тошкент, 2017	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 13 noyabrdaqi PK-3384 sonli qarori</i> [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from November 13, 2017 PK-3384]. Tashkent, 2017. (in Uzbek)
6	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 01 февралдаги ПФ-5646 сонли фармони. – Тошкент, 2019.	<i>Uzbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 01 fevraldagi PF-5646 sonli farmoni</i> [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan from February 01, 2019 PF-5646]. Tashkent, 2019. (in Uzbek)
7	«Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 18 феврал 1546- сонли Ўздавэнергонадзорат инспекциясининг буйруғи. – Тошкент, 2016.	<i>Elektr energiya ishlab chikarish, uzatish va taksimlash koidalarini tasdiklash tugrisida</i> [About approval of Rules of production, transmission and distribution of electrical energy] Order of the Uzgosenergonadzor Inspection No 1546, February 18, 2016 February 18, 2016. (in Uzbek)
8	Рахматов А.Д. Электр энергияси исрофларини камайтириш муаммолари. /Аграр соҳа тармоқларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммолари. Халқаро илмий амалий конференция. – Тошкент.: ТИҚХММИ, 2018. – Б.543-547.	Rakhmatov A. <i>Elektr energiyasi isroflarini kamaytirish muammolari</i> [Power losses reducing problems]. Problems of enhancing the electricity use efficiency in agricultural sector. International scientific-practical conference. Tashkent: TIAME, 2018. Pp.543-547. (in Uzbek)
9	Isakov A. Potential for Introducing Renewable Energy Sources in the Agroindustrial Complex // Applied Solar Energy (ISSN 0003-701X), – USA, 2010. – Volume 46, – № 1. – Pp.77-79.	Isakov A. Potential for Introducing Renewable Energy Sources in the Agroindustrial Complex Applied Solar Energy (ISSN 0003-701X), USA, 2010. Volume 46, № 1. Pp.77-79.
10	Исақов А.Ж., Рахматов А.Д. Электр ускуналарининг ишлатиш самарадорлигини ошириш. // Энергия ва ресурс тежаш муаммолари. –Тошкент, 2009. – №3-4. – Б.170-173.	Isakov A.J., Rakhmatov A.D. <i>Elektr uskunalarining ishlatish samaradorligini oshirish</i> [Increasing the efficiency of electrical equipment] Zhournal "Energy and resource saving". Tashkent, 2009. No 3-4. Pp. 170-173. (in Uzbek)
11	Рахматов А., Намазов С. Тепловизион диагностикаси ёрдамида электр ускуналарнинг техник ҳолатини аниқлаш. Талабалар ва магистрлар анжумани. –Тошкент. ТИҚХММИ, 2018. – Б. 236-238.	Rakhmatov A. Namazov S. <i>Teplovizion diagnostikasi yordamida elektr uskunalarining texnik kholatini aniklash</i> [Determining the technical state of electrical equipment using Thermal imaging diagnostics]. Talabalar va magistrar anjumani. Tashkent: TIAME, 2018. Pp.236-238. (in Uzbek)
12	Рахматов А.Д., Исақов А.Ж. Электр таъминоти тизимида реактив қувват компенсацияси // Агро илм. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журналы илмий иловаси. – Тошкент. 2019. Махсус сон-(61). – Б. 82-83.	Rakhmatov A.Д., Isakov A.J. <i>Elektr ta'minoti tizimida reaktiv kuvvat kompensatsiyasi</i> [Reactive power compensation in power supply system] Journal Agro Ilm. Tashkent. 2019. Special Issue-(61). Pp.82-83.
13	"Жиззах худудий электр тармоқлари корхонаси" АЖнинг 2017 йил ҳолати бўйича хисоботи. – Тошкент. – 2017.	<i>Zhizzakh khududiy elektr tarmoklari korchonasi</i> [The report of "Zhizzakh regional electrical networks enterprise"] JSC condition for Tashkent. 2017.
14	Isakov A.J., Ochilov D.M. Increase of operation efficiency and electrical equipment // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2019. – №3(17). Pp.51-54.	Isakov A.J., Ochilov D.M. Increase of operation efficiency and electrical equipment. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya" - Tashkent, 2019. №3(17). Pp.51-54.
15	http://www.uzbekenergo.uz/ru/activities/technical-and-economic-indicators/	http://www.uzbekenergo.uz/ru/activities/technical-and-economic-indicators/
16	Отраслевое изучение сектора электроэнергетика Узбекистана. JBIC. Промежуточный отчет, 2004.	<i>Otrasleyvoe izucheniye sektora elektroenergetika Uzbekistana</i> [Sectoral study of the power sector in Uzbekistan] JBIC. Interim Report, 2004. (in Russian)
17	Кан.Э.К. Баланс потерь энергии в центробежном насосе при изменении частоты вращения рабочего колеса // Ж.: "Irrigatsiya va Melioratsiya". – Ташкент, 2018. – №3(13). – Б. 34-37.	Kan.Э.К. <i>Balans poter energii v tsentrobezhnom nasose pri izmenenii chastoti vrasheniya rabochego koleasa</i> [The balance of the energy loss in the centrifugal pump when the rotational speed of the impeller changes]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya" Tashkent, 2018. №3(13). Pp.34-37. (in Russian)
18	Рахматов А.Д. Насос станцияларда электр энергия исрофларини камайтириш /Гидротехника иншоотларининг самарадорлиги, ишончилиги ва хавфсизлигини ошириш. Республика илмий-амалий конференцияси. – Тошкент. ТИМИ босмаҳонаси, 2013. – Б.59-65.	Rakhmatov A.D. <i>Nasos stantsiyalarda elektr energiya isroflarini kamaytirish</i> [Reducing power losses in pumping stations]. Enhancing the efficiency, reliability and safety of Hydro technical constructions". Republic scientific and practical conference. TIIM press, Tashkent 2013. Pp. 59-65.
19	Рахматов А.Д., Тошпулатов Ж.Н. Проблемы энергосбережения насосных станций. /Инновационные материалы и технологии. Достижения, проблемы, решения" Международная Научно-техн. конференция. - Комсомольск на Амуре 2013. (21-22 июля 2013 г.) 2-Часть. – С. 218-223.	Rakhmatov A.D., Toshpulatov J.N <i>Problemy energosberezheniya nasosnykh stantsiy</i> [Power saving problems of Pumping stations]. Innovative materials and technologies. Achievement, problems and solutions. International scientific-technical conference. – Komsomolsk na Amure 2013. (June 21-22, 2013) 2nd part. Pp. 218-223.
20	Рахматов А.Д., Намозов С.Р. Ионизаторнинг иш режимидаги ҳаво намлигининг таъсирини ўрганиш // "Irrigatsiya va Melioratsiya" журналы. – Тошкент, 2018. – №2(12). – Б. 52-54.	Rakhmatov A.D., Namazov S.R. <i>Ionizatorning ish rezhimlariga havо namligining ta'sirini urganish</i> [Studi of the effect of relative humidity on the operating modes of the ionizer]. Journal "Irrigatsiya va Melioratsiya" Tashkent, 2018. №2(12). Pp.52-54. (in Uzbek)

УЎТ: 338.436.33(575.1)

СУВ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТДАГИ МУАММОЛАР

А.М.Бабаджанов - и.ф.н., катта илмий ходим

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация

Мақолада иқтисодиётнинг ривожланишида ва тараққий этишида инвестиция муҳимлиги таҳлил этилди, инвестицион сиёсат мамлакатнинг иқтисодий ривожланишининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш механизмидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича таклиф этилган. Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ер ресурсларининг мелиоратив ҳолатини ва ерларнинг сув таъминотини яхшилаш ирригация ва дренаж инфратузилмасини қайта тиклаш ва талаб даражасига келтириш дастурни амалга оширишда хорижий инвестициялар ҳисобидан лойиҳаларни молиялаштириш назарда тутилган. Ирригация ва мелиорация тадбирларини янада ривожлантириш учун мамлакатимиз сув хўжалигида инвестицион фаолиятни кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Таянч сўзлар: сув хўжалиги, инновация, инвестициялар, ирригация ва мелиорация, молиялаштириш, иқтисодиёт.

ПРОБЛЕМЫ ЭКОНОМИКИ И ИНВЕСТИЦИИ В ВОДОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ОТРАСЛИ

А.М.Бабаджанов - к.т.н., старший научный сотрудник

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация

В статье, проведен анализ важности инвестирования в развитие экономики, отмечен, что инвестиционная политика является важным направлением экономического развития страны. Предложен механизм решения проблем по привлечению инвестиций в экономику. Проекты по мелиорации и улучшению водообеспечения, реконструкции дренажных систем, разработанные Министерством водного хозяйства, предложено финансировать за счет иностранных инвестиций. Для дальнейшего развития ирригационных и мелиоративных мероприятий необходимо усиление инвестиционной деятельности в водном секторе страны.

Ключевые слова: водное хозяйство, инновации, инвестиции, ирригация и мелиорация, финансирование, экономика.

PROBLEMS TO ECONOMY AND INVESTMENT OF THE WATER ECONOMIC BRANCHES

A.M.Babadzhanov - c.t.s., senior researcher

Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers

Abstract

In the article analyzed the importance of investing in the development and development of its economy, and investment policy is an important area of economic development in the country. It is proposed to solve the problem of the mechanism of attracting investments into the economy. Projects for land reclamation and water supply improvement, developed by the Ministry of Water Resources, will be funded by foreign investment in the implementation of the Program for Rehabilitation and Reconstruction of Irrigation and Drainage Infrastructure. For further development of irrigation and reclamation measures it is advisable to strengthen investment activities in the water sector of the country.

Key words: water facilities, innovation, investments, irrigation and land, financing, economy.

Кириш. Инвестиция мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида ва тараққий этишида муҳим аҳамият касб этади. Республикада иқтисодий ислоҳатлар натижасида иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалар субъектлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бормоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 19 сентябрь куни сув ресурсларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш ва сувдан фойдаланиш самардорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилишда “Ишлаб чиқилаётган қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегиясида ҳам сувдан фойдаланиш ва уни тежаш бўйича долзарб чора-тадбирлар назарда тутилди. Республикаимизнинг суғоришдаги йўқотишларни қисқартириш, ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, сув хўжалигида илм ва инновацияни жадал ривожлантириш ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди сезилмоқда” таъкидлаганидек [1].

Сув хўжалиги тармоғида сувдан фойдаланиш самара-

